

Остонокулов Азамат
Абдукаримович

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ ВА
ҲИСОБОТИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Остонокулов Азамат Абдукаримович

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН
ТАШҚАРИ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

МОНОГРАФИЯ

**ТОШКЕНТ
«VNESHINVESTPROM»
2021**

УДК: 334.722(075)

КБЛ: 65.9

А.А.Остонокулов. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш.

Т.: «VNESHINVESTPROM» нашриёти, 2021., 208 б.

Такризчилар:

А.З.Авлоқулов Тошкент молия институти “Аудит” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори
Н.Б.Абдусаломова Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудир, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Мазкур монография бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, уларнинг ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилишнинг услубиётини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Унда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий-услубий асослари чуқур тадқиқ этилиб, уларни такомиллаштиришнинг зарурлиги асосланган.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлари ва харажатларининг вужудга келиши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби баён қилинган. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатига оид молиявий ҳисобот кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар шакллантирилган.

Изланишлар натижасида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографиядан профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар ва амалиётчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Монография Тошкент молия институти Кенгашининг “29” март 2021 йилдаги “8/6.2” – сонли қарори билан нашр этишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7453-2-2

© «VNESHINVESTPROM» 2021

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда нафақат, хусусий сектор, балки, давлат сектори ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Давлат сектори давлатнинг жамият олдидаги вазифаларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш, аҳоли саломатлиги ва бандлигини таъминлаш, таълим бериш, тартибга солиш ва назорат қилиш каби қатор нотижорат фаолиятларни юритади. Ўз навбатида, давлат секторининг мазкур йўналишлар бўйича фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш давлат бюджетини шакллантириш орқали амалга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотлар давлат секторининг энг муҳим соҳаларидан саналиб, айти вақтда, улар мамлакатимиз бюджет ташкилотларининг 66,8 фоизини ташкил қилиб, ушбу соҳаларга йўналтирилаётган маблағлар давлат бюджетининг 52,1 фоизига тўғри келмоқда.¹

Халқаро валюта жамгармасининг 2020 йил апрель ойидаги ҳисоботида кўра, ривожланган мамлакатларда бюджет харажатлари ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)нинг 40 фоизини ташкил қилиб, бюджет ташкилотлари бандликни таъминлаш нуктаи назаридан энг катта иш берувчи ҳисобланиши таъкидланган. Пандемия ва инқироз шароитида бюджет ташкилотларини молиялаштириш ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг кафолати эканлиги қайд қилинган.²

Ҳозирги иқтисодий инқирозларнинг глобаллашуви шароитида мамлакатда бюджет-солиқ сиёсати борасида амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ижобий ҳал этишга қаратилиши зарур. Шунингдек, иқтисодий асосланган ҳолда босқичма-босқич солиқ юқини камайтириш ёки бюджетдан молиялаштиришни қисқартириб бориш давр талаби ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

¹ Фуқаролар учун бюджет 2021 йил лойиҳа. Тошкент 2020. <https://openbudget.uz/#/public-budget>

² International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш ҳамда харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш” алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган.³

Ушбу вазифаларнинг амалдаги ижроси мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва бу орқали ижтимоий фаровонликни оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда нафақат, солиқ юки ва бюджет харажатларини камайтириш, балки, давлат бюджетидан молиялаштирилувчи бюджет ташкилотларида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришни ташкил этиш долзарб саналади. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг шакллантирилиши ташкилотларнинг бюджетдан молиялаштирилишини қисқартириш ва ташкилот фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши ва мақсадли сарфланишини таъминлашда уларнинг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда уларнинг ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларни тузиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад (тушум)ларнинг турлари, уларнинг умумий молиялаштиришдаги улуши ҳамда уларнинг даврий ўзгариб боришини ҳисобга олиш ушбу маблағлар бўйича амалга ошириладиган харажатларни молиялаштириш манбаалари тўғрисидаги ахборотларни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳар бир тури бўйича харажатларни даврий ва узлуксиз ҳисобга олиш ушбу маблағларнинг қонунчилик доирасида мақсадли сарфланишини таъминлашга хизмат қилади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон Фармони. <http://lex.uz/docs/3107036>

Ҳозирги кунда бюджет ижроси газанчилик томонидан амалга оширилиб, бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисобига оид ахборотлар касса усулига асосланган ҳолда шакллантирилмоқда. Бюджет ташкилотларида эса, бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари бўйича даромадлар ва харажатлар бир вақтнинг ўзида ҳисоб ва касса усулига асосан ҳисобга олинади. Ушбу жиҳатлар бюджет тизимида режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш жараёнини ахборотлар билан таъминлашда бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ услубий номуносивликлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Бюджет тизимини ислоҳ этишда Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабаларидан келиб чиқиб, бюджет ижросига оид ахборотларнинг очиклигини таъминлаш, бюджет тизимида маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳисобдорликни кучайтириш, бюджет ижроси жараёнида замонавий ахборот тизимларини қўллаш қўламини кенгайтиришни талаб этмоқда. Шу билан бирга, бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисобини тизимли тарзда касса усулидан аралаш усулга ўтказиш орқали бюджет ҳисоботлари ахборотларининг таҳлилий имкониятларини оширишни тақозо қилмоқда.

Ўз навбатида, юқорида қайд этиб ўтилган жиҳатлар бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботига оид мавжуд методологик асосларни чуқур тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

I БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. § Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти


Иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда нафақат, хусусий сектор, балки, бюджет тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бюджет тизими давлатнинг жамият олдидаги вазифаларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодиётни рағбатлантириш, тартибга солиш ва назорат қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби катор нотижорат фаолиятларни молиялаштиришни амалга ошириш мақсадларида хизмат қилади.

Халқаро валюта жамгармасининг 2020 йил апрель ойидаги ҳисоботида келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, пандемия ва глобал иқтисодий инқироз шароитида ривожланган мамлакатлар давлат харажатларини ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 40 фоизига қадар оширганлигини кўришимиз мумкин. Бюджет ташкилотларининг катта қисми ижтимоий соҳада фаолият юритиши аҳоли бандлигини таъминлашда юқори потенциалга эга иш берувчи ҳисобланиб, уларни молиялаштиришни кенгайтириш ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.⁴

Бюджет ташкилотларини узлуксиз ва манзилли молиялаштириш йўналишларини тадқиқ этишда аввало, мамлакатнинг бюджет тизими тузилишига эътибор қаратиш зарур. Мамлакатимизда Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамгармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари бюджет тизимини ташкил этади (1.1.1-расмга қarang).

⁴ International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

Бунда, Давлат бюджети Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан иборат. Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тузилмасига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари киради. Вилоятлар маҳаллий бюджетлари тузилмасига вилоят бюджети, тегишли вилоятлар туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари киради. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети тузилмасига эса, шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг бюджетлари киради.⁵



1.1.1-расм. Бюджет тизими бюджетлари⁶


Давлат мақсадли жамғармалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан давлат функцияларини амалга ошириш мақсадида солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек, бюджет субсидиялари ҳисобидан шакллантирилади. Ўз навбатида, Давлат мақсадли жамғармалари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киради.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари таркибига бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси,

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 34-35 моддалар

⁶ Муаллиф томонидан тузилган

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобига шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлари киради (1.1.2-расмга қаранг).



1.1.2-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари⁷

Бюджет ташкилотларини молиялаштириш уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бюджет тизимининг юқорида қайд этиб ўтилган таркибий тузилмалари орқали амалга оширилади. Яъни, бюджет ташкилотини молиялаштириш Давлат бюжетидан, Давлат мақсадли жамғармалари ва ўзларининг бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу билан бирга, муҳим бир жиҳат, бюджет ташкилотларини молиялаштириш уларнинг фаолият йўналишлари билан бевосита боғлиқ саналади.

Халқаро ички аудиторлар институти тадқиқот натижаларига кўра, бюджет ташкилотлари асосий учта турга ажратилган. *Биринчидан*, марказий ҳукумат томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган ҳудудий бошқарув органлари, вазирлик ва идораларнинг таркибий тузилмалари ҳамда уларга

⁷ Муаллиф томонидан тузилган

ҳисобдор бўлган ташкилотлар. *Иккинчидан*, ҳукумат таркибига кирувчи ва давлат хизматларини кўрсатувчи ташкилот ва муассасалардан иборат бўлган агентликлар. *Учинчидан*, ҳукуматдан мустақил тарзда фаолият юритадиган, ўзининг даромад манбаларига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи давлат муассасалари.⁸ Бюджет ташкилотларини молиялаштириш ва назоратини амалга оширишда ушбу даражаларга эътибор қаратиш тавсия қилинган.

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет ташкилотларини фаолият хусусиятлари ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда таркибласак, ҳукумат томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган вазирлик ва идораларнинг таркибий тузилмалари ҳамда ҳудудий бошқарув органларига ҳисобдор бўлган ташкилотлар асосий қисми ташкил этади. Бунда, давлат таълим ва тиббиёт ташкилотлари бюджет ташкилотлари таркибига энг катта улушга эга ҳисобланади (1.1.3-расмга қаранг).



1.1.3-расм. Давлат таълим ва тиббиёт ташкилотлари сонининг даврий ўзгариши (1 январь ҳолатига)⁹

1.1.3-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, сўнгги беш йил давомида Халқ таълими вазирлиги тизим ташкилотлари сон жиҳатдан юқори

⁸ Supplemental Guidance: Public Sector Definition Release Date: Dec. 2011. The Institute of Internal Auditors (IIA). <https://global.theiia.org/standards-guidance/Public%20Documents/Public%20Sector%20Definition.pdf>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги № 01/2-01-19-287-сонли маълумотномаси асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

улушга эга ҳисобланиб, 2021 йил ҳолатига ушбу вазирлик тизимидаги ташкилотлар 10664 та, Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар 6321 та, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлари 611 та, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар 1692 тани ташкил қилган.

Давлат таълим ва тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш Давлат бюджети харажатларининг энг муҳим йўналишларидан саналиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига улар мамлакатда фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг 66,8 фоизини ташкил қилиб, ушбу соҳаларга йўналтирилаётган маблағлар давлат бюджетининг 52,1 фоизига тўғри келмоқда.¹⁰

Ҳозирги иқтисодий инқирозларнинг глобаллашуви шароитида халқаро ташкилотларнинг тавсиялари асосида ижтимоий соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш инкор этиб бўлмайдиган зарурият саналсада, шу билан бирга, мамлакатнинг Давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб солиқ юқини ҳам босқичма-босқич камайтириб бориш талаб этилмоқда.


Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Сўнгги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узок муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат.”¹¹ Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, солиқ-бюджет юқини камайтириш ва бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислоҳотларнинг ижобий самараси ўлароқ, 2015-2019 йиллар давомида республика миқёсида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари

¹⁰ Фуқаролар учун бюджет 2021 йил лойиҳа. Тошкент 2020. <https://openbudget.uz/#/public-budget>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

молиялаштириш манбалари ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган (1.1.4-расмга қаранг).



1.1.4-расм. Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари молиялаштириш ҳажмининг ўзгариш динамикаси (млн. сўм)¹²

1.1.4-расмда келтирилган маълумотлар сўнгги беш йил давомида республика миқёсида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳажми кескин ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2015 йил бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари 678924,9 млн. сўм бўлган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3206848,2 млн. сўмни ташкил этган. Демак, бюджет тизимидаги амалга оширилган ислохотларнинг ижобий натижаси ўлароқ, бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштириш 2015 йилда давлат бюджетига нисбатан 1,7 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилда эса, 2,7 фоизни ёки 3,2 трлн. сўмни ташкил этган.

Бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни молиялаштириш манбаларини ўрганадиган бўлсак, бизнингча, аввало, Давлат бюджети харажатлари таркибида катта улушга эга бўлган ижтимоий соҳа, яъни таълим ва тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Чунки, ушбу соҳа муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар улушини кўпайтириш

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги № 01/2-01-19-287-сонли маълумотномаси асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

орқали бюджет юкини бир оз бўлсада, камайтириш ва уларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, моддий манфаатдорлигини таъминлаш натижасида фаолиятнинг ривожланишига эришилади.

Вазирлик, идора ва кўмиталар тизимидаги ташкилотларнинг молиялаштириш манбалари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг нисбати сўнгги беш йил давомида ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин (1.1.1-жадвалга қаранг).

1.1.1-жадвал

Бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар улуш(фоиз)ининг даврий ўзгариши¹³

Бюджет ташкилотлари	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш	Бюджетдан молиялаштириш	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш
Халқ таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	99,4	0,6	99,5	0,5	97,9	2,1	97,4	2,6	99,1	0,9
Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар					99,6	0,4	98,4	1,6	97,1	2,9
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	98,2	1,8	97,7	2,3	99,2	0,8	93,6	6,4	94,8	5,2
Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	98,0	2,0	97,6	2,4	97,9	2,1	98,5	1,5	98,3	1,7
Бошқа вазирлик, идора ва кўмиталар тизимидаги ташкилотлар	93,0	7,0	94,5	5,5	88,4	11,6	86,9	13,1	86,8	13,2
Республика миқёсида	97,0	3,0	97,3	2,7	94,9	5,1	93,7	6,3	94,4	5,6

Таҳлил қилиш орқали 2015-2019 йиллар оралигида вазирликлар, идоралар ва кўмиталар тизимидаги бюджет ташкилотларини

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги № 01/2-01-19-287-сонли маълумотномаси асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

молиялаштиришда асосий манба бюджет маблағлари бўлса-да, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш даражаси ўсганлигини кўриш мумкин. Халқ таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотларда 2015 йилда молиялаштириш таркибида бюджетдан ташқари маблағлар 0,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йил якуни бўйича эса, 0,9 фоизни ташкил этган. Мактабгача таълим вазирлиги 2017 йилда ташкил этилган бўлиб, ушбу вазирлик тизимидаги бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши ўртача 2017 йилда 0,4 фоиз, 2019 йил якунида эса, 2,9 фоизни ташкил этган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотларни молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши ўртача 2015 йилда 1,8 фоиз, 2019 йил якунида эса, 5,2 фоизни ташкил этган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларни молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши ўртача 2015 йилда 2 фоиз, 2019 йил якунида эса, 1,8 фоизни ташкил этиб, ушбу давр оралигида бюджетдан молиялаштириш ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Бошқа вазирлик, идора ва қўмиталар тизимидаги ташкилотларни молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши ўртача 2015 йилда 7 фоиз, 2019 йил якунида эса, 13,2 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич республика миқёсида 2015 йилда ўртача 3 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилга келиб 5,6 фоизни ташкил қилган. Жадвал маълумотлари таҳлили бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Демак, бюджет тизимини ислоҳ қилишда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш устувор масала саналади ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларининг таркибий тузилишини ўрганиш ва тадқиқ этишни тақозо этади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари таркибий тузилиши қуйидагиларга ажратилган:

1) Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамгармаси даромадлари:

хисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;

ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

2) Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси даромадлари:

тиббиёт муассасига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

хисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда муассасалар тасарруфида қолдириладиган маблағлар;

ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

3) Бюджет ташкилотлари томонидан ундириладиган бюджетдан ташқари маблағлар:

ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим ташкилотларида, умумтаълим мактабларининг куни узайтирилган

гурухларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа таълим ташкилотларида сақлаб турилганлиги учун;

ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим ташкилотларида таълим олганлиги учун;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олганлик учун;

стационар даволаш-профилактика ташкилотларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ундириладиган тўловлар.¹⁴

Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг аҳамияти ва зарурлигидан келиб чиқиб, ушбу маблағларни шакллантириш, тасарруф этиш ва уларни сарфлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қатор норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори билан бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасини шакллантириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишнинг тартиби белгиланган.¹⁵ Ушбу тартибга кўра, бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамгармаси даромад(тушум)ларини шакллантириш манбалари ва уларни сарфлаш йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарори билан тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш йўналишлари

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 60-61 моддалари

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (1999 йил 3 сентябрь, 414-сон)

белгиланган.¹⁶ Шунингдек, “Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамгармаси тўғрисида”ги 2006 йил 14 январдаги 1537-сон низом билан тиббиёт ташкилотларининг ушбу жамгарма маблағларини шакллантириш ва тақсимлаш, тиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва рағбатлантириш белгилаш, жамгарма маблағларини муассасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш мақсадида сарфлаш тартиби белгиланган.¹⁷

“Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 2016 йил 23 августдаги 2821-сон низом билан мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби жорий этилган.¹⁸ Мазкур тартибга кўра, муассасаларда ота-оналар билан ундириладиган тўловлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, имтиёзли тўловларни қўллаш, тушган маблағларни сарфлаш мақсадлари белгиланган.

“Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги 2013 йил 26 февралдаги 2431-сон низом асосида олий ва ўрта махсус таълим ташкилотларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича шартномани расмийлаштириш, тўлов миқдори ва унинг амалга оширилиши, тушган маблағларнинг тақсимланиш тартиби белгиланган.¹⁹

“Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 2014 йил 15 декабрдаги 2634-сон низом билан муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори (2005 йил 21 декабрь, 276-сон)

¹⁷ “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамгармаси тўғрисида”ги низом (2006 йил 14 январь, 1537-сон)

¹⁸ “Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2016 йил 23 август, 2821-сон)

¹⁹ “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2013 йил 26 февраль, 2431-сон)

харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш, кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланган.²⁰ Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича йиллик харажатлар режасини молия йилида кутилаётган тушумлар ва ҳисобот йили бошидаги маблаг қолдиги ҳажмидан келиб чиқиб тузиш белгиланган. Шунингдек, харажатлар режасини тузишда даромадлар тушуми даврийлигига эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилган. Харажатлар режаси харажат гуруҳлари, моддалари, кичик модда ва элементлари бўйича ҳисоб-китоблар билан асосланиши ҳамда уларнинг иловаси келтирилиши тартиби белгиланган.

Мазкур норматив ҳуқуқий-ҳужжатларнинг талаблари асосида бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини мустақил тузиб тасдиқлаган ҳолда молия органларига тақдим этади. Юқорида келтирилган ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфи амалга оширилади.

Баён қилинганлардан келиб чиқадиган бўлсак, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари молиялаштириш даражаси бюджет маблағларига нисбатан паст бўлсада, ташкилотларнинг фаолият хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда, уларни умумий молиялаштиришдаги улуши даражасини ошириш имконияти мавжуд. Айниқса, давлат бюджети харажатларининг катта қисмини ташкил қилувчи ижтимоий фаолият билан боғлиқ таълим ва тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳозирги даврнинг долзарб масаласи саналади.

1.2.§ Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг асослари

Бюджет ташкилотлари бюджет тизими бюджетларининг таркибий қисми ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида Давлат бюджетидан ҳамда бюджетдан

²⁰ “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 2014 йил 15 декабрдаги 2634-сон низом

ташқари жамгармаларни шакллантириш орқали молиялаштирилади. Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришда у билан боғлиқ жараёнларнинг қуйидаги узвий кетма-кетлигини кўришимиз мумкин (1.2.1-расмга қаранг).



1.2.1-расм. Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш билан боғлиқ жараёнлар²¹


Мазкур расмда келтирилган жараёнлар бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузишдан токи, уларнинг ҳаракатига оид молияий ҳисоботларни тузиб тақдим этишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш, тақдим этиш ва рўйхатдан ўтказиш. Албатта, бюджетдан ташқари

²¹ Муаллиф томонидан тузилган

маблаглар бўйича сметаларни тузиб, тасдиқлаб, молия органига тақдим этиб рўйхатдан ўтказмасдан ушбу маблаглар бўйича молиялаштиришни амалга ошириб бўлмайди. Шунингдек, мазкур жараён бевосита бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларига асосланади.

Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблаглар бўйича бир молия йили учун тузиладиган даромадлар ва харажатлар сметалари асосида молиялаштирилади. Бюджет ташкилотларида куйидаги бюджетдан ташқари маблагларнинг турлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади (1.2.2-расмга қаранг).



1.2.2-расм. Бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблаглар бўйича тузиладиган даромадлар ва харажатлар сметалари таркиби²²

Бюджет ташкилотларининг ҳар бир бюджетдан ташқари маблаглари бўйича бир молия йили учун алоҳида тарзда даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади. Бунда, ҳар бир тузиладиган смета икки қисмдан иборат бўлади, яъни даромад (тушум)лар ва харажатлар режаси. Даромад(тушум)лар режасида молия йили давомида кутилаётган даромадларнинг турлари бўйича тушумлар прогнози келтирилади. Харажатлар қисмида эса, бюджет

²² Муаллиф томонидан тузилган

ташкilotларининг молия йили бошидаги шахсий газна ҳисобварағидаги бюджетдан ташқари маблаг қолдиги ва молия йили давомида келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда харажатларнинг режаси акс этади.

1.2.2-расмда келтирилган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад(тушум)ларнинг бир-биридан фаркланиши ҳамда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ушбу маблағларнинг сарфланиш мақсадлари турлича эканлиги ушбу маблағлар бўйича сметаларни ўзаро алоқадор ёки боғлиқ бўлмаган ҳолатда тузишни талаб этади.

Бюджет ташкilotларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг харажатлар қисмини шакллантиришда бевосита, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари асосидаги ҳисоб-китобларга таянилади. Бюджет ташкilotига юқори турувчи вазирлик, идора, қўмига, бошқармалар ҳамда молия органида тизим ташкilotлари кесимидаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича жамланма смета ҳамда ҳар бир ташкilotнинг сметасини рўйхатдан ўтказишда бюджет ташкilotларининг бухгалтерия ҳисоби ахборот тизими маълумотлари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари таҳлил қилинади.

Бюджет ташкilotларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий газна ҳисобварақларни очиш ва юритиш. Бюджет қонунчилигига кўра, бюджет ташкilotларининг барча маблағлари, хусусан, бюджетдан ташқари маблағлари ҳам ўз ҳисоб рақамларида сақаланиши ҳамда барча пул ўтказмалари ушбу ҳисоб рақамлар орқали амалга оширилиши зарур. Шунингдек, бюджет ташкilotлари дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисоб рақамлари орқали амалга оширади. Мамлакатимиз бюджети касса ижроси газначилик томонидан амалга оширилганлиги учун, ягона газна ҳисобварағи таркибида бюджет ташкilotларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий газна ҳисобварақларини очиш ва юритиш зарурияти вужудга келади.

Бюджетдан ташқари маблағларнинг тушуми, ҳаракатланиши, мақсали сарфланиши, бюджет таснифлари асосида жамланма ахборотларни шакллантириш мақсадида шахсий газна ҳисобварақлар бюджет ташкилотларининг ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлари бўйича алоҳида очилади ва газначилик томонидан юритилади. Ушбу жараёнда бюджетдан ташқари маблағларнинг шахсий газна ҳисобварақда ҳаракатланиши албатта, ҳужжатлаштириш орқали амалга оширилади ва ҳар бир ҳаракат узлуксиз тарзда ҳисобга олиб борилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини ташкил қилиш.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари бюджет тизими бюджетлари таркибига кириб, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, тасдиқланган сметалар асосида улар билан боғлиқ даромад(тушум)лар ва харажатлар режаси тузилади. Маблағларни тасарруф этиш, таҳлил ва назорат қилиш, прогноз кўрсаткичларини шакллантириш учун ушбу режаларнинг бажарилиши ёки ижроси тўғрисида таҳлилий ахборотларни шакллантиришни талаб этади. Шунинг учун, сметаларнинг ижросини ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида амалга ошириш зарурияти вужудга келади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари юзасидан сметалар ижроси ҳар бир маблағларнинг турлари бўйича даромадлар ва харажатларнинг режа кўрсаткичларига нисбатан бажарилишига эътибор қаратилади. Бунда, газначиликда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметалари касса методи бўйича, яъни ташкилотларнинг шахсий газна ҳисобварақларига пул маблағларининг тушуми даромад ва ҳисобварақлардан пул маблағларининг ўтказилиши харажат сифатида ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг ўзида эса, сметаларнинг ижроси ҳисоб ва касса усулига асосан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича дастлаб даромадлар ва улар билан

боглиқ дебиторлик мажбуриятлар қайд этилади. Сўнгра, дебиторлик мажбуриятларининг шахсий газна ҳисобварақларига келиб тушиши натижасида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича пул маблағларининг кўпайиши ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар режасининг бажарилиши даромадларга ўхшаш тарзда газначиликда касса методи асосида қайд этилади. Яъни, ташкилотларнинг шахсий газна ҳисобварақларидан маблағларнинг сарфланиши харажат сифатида ҳисобга олинади. Бюджет ташкилотларида эса, ҳисоблаш методига асосан бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар дастлаб тан олиниб ҳисобга олинади. Шахсий газна ҳисобварақлардан маблағларнинг сарфланиши дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар натижаси сифатида қайд этилади ва касса харажат сифатида эътироф этилади. Бунда, газначиликда ҳам, бюджет ташкилотларида ҳам сметаларнинг ижроси режага мувофиқ амалга оширилиши талаб этилади. Демак, бюджет ташкилотларининг ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметалари ижроси бюджет ташкилотлари ва газначиликда ташкил этилиб, уларни узлуксиз ҳисобга олиб борилиши зарурдир.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларининг ҳосил бўлиши ва уларни ҳисобга олиш. 1.2.2-расмда келтирилган таркибда, яъни, бюджет ташкилотларида тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар вужудга келади.

Ушбу бюджетдан ташқари маблағларнинг таркибий турлари ва уларнинг вужудга келиш ҳолатлари бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, ривожлантириш жамгармасига ташкилот ихтиёрида қолдириладиган бюджет

маблаглари, иқтисод қилинган бюджет маблаглари, хомийлардан олинадиган пул маблаглари, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасига харажатлар сметасининг 5 фоизи ҳажмида бюджет маблагларининг тушуми, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармаларига тизим ташкилотларидан ўтказмалар пул маблаглари ҳаракатига боғлиқ ҳолатда вужудга келади ҳамда тушумлар ва пул маблагларининг кўпайиши сифатида ҳисобда ёзувлар амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг ушбу қайд қилинган бюджетдан ташқари маблагларидан бошқа ҳолатларда даромадлар дебиторлик мажбуриятларининг кўпайиши ёки кредиторлик мажбуриятларининг камайиши билан боғлиқ ҳолатда вужудга келади. Демак, мазкур ҳолатларда даромадлар бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни тан олишнинг ҳисоб усулига асосан тан олинади ва ҳисобда акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари бўйича даромад(тушум)лар газначиликда пул маблаглари ҳаракати билан узвий боғлиқликда қайд этилади. Бунда, ҳар бир бюджетдан ташқари маблағ бўйича шахсий газна ҳисобварақдаги ўзгариш алоҳида қайд этиб борилади. Бюджет ташкилотлари ҳар бир бюджетдан ташқари маблагларнинг тушумини улар бўйича пул маблагларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда шахсий газна ҳисобварақдаги ҳаракати билан боғлиқ ҳолатда акс эттириб тақдим этади. Ҳисобга олинган даромадлар бюджет ташкилотларининг ўз ички ахбороти сифатида умумлаштирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатларининг ҳосил бўлиши ва уларни ҳисобга олиш. Маълумки, бюджет ташкилотларида бюджетан ташқари маблагларни шакллантиришнинг бош мақсади ташкилот фаолияти билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини ҳосил қилишдан иборат. Ушбу бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан шакллантириладиган маблағлар қонунчилик билан белгиланган тартибда сарфланади.

Бюджет ташкилотларида харажатлар иқтисодий ресурсларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳисобланади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳам ушбу манбалар билан боғлиқ ресурсларнинг камайиши ва улар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши натижаси саналади.

Алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозимки, бюджет ташкилотларида ҳосил бўладиган харажатлар ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича харажатларнинг иқтисодий таснифига асосан гуруҳлаш ва харажатларнинг белгилари бўйича турларга ажратишни талаб этади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар улар юзасидан тасдиқланган сметалар доирасида бўлиши энг муҳим қоида ҳисобланади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметалар доирасида ҳисобланган ёки ҳақиқий харажатлар ва касса (тўлови амалга оширилган) харажатларга ажратилган ҳолда ҳисобга олинади.

Ҳисобланган ёки ҳақиқий харажатлар активлар соф қийматининг камайиши (асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш, номолиявий активлар ва дебиторлик мажбуриятларнинг ҳисобдан чиқарилиши) ва кредиторлик мажбуриятлари(бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар, солиқ ва мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисобланиши натижасида)нинг кўпайиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан мавжуд кредиторлик мажбуриятлари(бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар, солиқ ва мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисобланиши натижасида)нинг тўланиши ҳамда мол етказиб берувчи ва пудратчиларга олдиндан тўловнинг ўтказилиши, ҳисобдор шахсларга аванс (бўнак) берилиши ва бошқа шу кабилар касса (тўлови амалга оширилган) харажатлар сифатида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади.

Демак, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлари ҳақиқий харажатлар ва касса харажатлар кўринишида

ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетликда ҳосил бўлади. Ушбу харажатларни маблағларнинг турлари бўйича сметалар доирасида алоҳида амалга оширилиши, шунингдек, харажатларни гуруҳлар ва элементлар бўйича ажратишнинг зарурлиги уларнинг ҳисобини юритишни тақозо этади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисоб-китобларни ҳужжатлаштириш ва уларнинг ҳисобга олиниши. Бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиш манбалари ва уларнинг сарфланиш йўналишларини ўрганадиган бўлсак, улар бўйича ҳисоб-китобларнинг вужудга келишини кўришимиз мумкин.

Хусусан, маблағларнинг шаклланиши. Мактабгача таълим ташкилотлари, мусиқа ва санъат мактаблари, интернат мактаблари ва шу каби бошқа муассасаларда болаларнинг овқатланиши, сақланиши юзасидан ота-оналар билан ҳисоб-китоблар, яъни тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китоблар ҳар бир тарбияланувчи ва таълим олувчи кесимида ҳисобланган тўловлар ва уларнинг тўланиши юзасидан амалга оширилади ҳамда ҳар бир жараён ҳужжатлаштириб борилади.

Олий ва ўрта махсус Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича ҳисоб-китоблар талабалар билан амалга оширилади. Ҳисоб-китобларда тўланиши лозим бўлган тўлов-контракт шакли маблағлари ва уларнинг тўланиши ҳужжатлаштирилган ҳолда ҳисобга олиб борилади.

Бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича фаолият турига хос ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар юзасидан харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Шунингдек, бўш турган асосий воситаларни ижарага бериш, иккиламчи ҳом-ашёларни сотиш билан боғлиқ жараёнларда ҳам ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китоблар бошлангич ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиб ҳисоб регистрларида қайд этиб борилади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши ва тушуми бўйича ҳисоб-китобларда энг муҳим жиҳат, уларнинг даромад сифатида тан олинисидан ҳисоб рақамга маблағларнинг келиб тушишигача бўлган жараёнларнинг узвий ҳужжатлаштирилиши ва улар асосида ҳисобнинг юритилишидир.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари *маблағларнинг сарфланишини* асосан иккита катта гуруҳга ажаратиш мумкин: ташкилотнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш. Қонунчиликда бюджетдан ташқари маблағларнинг шакллантирилиши билан бирга уларнинг сарфланиш йўналишлари ҳам аниқ белгилаб берилган. Жумладан, мактабгача таълим ташкилотларида ота-оналардан ундириладиган маблағларнинг асосий қисми тарбияланувчиларнинг озиқ-овқат харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади. Мусиқа ва санъат мактаблари, мактаб интернатларида эса, ота-оналардан ундириладиган маблағларнинг асосий қисми ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш мақсадларида ҳам сарфланади.

Демак, тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағларнинг моддий техник таъминот бўйича сарфланишида мол етказиб берувчилар, пудратчилар, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар билан ҳисоб-китоблар ҳужжатлаштириш асосида ҳисобга олинади. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш бўйича сарф харажатлар ҳам узвий боғлиқликдаги ҳисоб-китоблар кетма-кетлигида ҳужжатлаштирилади ҳамда ҳар бир босқич ҳисобга олиб борилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари белгиланган норматив ҳужжатлар асосида муассасаларда харажатларнинг барча гуруҳлари (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш берувчининг ажратмалари, капитал таъмирлаш (қўйилма), бошқа харажатлар) бўйича харажат қилиниши мумкин. Бунда, тўлов-

контракт шакли бўйича маблағларнинг сарфланиши харажат гуруҳлари юзасидан ҳисоб-китобларни вужудга келтиради.

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси маблағлари конунчиликка асосан моддий техник базани мустаҳкамлаш ва ходимларни моддий рағбатлантиришга сарфланиши белгиланган. Ушбу маблағларнинг сарфланиши бошқа бюджетдан ташқари маблағларга ўхшаш кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни вужудга келтириб, уларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобини юритишни тақозо этади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш. Бюджет ташкилотларида бир қанча бюджетдан ташқари маблағлар мавжуд бўлиб, уларнинг маълум бир давр оралигидаги ҳаракати, яъни маблағларнинг шахсий газна ҳисобвараққа келиб тушиш манбалари ва шахсий газна ҳисобварақдан сарфланиш йўналишларини умумлаштирган ҳолда тизимлаштирилган ахборотларни шакллантириш талаб этилади. Бунда, ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича белгиланган шакл асосида алоҳида-алоҳида тарзда молиявий ҳисоботларни тузиш ушбу маблағлар билан боғлиқ мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш, молиявий ресурсларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда уларни молиявий жиҳатдан таъминлаш манбаларини аниқлаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларни тузишда улар бўйича тасдиқланган сметанинг бажарилишини ўрганиш бош мақсад саналади. Хусусан, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларнинг таркиби, касса харажатлар ва ҳақиқий харажатларнинг режага нисбатан ижроси ҳолати тўғрисидаги ахборотлар жамланади. Ҳисобот даври боши ва охирига маблағларнинг мавжуд ҳажми келтирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботлар молия органи томонидан белгиланган

шакл асосида фойдаланувчиларга даврий тақдим этиб борилади. Фойдаланувчиларда молиявий ҳисоботларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш ҳолати тўғрисида ишончли маълумот ва тасаввур ҳосил бўлиши керак.

Юқорида қайд этиб ўтилган жиҳатлар бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг зарурлигини асослайди ҳамда ўз навбатида, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг назарий асосларини ўрганишни тақозо этади. Афсуски, шу кунга қадар бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг илмий-назарий, илмий-услубий, илмий-амалий асослари тадқиқ этилмаган. Бу эса, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ мақсад, вазифа ва функциялар, муносабатлар, жараёнлар, объектлар, ҳисоб усуллари ва тамойиллари, хусусиятларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида илмий жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб этади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг мақсади – фойдаланувчиларни бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, уларнинг таркиби, шаклланиш манбалари ва сарфланиш йўналишлари ҳақида ишончли ахборотлар билан ўз вақтида таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун **бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг вазифалари** ижросини таъминлаш талаб этилади:

1. Бюджет ва бухгалтерия ҳисобига оид қонунчилик ҳужжатлари асосида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этиш;
2. Бюджет қонунчилиги талаблари асосида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш, тақдим этиш ва рўйхатдан ўтказиш;

3. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий газна ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

4. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ижросини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;

5. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад(тушум)ларни тан олиш, ҳисоб регистрлари ва ҳисоб варақларда акс эттириш;

6. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатларни ҳужжатлаштириш, ҳисоб регистрлари ва ҳисоб варақларда акс эттириш;

7. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

8. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш.

Бизнингча, **бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг режалаштириш, ҳисоблаш, назорат, ахборот, таҳлил функциялари** мавжуд. Ушбу функциялар ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқлик ва изчилликда амал қилади. Шунингдек, ушбу функцияларнинг бирини иккинчи бошқа бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди (1.2.3-расмга қаранг).



1.2.3-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг функциялари²³

²³ Муаллиф томонидан тузилган

Режалаштириш. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини эҳтиёжга асосан ҳисоблаш, ташкилот фаолияти билан боғлиқ эришиш кутилаётган даромад(тушум)лар ва харажатларнинг режаси шакллантирилади.

Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бир молия йили учун мўлжалланган даромадлар ва харажатлар режасидан иборат сметаларни тузади. Сметаларни тузишда албатта, харажатларнинг режасига улар бўйича ҳисоб-китоблар илова сифатида харажатларнинг даврий ёйилмаси кўринишида берилади. Шунингдек, ташкилотнинг моддий техник таъминоти ва коммунал тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам бевосита режа графиклар асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тузилган сметалар ёки режалар доирасида амалга оширилади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг ижроси ҳисобини юритиш ва уларга оид ҳисоботларнинг таҳлили бевосита режаларнинг бажарилишига қаратилади. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ички аудит хизматининг фаолияти ҳамда бюджет назорати юзасидан ўрганиш ишлари тузиладиган режалар асосида ушбу маблағлар бўйича смета(режа)ларнинг ижроси ҳолатига баҳо беришга қаратилади.

Жорий молия йилининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалари ижроси ҳисобини юритиш ва уларни таҳлил қилиш ўз навбатида, келгуси молия йили учун тузиладиган сметалар ёки даромадлар ва харажатларнинг режасига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Ҳисоблаш. Ушбу жараёнда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати, даромадлар ва харажатларга оид турли кўрсаткичларни ўзаро боғланган ҳамда узлуксиз ҳолда ягона кўринишида ифодалаш назарда тутилади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисоблаш усулига асосан аниқланади ҳамда

бухгалтерия ҳисобида қайд этиб борилади. Хусусан, тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоблашувлар, таълим ташкилотларида тўлов-контракт шакли маблағлари, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад(тушум)ларни тан олишга асос мавжуд бўлсагина, улар ҳисобга олинади.

Бунда, ушбу даромад(тушум)ларни аниқ миқдорда ифодалаш ва улар билан боғлиқ вужудга келадиган муносабатларни қиймат кўринишида ҳисоблаб ёзиш талаб этилади. Масалан, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағи бўйича даромадлар тузилган тўлов-контракт шартномасида ҳисоблаб ёзилган миқдорнинг жорий ҳисобот давридаги қисмини ҳисоблаш орқали ҳисобда акс эттирилади.

Харажатлар ресурсларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ҳосил бўлишига боғлиқ. Шу сабабдан, албатта, ресурсларнинг камайишини ҳажм, миқдор ва қиймат жиҳатдан аниқлашда ҳужжатлаштириш орқали ҳисоблаш амалга оширилади. Мажбуриятларнинг вужудга келишида ҳам, уларнинг нима сабабдан ва қайси молиявий хўжалик операцияси натижасида ҳосил бўлганлигига аниқлик киритилади ҳамда уларнинг ташкилот молиявий ҳолатига таъсири бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Демак, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар бухгалтерияда аниқ қийматда акс эттирилиши учун бошлангич ҳужжатларни расмийлаштириш орқали ҳужжатлаштирилади ва ҳисобга олиб борилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари юзасидан харажатлар ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида, шунингдек, харажатларнинг иқтисодий таснифига асосан ҳисобга олинади.

Назорат. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини тасарруф этиш ва бошқаришда қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши, тасдиқланган сметларга амал қилиниши,

маблаглар ҳаракати билан боғлиқ ҳар бир жараённинг тўғри ҳужжатлаштирилиши ва узлуксиз ҳисобга олиниши, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги ўрганилади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблагларни шакллантириш ва уларни сарфлашнинг ҳар бир босқичида назорат амалга оширилади. Бюджетдан ташқари маблаглар бўйича даромад(тушум)лар бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш орқали уларнинг қонунийлиги таъминланса, уларни ҳисобварақлар ва ҳисоб регистрларида узлуксиз тарзда ҳисобга олиш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш орқали жамланма маълумотлар шакллантирилади. Бу жараёнда ҳужжатлаштириш ва ҳисобни юритиш даромадларни қонуний шакллантиришни таъминлайди.

Бюджетдан ташқари маблаглар бўйича харажатлар ҳисобини юритишда харажатларнинг смета доирасида бўлиши, ҳужжатлаштирилиши, ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилиши улар юзасидан узлуксиз назоратни таъминлайди. Шунингдек, бюджетдан ташқари маблагларнинг қонунчиликда белгиланган мақсад ва йўналишларда сарфланишини назорат қилиш бевосита уларнинг ҳисобини юритиш жараёнида амалга оширилади. Бюджетдан ташқари маблагларнинг сметалар доирасида сарфланишини таъминлаш ва назорат қилиш улар бўйича ҳисобнинг юритилиши ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш воситасида амалга оширилади.

Демак, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблагларнинг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ ҳар бир жараёнда дастлабки ва жорий назоратни кўришимиз мумкин. Бюджетдан ташқари маблагларнинг ҳаракатига оид тузиб тақдим этилган молиявий ҳисоботларни ўрганиш ёки таҳлил қилиш орқали сўнгги назорат амалга оширилади.

Ахборот. Бунда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳаракати, улар бўйича даромад(тушум)лар ва харажатларнинг амалга оширилиши тўғрисида фойдаланувчиларни молиявий ва бухгалтерия ахборотлари билан таъминлаш тушунилади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш орқали фойдаланувчиларга ушбу маблағлар ҳаракатига оид маълумотларни тизимлаштириб молиявий ҳисобот шаклида ахборот сифатида тақдим этилади. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги аъборотларни ички ва ташқи фойдаланувчилар олишлари мумкин. Ички фойдаланувчиларга ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағларини тасарруф этиш ва бошқариш, таҳлил қилиш, жорий ҳолати тўғрисида тезкор хабардор қилиш мақсадида бирламчи ва таҳлилий ахборотлар тақдим этилади. Ташқи фойдаланувчиларга ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағларини даврий ҳаракати, шаклланиш манбалари ва сарфланиш йўналишлари тўғрисидаги жамланма ахборотлар тақдим этилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида шаклда ушбу маблағга доир қолдиқлар, ҳисобот давридаги даромад(тушум)лар, касса харажатлар ва ҳақиқий харажатларни ўз ичига қамраб олади.

Таҳлил. Мазкур жараёнда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ушбу маблағларнинг ҳолати, ҳаракати, улар билан боғлиқ даромад(тушум)лар ва харажатларнинг даврий ҳамда таркибий ўзгаришларини ўрганиш ва таҳлил қилиш тушунилади.

Таҳлил қилиш орқали ташкилотни молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши, улар бўйича даромад(тушум)лар ва харажатларнинг ўзаро мувофиқлиги, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижро этилиши ҳолати таҳлил қилинади. Бюджет ташкилотларининг ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жорий ва йигма ахборотлар таҳлил қилиниб, маблағлардан фойдаланиш даражасини ошириш ва ресурслар билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг предмети – бу ташкилотларнинг фаолияти натижасида вужудга келадиган бюджетдан ташқари маблағлар ва улар бўйича ҳисоб-китоблар, даромад(тушум)лар ва харажатлар, молиявий натижалар билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг объектлари таркибига ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ушбу маблағлар билан боғлиқ вужудга келган номолиявий ва молиявий активлар, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари, ҳисоб-китоблар, даромад(тушум)лар ва харажатлар, молиявий натижалар, хўжалик жараёнлари, молиявий ҳисоботлар киритилади (1.2.4-расмга қаранг).



1.2.4-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби объектлари²⁴

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби билан боғлиқ ўзига хос алоҳида жиҳат мавжуд, яъни ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активлари, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари нафақат, бюджет маблағлари балки, бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ ҳолатда шакллантирилади. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан номолиявий активлар кирим қилинишида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари пайдо бўлади ҳамда улар юзасидан ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича

²⁴ Муаллиф томонидан тузилган

ташкilotда даромадлар ва харажатлар вужудга келиб, улар билан боглик молиявий натижалар аниқланади. Бюджетдан ташқари маблағларнинг харакати юзасидан молиявий ҳисоботлар тузилади.

Номолиявий активлар деб, ташкilot фаолияти давомида фойдаланиш мақсадида сақлаб турилган моддий активлардир. Уларнинг таркибига асосий воситалар, номоддий активлар, ноишлаб чиқариш активлари, товар-моддий захиралар ва номолиявий активларга қўйилмалар киради.

Асосий воситалар – ташкilot фаолияти давомида фойдаланиш мақсадида узок вақт давомида (12 ойдан ортик) фойдаланиладиган, ижарага бериш мумкин бўлган, ўз қийматини эскириш / амортизация ҳисоблаш орқали харажатларга ўтказадиган моддий активлардир.

Номоддий активлар – ташкilot фаолияти давомида фойдаланиш мақсадида узок вақт давомида (12 ойдан ортик) тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, ўз қийматини эскириш / амортизация ҳисоблаш орқали харажатларга ўтказадиган мол-мулк объектларидир.

Ноишлаб чиқариш активлари – ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган капитал харажатлардир. Буларга ноинвентар тусдаги харажатларга кирувчи ерни яхшилаш ва ободонлаштиришга доир капитал қўйилмалар киради.

Товар-моддий захиралар – ташкilot фаолиятини амалга ошириш мақсадида қисқа муддат (12 ойгача) тутиб туриладиган, ўз қийматини тўғридан-тўғри харажатларга ўтказадиган моддий активлардир. Буларга курилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари, инвентар ва хўжалик жихозлари, ёнилги, ёқилги – мойлаш материаллари, машина ва асбоб – ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари, бошқа товар-моддий захиралар киради.

Тайёр маҳсулот – сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, қисман ташкilotнинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотлардир.

Номолиявий активларга қўйилмалар – номолиявий активларни харид қилиш, асосий воситаларни қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, номоддий активларни ўзида тайёрлаш, товар-моддий захиралар билан боғлиқ амалга оширилган харажатлардир.

Молиявий активлар деб, ташкилот фаолияти билан боғлиқ амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган пул маблағлари тушунилади. Уларнинг таркибига ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари, ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар, кассадаги нақд пул маблағлари, молиявий қўйилмалар ва бошқа пул маблағлари киради.

Дебиторлик мажбуриятлар деб, хариддорларнинг сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар, мол етказиб берувчиларнинг олдиндан тўланган маблағлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармаларга солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича олдиндан тўланган маблағлар, ходимларнинг берилган бўнак (аванс)лар бўйича ташкилот олдидаги қарздорлигига тушунилади.

Кредиторлик мажбуриятлар деб, ташкилотнинг маҳсулотларни сотиб олиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича мол етказиб берувчи(пудратчи)лар ва бошқа корхоналардан, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармалардан, иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган тўловлар бўйича ходимлар ва стипендия олувчилардан қарздорлиги тушунилади.

Ҳисоб-китоблар деб, ташкилот фаолиятини амалга оширишда юридик ва жисмоний шахслар билан дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоблашувлари тушунилади.

Даромадлар – бу ташкилотнинг активлари соф қийматининг ортиши ҳамда мажбуриятларнинг камайиши натижасидир. Ташкилотда даромаднинг вужудга келиши бюджет ташкилотларида тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий

рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар шакллантирилади.

Харажатлар – бу ташкилотнинг активлари соф қийматининг камайиши ҳамда мажбуриятларининг ортиши натижасидир. Бюджет ташкилотларида тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағлар харажатлар амалга оширилади.

Бюджет ташкилотида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий хусусиятларини белгилайди, шу билан биргаликда улар молиявий натижани аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Молиявий натижалар – бу ташкилотнинг маълум бир ҳисобот даврида хўжалик фаолияти натижасида ўзига қарашли маблағлари соф қийматининг кўпайиши ёки камайишидир. Молиявий натижалар ташкилотнинг ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича ҳисобот давридаги даромадлари ва харажатларини таққослаш орқали алоҳида тарзда аниқланади. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар икки босқичда аниқланади, яъни жорий йилга молиявий натижалар ва якуний молиявий натижалар.

Жорий йилга молиявий натижалар – бу ташкилотни молиялаштириш билан боғлиқ молия йилидаги даромадлар ва харжатлар сметалари ижроси натижасида активларнинг соф қиймати ва мажбуриятларнинг ҳолатидаги ўзгаришидир. Жорий йилга молиявий натижа ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича амалга оширилган ҳақиқий

харажатлар билан даромад (бюджет маблаглари бўйича касса харажатлар)ларни таққослаш орқали аниқланади.

Якуний молиявий натижа – бу ташкилотнинг бутун фаолияти давомидаги даромадлари ва харажатлари натижасида ташкилот молиявий ҳолатининг ўзгаришидир. Якуний молиявий натижа ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича ўтган йиллар молиявий натижаларига ҳисобот йили(жорий йил)даги молиявий натижани қўшиш орқали аниқланади.

Ҳар бир бюджет ташкилотлари муайян фаолиятни амалга оширишга ихтисослашган. Жумладан, фан, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқалар. Ушбу фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда бюджетдан ташқари маблаглар билан боғлиқ хўжалик жараёнлари вужудга келади.

Хўжалик жараёнлари. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари бўйича хўжалик жараёнларини асосан таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация жараёнларига ажратиш мумкин. **Таъминот жараёни** бюджет ташкилотининг нормал фаолият олиб бориши учун мунтазам равишда хом-ашё, материал, ёқилги, шунингдек, асосий воситаларнинг харид қилиб турилиши зарурлиги билан изоҳланади. Бу жараён фаолият учун зарур воситаларни мол етказиб берувчилардан сотиб олиш ва ташкилотга келтириш билан чегараланади.

Ишлаб чиқариш жараёни ташкилотда бюджетдан ташқари маблаглар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишда моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларини ўз ичига олади. Бу жараёнда меҳнат буюмлари, меҳнат воситалари ҳамда ишчи кучи ёрдамида истеъмол қийматига эга бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқарилади.

Сотиш жараёни бюджет ташкилотида бюджетдан ташқари маблаглар айланишининг сўнгги босқичи бўлиб, бу босқичда ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларни харидор ва истеъмолчиларга шартномалар асосида етказилади. Сотиш жараёни хўжалик жараёнини тугаллайди ва қайтадан таъминот жараёни бошланади.

Ушбу хўжалик жараёнлари бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ амалга ошириладиган муомалалар, уларни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларнинг ўзаро айланиши, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, маблағлар ҳаракатини ҳисобварақлар ва ҳисоб регистрларида ҳисобга олиш, ахборотларни йиғиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш, ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш қабиларни ўз ичига қамрайди.

Молиявий ҳисоботлар – бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатининг фойдаланувчилар учун тақдим этиладиган ахборот шакли ҳисобланади. Бюджет ташкилотлари Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл ва муддатларда бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар фойдаланувчиларга тақдим этади.

Вазирлик, идора ва қўмиталар тизимидаги бюджет ташкилотлари, молия органи ва газначилик **бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг субъектлари** ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритиш тартибини белгилаб берувчи таркибий қисм сифатида бухгалтерия ҳисобига хос бўлган қуйидаги **усуллар** мавжуд:

- ҳужжатлаштириш;
- инвентаризация;
- баҳолаш;
- калькуляция;
- бухгалтерия ҳисоби счётлари;
- иккиёқлама ёзув;
- бухгалтерия баланси;
- ҳисобот.²⁵

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш ҳамда уларнинг ижроси билан

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон) Қонуни (янги таҳрири) асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

боглиқ режалаштириш, бошқариш, баҳолаш, ҳисоблаш, таҳлил ва назорат усуллари ҳам мавжуд.

Демак, айтишимиз мумкинки, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг усуллари сифатида бир вақтнинг ўзида бухгалтерия ҳисоби ва давлат бюджетига оид усуллар амал қилади.

1.3.§ Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш услубиёти

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади бюджет ташкилотининг барча хўжалик муомалаларини расмий равишда ҳисобда акс эттириш ва маълум бир даврларда фойдаланувчиларга зарурий ахборотларни етказиб бериш ҳисобланади. Бунда, фойдаланувчиларга тақдим этиладиган ахборотлар молиявий ҳисобот шаклида тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботларнинг мақсади бюджет ташкилотининг молиявий аҳволи, унинг фаолияти ва пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилиш ҳамда таҳлил қилишлари учун зарурдир.

Молиявий ҳисобот борасида изланиш олиб борар эканмиз дастлаб, унинг туб мазмунига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Молиявий ҳисобот – бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир.²⁶

Ҳар қандай шакл ва мазмундаги ахборотлар ёки маълумотлар молиявий ҳисобот саналмайди. Молиявий ҳисобот маълум бир давр учун қатъий белгиланган шакл асосида ўзаро боғлиқликдаги кўрсаткичларни тизимлаштириб тугалланган ахборот кўринишида тақдим этилади.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон) 22-модда

Молиявий ҳисобот ташкилотда хўжалик муомалалари хусусияти ва моҳияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси ҳисобланади.²⁷ Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир. Чунки, молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, ташкилот имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

Молиявий ҳисоботни тузиш ва ундаги ахборотларни шакллантириш билан боғлиқ умумқабул қилинган принцип (тамойил)лар мавжуд. Яъни, молиявий ҳисобот ва унинг кўрсаткичлари **узлуксизлик**, **ишончлилик**, **кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги**²⁸ каби принцип (тамойил)лар асосида шакллантирилган бўлиши зарур.

Молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичлар биринчи навбатда, **узлуксиз** тарзда юритилган ҳисоб маълумотлари асосида шакллантирилиши зарур. Иккинчидан, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бюджет ташкилоти фаолияти давомийлигига параллел ҳолда даврий бир-бирини тўлдириши ва узвий боғланган бўлиши шарт. Шундагина, молиявий ҳисоботнинг ахборотлари ишончли саналиб, уларни тўғри таҳлил қилиш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва прогноз кўрсаткичларини шакллантириш мумкин бўлади.

Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари билан асосланиши, ҳисобот давридаги барча муомалаларнинг ҳужжатлаштирилганлиги ва ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлиги, ҳисоб объектларининг ҳаққоний баҳоларда ифодаланганлиги унда келтирилган ахборотларнинг **ишончлилигини** таъминлайди. Бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ижросига оид қонунчилик ҳамда бюджет ҳисоби стандартлари ҳам молиявий ҳисоботларни ушбу принцип (тамойил) асосида тузиш зарурлигини белгилайди.

²⁷ Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби: Дарслик. Т.: Шарқ, 2004. 230-б.

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон) 3-модда

Кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги. Молиявий ҳисоботларда келтириладиган кўрсаткичларнинг вақт нуқтаи назаридан узлуксизлиги уларнинг даврий ўзгаришини таққослаш ёки қиёслаш орқали таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, молиявий ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлиги ёки бир-бири билан боғлиқлиги ҳисобот давридаги маълум бир кўрсаткичнинг бошқа кўрсаткичларга таъсирини таққослаш ёки қиёслаш натижасида уларнинг ўзгаришини таҳлил қилишга шароит яратади.

Бюджет ташкилотларида маблағларнинг шаклланиш манбалари ва уларнинг сарфланиш йўналишлари, амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳамда маблағларнинг ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни вақти-вақти билан фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот шаклида тақдим этиш талаб қилинади. Негаки, ташкилотларнинг маблағлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, уларни бошқариш, назорат қилиш, таҳлил ва прогноз қилишда ишончли ахборотларга эҳтиёж сезилади. Ахборотларга бўлган ушбу эҳтиёж бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларни тузиш орқали таъминланади.

Бюджет ташкилотлари давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш шартлари ҳамда уларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.²⁹

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг шакллари, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳамда муддатлари ҳам молия органи томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига кўра, бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 4-модда

ҳисоботини тартибга солиш бюджет ҳисоби стандартлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.³⁰

Бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳисобот шакллари “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” асосида белгиланган тартибда тузиб тақдим этилади.

Бюджет ташкилотлари учун 1 январь — 31 декабрь календарь йили йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот давридир. 1 январдан бошлаб даврий молиявий ҳисобот тузилаётган даврнинг ҳисобот санасини ҳам қамраб олган давр календарь йил мобайнида тузиладиган даврий молиявий ҳисобот учун ҳисобот давридир. Бюджет ташкилотлари чораклик молиявий ҳисоботлари ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, йиллик молиявий ҳисоботлар эса, келгуси ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра тузилади.³¹

“Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар”га асосан бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари таркиби баланс (1-сон шакл), молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот, харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, товар-моддий захиралар ва

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон) 9-модда

³¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 163-модда

номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.³²

Мазкур ҳисоботлар тақдим қилиш даврийлигидан келиб чиқиб, чораклик ва йиллик ҳисоботларга ажратилади (1.3.1-жадвалга қаранг).

1.3.1-жадвал

Бюджет ташкилотлари томонидан тузиб тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар таркиби ва уларнинг даврийлиги³³

№	Молиявий ҳисобот	Чораклик	Йиллик
1.	Баланс (1-сон шакл)	+	+
2.	Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот	+	+
3.	Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)	+	+
4.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот	+	+
5.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
6.	Тибиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
7.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
8.	Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
9.	Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот		+
10.	Бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+

³² “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” (2018 йил 26 декабрь, 2971-сон)


³³ Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига баланс (1-сон шакл); молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот; харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл); дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот; бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар киради.

Чоралик молиявий ҳисоботлар таркибига эса, баланс (1-сон шакл); молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот; харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл); дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот; бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар киради.

Молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичлар ўсиб борувчи тартибда, яъни биринчи чорак, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик шаклда тузилиши зарур.

Бюджет ташкилотларининг барча молиявий ҳисоботлари ўзаро боғлиқлик ва узвийликда тузилади. Бунда, баланс марказий ўринда туради, яъни, барча ҳисобот шакллариининг кўрсаткичлари баланс кўрсаткичларини изоҳлайди (1.3.1-расмга қаранг).



1.3.1-расм. Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.³⁴

Мазкур расм молиявий ҳисобот шаклларида баланс марказий ўринни эгаллаши ва бошқа ҳисоботлар унинг бўлимларидаги кўрсаткичларнинг ўзгаришини изоҳлайди. Алоҳида, таъкидлаш лозимки, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати бевосита, ташкилот баланси ва бошқа молиявий ҳисоботлар шакллари кўрсаткичлари билан алоқадордир.

Жумладан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан номолиявий активларнинг қилиниши “Товар моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”да ўз аксини топади. Иқтисод қилинган бюджет маблағлари ва тиббиёт ташкилотларида

³⁴ Муаллиф томонидан тузилган

харажатлар сметаси доирасида 5 фоиз ҳажмда ривожлантириш жамгармаси маблағларининг шаклланиши “Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот”да ҳам акс этади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича молиявий ҳисоботлар ушбу маблағларнинг ҳаракати билан боғлиқ тарзда алоҳида тузилади. Хусусан, ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг шахсий газна ҳисобварақдаги ҳаракати молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришга асос саналади. Шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича касса харажатлар ва ҳақиқий харажатлар тўғрисидаги ахборотларни ҳам қамраб олади.

II БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ АМАЛИЁТИ

2.1. § Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ҳисоби

Бизга маълумки, бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбалари асосан давлат бюджети ва шу билан бирга, бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш орқали амалга оширилади. Бунда, давлат бюджетидан молиялаштириш асосий қисми ташкил қилиб, бюджет ташкилотларида касса харажатлар ёки бюджетдан молиялаштириш, деб эътироф этилади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича эса, қонунчиликда белгиланган манбалардан даромад ёки тушумлар ҳосил қилиниб, улар даромад, баъзи ўринларда тушумлар, деб қайд қилинади.

Бюджет ташкилотини давлат бюджетидан молиялаштириш билан боғлиқ касса харажатлар ҳаражатлар сметалари асосида амалга оширилади. Батафсил изоҳлаб ўтадиган бўлсак, бюджетдан ажратилаётган маблағлар тузилган харажатлар сметаси доираси босқичма-босқич бюджет ташкилотининг топширигига асосан газначиликда очилган шахсий газна ҳисобварақлар орқали молиялаштириб борилади. Касса харажатлар, деб эътироф этилишига сабаб, мамлакатимизда давлат бюджети ижроси касса усулига асосланганлигидадир. Демак, бюджет ташкилотларини давлат бюджетидан молиялаштириш ёки газначилик томонидан ташкилот мажбуриятларининг тўланиши бюджет ташкилотларида касса харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромад (тушум)лари бюджет маблағларидан фарқли ўлароқ, харажатларнинг режалари ижроси билан узвий алоқадорликда ёки шахсий газна ҳисобварақлардаги ўзгаришлар билан эмас, балки, даромад (тушум)ларнинг вужудга келиши ва уларни тан олиш орқали ҳисоби юритилади. Бир сўз билан айтганда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича

даромад(тушум)лар бюджет ташкилотларида ҳисоблаш усулига асосан ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромад (тушум)ларини иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ва ундириладиган маблағлар ҳисобидан шакллантириладиган даромад (тушум)лар (2.1.1-расмга қаранг).



2.1.1-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларининг гуруҳланиши.³⁵

Мазкур расмдан кўришимиз мумкинки, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромад(тушум)лари таркибига бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари ҳамда тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари киради.

³⁵ Муаллиф томонидан тузилган


Ундириладиган маблаглар ҳисобидан шакллантириладиган даромад (тушум)лар таркибига эса, ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим ташкилотларида, умумтаълим мактабларининг куни узайтирилган гуруҳларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежларида ва бошқа таълим ташкилотларида сақлаб турилганлиги учун, ўқувчи болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим ташкилотларида таълим олганлиги учун, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олганлик учун, стационар даволаш-профилактика ташкилотларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ундириладиган тўловлар ҳисобидан шакллантириладиган тўловлар бўйича даромад(тушум)лар киради.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари даромад(тушум)лари таркиби ва ундан тушган маблагларни сарфлаш йўналишлари қонунчилик билан белгиланган.

Хусусан, бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамгармаси даромадлари ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблаглар (харажатлар сметасида капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблаглар бундан мустасно); фаолият ихтисослиги бўйича товар (иш ва хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромадлар (бюджет ташкилотларининг товар (иш ва хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромадлари товар (иш ва хизмат)ларни реализация қилишдан тушган тушумлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади); бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблагларнинг бир қисми; белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблаглар; ҳомийликдан олинган маблаглар ҳисобидан шакллантирилади.³⁶

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 60-модда

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари



2.1.2-расм. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари таркиби³⁷

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар; фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар (товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади); ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно); тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми; белгиланган тартибда бюджет

³⁷ Муаллиф томонидан тузилган

ташкilotлари тасарруфида қолдириладиган маблаглар; ҳомийликдан олинган маблаглар ҳисобидан шакллантирилади.³⁸

Ундириладиган маблаглар ҳисобидан шакллантириладиган даромад(тушум)лар айнан бир турдаги манба ҳисобидан ҳосил қилинади. Жумладан, олий таълим муассасасида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромад фақатгина, талабаларнинг тўлов-контракт шартномаси асосида ўқишлари билан боғлиқ ҳолатда вужудга келади. Ёинки, мактабгача таълим ташкilotларида тарбияланувчиларнинг сақлаб турилганлиги ҳамда овқатланиши учун ота-оналар билан ҳисоб-китоблар натижасида даромадлар ҳосил бўлади.

Бюджет ташкilotларининг юқорида қайд этиб ўтилган бюджетдан ташқари даромадлари ва улар билан боғлиқ маблагларнинг ҳаракати “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) асосида қуйидаги турларга ажратган ҳолда ҳисобга олиниши белгиланган:

тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблаглари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлари;

бюджет ташкilotини ривожлантириш жамгармаси маблаглари, шунингдек, тиббиёт ташкilotларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси маблаглари;

бошқа бюджетдан ташқари маблаглари.³⁹

Бюджет ташкilotларида бюджетдан ташқари маблаглари бўйича даромад(тушум)ларни вужудга келиши ва ҳисобда акс эттирилиши кетма-кетлигини кўриб ўтамыз.

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадлар. Давлат мактабгача таълим ташкilotлари ва мактаб-интернатларида тарбияланувчилар ҳамда ўқувчиларнинг таъминоти учун

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 61-модда

³⁹ “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)

уларнинг ота-оналари билан “Мақтабгача таълим ташкилотлари ва мақтаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 2016 йил 23 августдаги 2821-сон низомга асосан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар бўйича даромадлар вужудга келади. Бунда, мақтабгача таълим ташкилотлари ва мақтаб-интернатларда болалар таъминоти учун тўловлар тузилган шартномага кўра қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўланади.⁴⁰

Болалар мусиқа ва санъат мақтаблари ҳамда мақтабдан ташқари таълим ташкилотларида ўқувчилар таълим олганлиги учун тўловлар “Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат мақтабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом (2009 йил 5 февраль, 1898-сон)га асосан ҳисоб-китоблар натижасида даромадлар ҳосил бўлади. Болалар мусиқа ва санъат мақтабларида ўқиш учун тўланадиган тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорларда тузилган шартномага асосан ундирилади.⁴¹

“Барқамол авлод” болалар марказларида болаларнинг ўқиганлиги учун ота-оналар тўлови “Барқамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ҳисоб-китоб қилинади. Ота-оналар билан ҳисоб-китобларда тўлов тузилган шартномага кўра қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорлар ва муддатларда ундирилади.⁴²

Стационар даволаш-профилактика ташкилотларида даволанаётганлар таркибининг овқатланиши учун тўловлар “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тургун даволаш-профилактика ташкилотларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2016 йил 5 февраль, Ўз.Р. ВМнинг 31-сон

⁴⁰ “Мақтабгача таълим муассасалари ва мақтаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2016 йил 23 август, 2821-сон)

⁴¹ “Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат мақтабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом (2009 йил 5 февраль, 1898-сон)

⁴² “Барқамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (2011 йил 23 сентябрь, 2267-сон)

карорига илова) асосида ҳисоб-китоб қилинади. Стационар даволаш-профилактика ташкилотларида овқатланиш учун ҳақ тўлаш шахснинг (беморнинг), унинг қариндошларининг ёки бошқа шахсларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан ҳомийларнинг ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.⁴³

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадларни ташкилотларнинг фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги кўринишда умумлаштириш мумкин (2.1.1-жадвалга қаранг).

2.1.1-жадвал

Бюджет ташкилотларида тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича тўловларнинг таркиби ва муддатлари⁴⁴

№	Ташкилот	Ундириладиган тўлов номи	Ҳисоб-китоб амалга ошириладиган шахслар	Тўловни ундиришнинг даврийлиги	Тўлов бўйича ҳисобот-китоб қилиш муддатлари
1	Мактабгача таълим ташкилотлари	Болалар таъминоти учун тўлов	Ота-оналар	Молия йили давомида	ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан
2	Мактаб-интернатлари	Болалар таъминоти учун тўлов	Ота-оналар	Ўқув йили давомида	ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан
3	Мусиқа ва санъат мактаблари	Таълим олганлик учун тўлов	Ота-оналар	Ўқув йили давомида	ҳар ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан
4	“Баркамол авлод” болалар марказлари	Таълим олганлик учун тўлов	Ота-оналар	Ўқув йили давомида	ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан
5	Стационар даволаш-профилактика ташкилотлари	Овқатланиш учун тўлов	Даволанувчи шахс ёки унинг вакили	Тиббий хизмат кўрсатиш давомида	Тиббий хизмат кўрсатиш давомида


Жадвалдан кўриш мумкинки, тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар таълим ташкилотларида ота-оналар билан, даволаш ташкилотларида эса, даволанувчи шахс ёки унинг вакили билан амалга

⁴³ “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2016 йил 5 февраль, Ўз.Р. ВМнинг 31-сон қарорига илова)

⁴⁴ Муаллиф томонидан тузилган

оширилади. Таълим ташкилотлари ва даволаш ташкилотларида ҳисоб-китоблар шартнома билан тартибга солинади. Энг асосий жиҳат, таълим ва даволаш ташкилотларида тўловлар олдиндан амалга оширилади. Яъни, таълим ташкилотларида ҳар ойнинг маълум бир санасига қадар ушбу ой учун, стационар даволаш-профилактика ташкилотларида эса, даволанувчининг мурожаати бўйича даволаш муддатига олдиндан тўлов қилинади.

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадларни вужудга келиши ва уларнинг ҳисобга олиниши таълим ва тиббиёт ташкилотларида бир-биридан фарқ қилади (2.1.3-расмга қаранг).



2.1.3-расм. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадларнинг тан олиниши ва ҳисобда қайд этилиши⁴⁵

Демак, шундан келиб чиқиб, тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадларни тан олиниши ва бухгалтерияда акс эттирилиши таълим ташкилотлари ва стационар даволаш-профилактика ташкилотларида бир-биридан фарқ қилади. Таълим ташкилотларида ҳар ойда ойнинг бошланиши билан “ота-оналардан олинadиган тўловлар” билан “даромадлар” мос ҳолда бухгалтерия ўтказмалари воситасида кўпайтириб борилади. Стационар даволаш-профилактика ташкилотларида эса, овқатлаш

⁴⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

билан боғлиқ ҳолатда маблағларнинг ташкилот шахсий газна ҳисобварақларига келиб тушиши билан даромад сифатида ҳисобга олинади. Ушбу фарқланишни 2.1.2-жадвалда кўриш мумкин.

2.1.2-жадвал

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадларни ҳисобда акс эттириш⁴⁶

Т/р	Муассасалар	Даромаднинг номланиши	Бухгалтерия ўтказмаси	
			Дебет	Кредит
1	Мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб-интернатлари, муסיқа ва санъат мактабалари, “Баркамол авлод” болалар марказларида	Болалар таъминоти ва таълим олиши учун тўловларни ҳисобга олиш	Олинадиган маблағлар 156-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар”	Даромадлар 242-“Таълим ташкилотларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари”
2		Даромад бўйича пул маблағининг келиб тушиши	Пул маблағлари 110-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар”	Олинадиган маблағлар 156-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар”
2	Стационар даволаш-профилактика ташкилотларида	Овқатланиш учун тўловлар	Пул маблағлари 110-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар”	Даромадлар 242-“Таълим ташкилотларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари”

Мазкур қайд этиб ўтилган ҳолатлар тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадлар ташкилотларнинг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб вужудга келиши, улар бўйича даромадларни ҳисобда тан олиш ва акс эттириш бўйича фарқланишлар мавжудлигидан далолат беради. Бу эса, бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича даромадлар ҳисобини услубий жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини келтириб чиқаради.

⁴⁶ Муаллиф томонидан тузилган

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлари. Олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида талабалар ва ўқувчиларнинг тўлов-контракт асосида “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431-сон) кўра тахсил олиш учун ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши натижасида даромадлар вужудга келади.

Бунда, олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори билим соҳалари, соҳа ва таълим йўналишлари, таълим шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда) ва таълим босқичлари (бакалаврият, магистратура, иккинчи ва ундан кейинги таълим) бўйича алоҳида, ҳар ўқув йили учун белгиланади ҳамда шартномага асосан ҳисоб-китоб қилинади.⁴⁷

Олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдорини белгилаш бир талабани ўқитиш билан боғлиқ харажатлар миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади. Бир талабани ўқитиш билан боғлиқ харажатлар миқдори қуйидаги мезонларни инобатга олган ҳолда белгиланади:

қабул квотаси ва бино-иншоотлар қуввати ўртасидаги мутаносиблик;

таълим йўналишлари ва таълим жараёни хусусиятлари;

бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативлари;

ўқитиш муддатлари ва бошқалар.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ касб-хунар коллежи манфаатдор вазирликлар ва идоралар, иш берувчилар, меҳнат ва аҳоли бандлиги органлари билан ҳамкорликда контракт асосида:

⁴⁷ “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431-сон)

ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا эга бўлмаган шахсларни умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари касбий тайёргарликка эга бўлишлари учун ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурлари бўйича;

иккинчи мутахассисликни олишни хоҳловчи ўрта махсус, касб-хунар маълумотли шахсларни ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурлари бўйича ўқитиши мумкин.

Ушбу жараёнда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўлов ўқув йилида тўлиқ ёки қисман (бирок, биринчи тўлов тегишли ўқув йили учун белгиланган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳолда) ўқув йилининг куйидаги муддатларида:

белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи — талабаликка тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача, иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалар учун 1 октябргача;

қолган қисми (қисмларга бўлиб тўланган ҳолларда ҳам) — 1 мартгача амалга оширилади.

Қўшимча оширилган тўлов-контракт асосида қабул қилинган абитуриентларнинг биринчи ўқув йили учун тўлови Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.⁴⁸

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги

⁴⁸ “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431-сон)

Фармони (2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон)нинг 18-бандига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминлаш⁴⁹ вазифаси юклатилган бўлиб, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида тахсил олаётган талабалар ўқиш учун тўловларни тенг улушларда тўрт бўлиб, қуйидаги муддатларда амалга оширишлари мумкинлиги белгиланган. Жумладан:

белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизини талабаликка тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача ёки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатгача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалар учун 1 октябргача ёки олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан узайтирилган муддатгача;

белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи 1 январгача, 75 фоизи 1 апрелгача ва 100 фоизи 1 июлгача ёки олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан узайтирилган муддатларгача;

хорижий фуқаролар учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланган муддатларгача;

табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентларга ўқув йилининг биринчи ярми учун тўловларни амалга ошириш муддати ва миқдорлари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан ва қолган қисми олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланган муддатларгача амалга оширилади.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони (2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон)

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида контракт асосида ўқитиш учун контрактнинг расмийлаштирилиши, тўлов миқдори ва уни амалга оширилиши олий таълим муассасалари учун белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади.

Кўриб ўтилган жиҳатлар таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадлар тузилган шартнома асосида тўловларнинг бир ўқув йилида 4 маротаба амалга оширилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар ойда амалга ошириладиган харажатларга мос тарзда ҳисобга олиниши зарур (2.1.3-жадвалга қаранг).

2.1.3-жадвал

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадлар ва уларнинг келиб тушишини ҳисобда акс эттириш⁵⁰

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадлар	Олинадиган маблағлар 175-“Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар”	Даромадлар 252-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар”
2	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағларнинг ИФХга келиб тушиши	Пул маблағлари 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар”	Олинадиган маблағлар 175-“Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар”

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловлар бир ўқув йили давомида тўртга бўлиб тўлашга рухсат берилиши таҳсил олувчиларга енгиллик яратишга хизмат қилади. Аммо, ўқув йили давомида таълим бериш билан боғлиқ харажатлар узлуксиз ойма-ой амалга ошириб борилади. Ўз-ўзидан, харажатларнинг ойма-ой амалга оширилиши улар билан боғлиқ даромадларни ҳам шунга мос тарзда ҳисобга олишни талаб этади. Шу сабабдан ҳам, ўқитишнинг тўлов-

⁵⁰ Муаллиф томонидан тузилган

контракт шакли бўйича даромадларни пул маблағларининг келиб тушишидан катъий назар, таълим хизмати кўрсатилиши билан тан олиш ва ҳисобга олишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда амалиётда аксарият олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли бўйича маблағлар шахсий газна ҳисобварақ(ШҒҲ)га келиб тушгач даромадлар сифатида ҳисобга олинмоқда. Яъни, қуйидаги кўринишда:

Дт 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” (**Пул маблағлари**)

Кт 252-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар” (**Даромадлар**)

Бизнингча, ушбу ҳолат олий таълим муассасаларининг шахсий газна ҳисобварағи газначиликда юритилиши ҳамда газначиликда ҳисобварақдаги ўзгаришга боғлиқ ҳолда келиб тушган маблағларнинг даромад сифатида ҳисобга олинishiга мос ҳисобни юритилиши натижасидир. Шунингдек, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисоби билан боғлиқ услубий таъминотнинг мавжуд эмаслиги натижасида ушбу маблағлар бўйича даромадлар ҳисобини юритишда шу каби муаммоларни вужудга келтириб чиқармоқда.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар. Бюджет ташкилотларида ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадлар, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, хомийликдан олинган маблағлар юзасидан даромадлар вужудга келади.

1) Ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағларнинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши ушбу турдаги маблағларнинг кўпайишига олиб

келади ва бюджет маблағлари бўйича касса харажатларни вужудга келтиради. Мазкур ҳолат, шакл жиҳатдан ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича даромадни ҳосил қилмайди. Бухгалтерия ўтказмаларида акс эттирилишига тўхталадиган бўлсак,

Дт 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари” (**Пул маблағлари**);

Кт 232-“Бюджетдан молиялаштириш” (**Бюджет маблағлари бўйича касса харажат**).

Мазкур ҳолатда бухгалтерия ўтказмалари натижасида ташкилотнинг ривожлантириш жамгармаси даромадлари ҳосил бўлмасда, келгусида ўтказилган пул маблағлари доирасида харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ манба ҳосил бўлмоқда. Ушбу манбани иқтисодий жиҳатдан изоҳланса, унинг хусусияти даромадни ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 60-моддасида ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамгармаси даромадларини шакллантириш манбаси сифатида қайд этилган. Аммо, ушбу манба (даромад) бюджет маблағлари бўйича касса харажат сифатида бухгалтерияда ҳисобга олиб борилмоқда. Бу ҳолат бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишга оид норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар билан Бюджет кодекси ўртасида номувофиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, бюджет маблағларининг иқтисод қилинган қисми касса харажат сифатида ташкилотнинг ривожлантириш жамгармасига ўтказилсада, харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги (2-шакл) ҳисоботда бюджетдан молиялаштириш, яъни касса харажат кўринишида акс эттирилишига йўл очиб берилади. Бу, нафақат, ривожлантириш жамгармаси даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиш балки, харажатлар сметаси ижроси

тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг усулбий жиҳатдан ишончсизлигига олиб келади.

2) Бюджет ташкилотларининг фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадлар ташкилотда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ амалга оширилган харажатлар ва уларни сотишдан олинadиган тушумлар ўртасидаги ижобий фарқ, яъни фойда натижасида пайдо бўлади. Бюджет ташкилотларида фаолият турига хос ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойданинг ривожлантириш жамғармаси даромадига ўтказилишини 2.1.4-жадвалда кўришимиз мумкин.

2.1.4-жадвал

Бюджет ташкилотларида фаолият турига хос ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятидан олинган фойданинг ривожлантириш жамғармаси даромадига ўтказилиши⁵¹

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Бюджет ташкилоти томонидан маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиниши	Олинadиган маблағлар 152-“Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”	Сотиш бўйича даромад 200-“Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси”
2	Реализация қилинган маҳсулотлар таннархининг ҳисобдан чиқарилиши	Сотилган маҳсулот таннарх харажатлари 200-“Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси”	Омбордаги тайёр маҳсулот 050-“Тайёр маҳсулот”
3	Реализация қилинган иш ва хизматлар таннархининг ҳисобдан чиқарилиши	Кўрсатилган иш ва хизматлар таннарх харажатлари 200-“Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси”	Иш ва хизматларнинг таннархи 090-“Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар”
4	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича олинган фойданинг ривожлантириш жамғармаси даромадига ўтказилиши	Реализация бўйича фойда 200-“Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси”	Ривожлантириш жамғармаси даромади 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”

⁵¹ Муаллиф томонидан тузилган

Агар, амалга оширилган харажатлар ва сотишдан олинган даромадлар ўртасидаги фарқ салбий бўлса, бу ривожлантириш жамгармаси даромадларини камайтиришга сабаб бўлади ҳамда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этади:

Дт 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблаглари бўйича даромадлар” (даромад);

Кт 200-“Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” (Зарар).⁵²

Шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)да бюджет ташкилотларининг фаолият турига хос ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш билан боғлиқ ҳолатда олинган даромадларнинг ривожлантириш жамгармасига ўтказилиши тартиби келтирилган. Жумладан, йўриқноманинг 336-бандида бюджет ташкилотларининг фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилишидан олинган даромадлар 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблаглари бўйича даромадлар” субсчётида ҳисоби юритилади⁵³, деб келтирилган

Бизнингча, ушбу ўринда бюджет ташкилотларининг фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилишидан олинган даромадлар, деб эмас, балки, фойда, деб эътироф этиш тўғри бўлади.

Бундан ташқари, бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамгармасининг ушбу даромади нафақат, маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни сотишдан тушумлар ўртасидаги фарқ балки, ушбу харажатлар ва даромадларнинг даврий ўзаро мувофиқлиги таъминлаган бўлиши, харажатлар ва даромадларни аниқ ва ишончли даражада ўлчаш ҳамда ифодалашнинг имкони бўлиши керак.

Бюджет ташкилотларида фаолият ихтисослигига хос маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни

⁵² “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)

⁵³ “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)

аниқ ифодалаш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ муаммоли вазиятлар мавжуд (2.3-параграфда кўриб ўтамиз) бўлиб, ушбу фаолият бўйича ривожлантириш жамгармаси даромади ҳисобини услубий жиҳатдан такомиллаштиришга зарурат борлигидан далолат беради.

3) Бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларни бир қисмининг ривожлантириш жамгармасига келиб тушиши “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўз.Р. ВМнинг 2009 йил 8 апрель, 102-сон қарорига илова) асосида амалга оширилади. Ушбу низомда белгиланган тартиблар асосида бюджет ташкилотлари(балансда сақловчи)нинг кўчмас мулклари ва бошқа активлари Давлат мулкни ижарага бериш марказлари (ижарага берувчи) томонидан ижарачига ижара шартномаси асосида берилиши натижасида олинган тўловларнинг бир қисми ташкилот даромадига ўтказилади.

Ижара тўлови бўйича ҳисоб-китоблар ижара тўлови, коммунал ва фойдаланиш тўловлари, шу жумладан, амортизация ажратмалари (мавжуд бўлганда)ни ўз ичига олади. Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охириги белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даврлар (ҳар чоракда, ҳар ойда ва шу каби) бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан тўланади. *Тўлов ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорак, ой ва шу кабилар) учун юз фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.*⁵⁴

Давлат мулки ижарасидан тушган маблағларнинг 50 фоизи — Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамгармасига, 40 фоизи — давлат мулкни балансида сақловчи(бюджет ташкилоти)га, 10 фоизи — ижарага берувчига йўналтирилади. Тошкент давлат юридик университети, юридик техникумлар ва Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги

⁵⁴ “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўз.Р. ВМнинг 2009 йил 8 апрель, 102-сон қарорига илова)

академик лицейнинг мол-мулкни ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда тўлиқ ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади.

Халқ таълими муассасаларининг кўчмас мулкни ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса, электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин — халқ таълими ташкилотларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади.

Кўриб ўтилган мазкур жиҳатлардан тушиниш мумкинки, бюджет ташкилотларида мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган тушумлар шартномада белгиланган муддатларда (график асосида) олдиндан келиб тушади ва шу асосда ижарадан тушумларни ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси даромадларига ўтказиш керак бўлади. Аммо, ижарадан тушумлар “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқномага асосан ташкилот бухгалтериясида 2.1.5-жадвал асосида акс эттирилиши белгиланган.

2.1.5-жадвал

Бюджет ташкилотларида мол-мулкни ижарага беришдан тушумларнинг ҳисобда акс эттирилиши⁵⁵

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Ижара шартномаси бўйича ҳар ой ёки чоракда ижарадан олинadиган тушум	Ижара тўлови бўйича олинadиган маблағлар 159-“Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”	Ривожлантириш жамғармаси даромадлари 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”
2	Ижара шартномасига асосан маблағларнинг келиб тушиши	Ривожлантириш жамғармаси пул маблағлари 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”	Ижара тўлови бўйича олинadиган маблағлар 159-“Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”

⁵⁵ Муаллиф томонидан тузилган

“Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўз.Р. ВМнинг 2009 йил 8 апрель, 102-сон қарорига илова) талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, тўловларни ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорак, ой ва шу кабилар) учун юз фоиз олдиндан тўланишини ҳисобга олишимиз зарур ҳисобланади. Шу ўринда, бюджет ташкилотларида мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган тўловларнинг бир қисмини ҳисобда даромад сифатида акс эттириш билан боғлиқ услубий муаммо мавжудлиги намоён бўлмоқда.

4) Белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар. Бюджет ташкилотларида томонидан иккиламчи ҳом-ашёларни сотиш, солиқ имтиёзлари ва қонунчилик асосида ташкилот ихтиёрида қолдириладиган маблағлар бўйича ривожлантириш жамғармаси даромадлари вужудга келади.

Бюджет ташкилотлари томонидан иккиламчи ҳом-ашёлар ёки кераксиз ва тўлиқ эскирган активларни сотиш билан боғлиқ олинadиган тушумнинг даромадга ўтказилиши бухгалтерия ҳисобида 2.1.6-жадвал кўринишида акс эттирилади.

2.1.6-жадвал

Бюджет ташкилотларида иккиламчи ҳом-ашёларни сотиш билан боғлиқ даромаднинг ҳисобварақларда акс эттирилиши⁵⁶

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Иккиламчи ҳом-ашёни шартномага асосан юклаб жўнатиш (топшириш)	Олинadиган маблағлар 159-“Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”	Реализация бўйича даромад 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”
2	Иккиламчи ҳом-ашёларнинг бухгалтериядаги қийматини ҳисобдан чиқариш	Реализация қилинган иккиламчи ҳом-ашёнинг таннари 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”	Иккиламчи ҳом-ашёларни ҳисобга олувчи счётлар
3	Иккиламчи ҳом-ашёни сотиш бўйича тушум	Ривожлантириш жамғармаси пул маблағлари	Олинadиган маблағлар 159-“Бошқа дебитор ва

⁵⁶ Муаллиф томонидан тузилган

		112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”	кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”
4	Иккиламчи ҳом-ашёни сотиш бўйича молиявий натижа (ижобий)нинг ривожлантириш жамғармаси дорамадиға ўтказилиши	Реализация бўйича фойда 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”	Ривожлантириш жамғармаси даромади 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, иккиламчи ҳом-ашёни сотиш жараёнида уларни сотиш билан боғлиқ шартноманинг имзоланиши, харидорга етказиб берилиши ёки топширилиши, иккиламчи ҳом-ашёнинг ташкилот бухгалтериясидаги қийматининг ҳисобдан чиқарилиши, иккиламчи ҳом-ашёни сотиш бўйича молиявий натижани аниқлаш ва ривожлантириш жамғармаси даромадиға ўтказиш каби жараёнлар мавжуд бўлиб, мазкур турдаги даромаднинг ҳисобини юритишда ўзига хос жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради.

Аксарият бюджет ташкилотларида иккиламчи ҳом-ашёни сотишдан олинадиган тушумлар шахсий газна ҳисобвараққа келиб тушиши билан боғлиқ ҳолатда ривожлантириш жамғармаси даромадиға ўтказилишини кузатиш мумкин. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иккиламчи ҳом-ашёларни сотиш билан боғлиқ жараёнлар бунинг ноўрин эканлигига асос ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича даромад олаётган бюджет ташкилотларини 2023 йил 1 январгача Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар, Республика йўл жамғармасига йигимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилиш белгиланган. Мазкур имтиёз натижасида бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтириш белгиланган.⁵⁷ Ушбу солиқ

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (1999 йил 3 сентябрь, 414-сон)

имтиёзлари натижасида бўшаб қолган маблағлар белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар ҳисобланади ва қуйидагича тарзда бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобда акс эттирилади:

1) Маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш натижасида олинган даромад бўйича ҳисобланган солиқ ва мажбурий ушланмаларнинг ҳисобда акс эттирилиши:

Дт 200-“Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” (**Реализация бўйича фойда**);

Кт 160-“Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар” (**Бюджетга тўловлар**).

2) Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзнинг ҳисобда акс эттирилиши:

Дт 160-“Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар” (**Бюджетга тўловлар**);

Кт 285-“Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” (**Солиқ имтиёзлари**).

5) Ҳомийликдан олинган маблағлар. Бюджет ташкилотлари қонунчилик асосида ўз фаолиятларини молиялаштиришда юридик ва жисмоний шахслардан ҳомийлик шаклида турли активларни қабул қилишларига руҳсат берилган. Бунда, қабул қилинаётган активлар ташкилот бухгалтериясида маълум бир қийматда акс эттирилиши талаб этилади. Буни, 2.1.7-жадвалда кўришимиз мумкин.

2.1.7-жадвал

Бюджет ташкилотларида ҳомийлардан қабул қилинган активларнинг ҳисобварақларда акс эттирилиши⁵⁸

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Нақд пул маблағларининг қабул қилиниши	120-“Миллий валютадаги нақд пул маблағлари”	Даромадлар 262-“Бюджет

⁵⁸ Муаллиф томонидан тузилган

2	Пул маблагларининг келиб тушиши	112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблаглари”	ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблаглари бўйича даромадлар”
3	Товар моддий-захираларнинг қабул қилиниши	06-“Товар-моддий захиралар” счётнинг тегишли субсчётлари	
4	Номоддий активларнинг қабул қилиниши	03-“Номоддий активлар” счётнинг тегишли субсчётлари	
5	Асосий воситаларнинг қабул қилиниши	01-“Асосий воситалар” счётнинг тегишли субсчётлари	

Бунда, ташкилот кассасига нақд пул маблагларининг топширилиши, шахсий газна ҳисобвараққа маблагларнинг келиб тушиши, товар моддий захиралар, номоддий активлар ва асосий воситаларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши билан даромад вужудга келади ҳамда ҳисобда акс эттирилади.

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблаглари бўйича даромадлар. Тиббиёт ташкилотларида ташкилотга ажратиладиган бюджет маблаглари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблаглар; фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар; ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблаглар (капитал кўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблаглар бундан мустасно); тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблагларнинг бир қисми; белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилладиган маблаглар; ҳомийликдан олинган маблаглар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси даромадлари шакллантирилади.⁵⁹

Тиббиёт ташкилотларининг ушбу жамгарма бўйича юқорида келтирилган даромадлари бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси даромадларига ўхшаш тарзда шаллантирилади ва ҳисоби

⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 61-модда

юритилади. Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича даромадлар ҳисоби билан боғлиқ мунозарали ҳолатлар ушбу жамгарма билан ҳам мавжуд.

Тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ушбу жамгармага ўтказилиши бошқа бюджет ташкилотларидан фарқ қилади. Бюджетдан ажратиладиган ушбу маблағ фақатгина, тиббиёт ташкилотлари учун мўлжалланган.

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасига бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ўтказилиши қуйидагича тарзда бухгалтерия ўтказмалари орқали акс эттирилади:

Дт 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари” (**Пул маблағлари**);

Кт 232-“Бюджетдан молиялаштириш” (**Бюджет маблағлари бўйича касса харажат**).

Бунда, бухгалтерия ўтказмалари натижасида ташкилотнинг ривожлантириш жамгармаси даромадлари ҳосил бўлмасида, келгусида ўтказилган пул маблағлари доирасида харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ манба ҳосил бўлмоқда. Ушбу манбани иқтисодий жиҳатдан изоҳланса, унинг хусусияти даромадни ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 61-моддасида тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси даромадларини шакллантириш манбаси сифатида қайд этилган. Лекин, келтириб ўтилган манба (даромад) бюджет маблағлари бўйича касса харажат сифатида бухгалтерияда ҳисобга олиб борилмоқда. Ушбу ҳолатда ҳам, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишга

оид норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар билан Бюджет кодекси ўртасида номувофиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Давлат тиббиёт ташкилотларида кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлардан олинладиган даромадлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3923-сон Фармониға мувофиқ солиқ имтиёзлари белгиланган. Ушбу солиқ имтиёзи натижасида бўшаб қолган маблағлар белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар сифатида қаралади ҳамда уни даромад сифатида эътироф этиш мумкин.

Солиқ имтиёзи натижасида бўшаб қоладиган маблағлар тиббиёт муассасасини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан бир қаторда, тиббиёт мақсадидаги эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари ва бошқа буюмларни сотиб олишға йўналтириш белгиланган.⁶⁰

Демак, солиқ имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш белгиланган бўлиб, у билан боғлиқ таҳлилий ҳисоб ишларини юритиш талаб этилади. Солиқ имтиёзларини аниқлаш, уларни ҳисобда акс эттириш, имтиёзни қўллаш натижасида бўшаб қолган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш бўйича ҳисоб ишлари бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси маблағларига ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар. Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромад(тушум)лари асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши ёки сотилишидан олинган ижобий молиявий натижанинг тегишли қисми; аниқланган камомадлар бўйича ундириладиган сумма; пенялар ва жарималар; инвентаризация натижасида

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони

ҳисобга олинмаган активларнинг кирим қилиниши ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган ҳолатларда ҳосил бўлади.⁶¹

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган товар-моддий захираларни кирим қилиниши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебитида ва товар-моддий захиралар суммасини мазкур асосий воситанинг қолдиқ қиймати доирасида 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг кредитида (уни кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда), қолдиқ қийматидан ошган сумма эса, 272 “Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчётнинг кредитида акс эттирилади (2.1.8-жадвалга қаранг).

2.1.8-жадвал

Асосий воситаларни тугатиш ва унинг натижасини ҳисобга олиш⁶²

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Асосий воситалар бошлангич қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	Ҳақиқий ҳаражатларни ҳисобга олувчи счётлар	Асосий воситалар 01-“Асосий воситалар”ни ҳисобга олувчи субсчётлар
2	Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	Асосий воситаларнинг амортизацияси 02-“Асосий воситаларнинг эскириши”ни ҳисобга олувчи субсчётлар	Ҳақиқий ҳаражатларни ҳисобга олувчи счётлар
3	Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган товар-моддий захиралар(асосий воситанинг қолдиқ қиймати доирасида)ни кирим қилиниши	ТМЗлар 06-“Бошқа товар-моддий захиралар”ни ҳисобга олувчи субсчётлар	Ҳақиқий ҳаражатларни ҳисобга олувчи счётлар
4	Асосий воситаларни тугатишда қолдиқ қийматидан ошган суммада товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши	ТМЗлар 06-“Бошқа товар-моддий захиралар”ни ҳисобга олувчи субсчётлар	Даромадлар 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар”

⁶¹ “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)

⁶² Муаллиф томонидан тузилган

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар(бино ва иншоотлар)ни сотиш билан боғлиқ операциялар уларни тугатиш натижасида олинган даромадлардан фарқ қилиб, 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси” бухгалтерия счётидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинади (2.1.9-жадвалга қаранг).

2.1.9-жадвал

Асосий воситаларни сотиш ва унинг натижасини ҳисобга олиш⁶³

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Асосий воситалар бошланғич қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	Асосий воситаларни сотиш 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”	Асосий воситалар 01-“Асосий воситалар”ни ҳисобга олувчи субсчётлар
2	Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	Асосий воситалар амортизацияси 02-“Асосий воситаларнинг эскириши”ни ҳисобга олувчи субсчётлар	Асосий воситаларни сотиш 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”
3	Асосий воситаларнинг реализация қиймати	Олинган маблағлар 152-“Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”	Асосий воситаларни сотиш 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”
4	Асосий воситаларни реализация қилиш бўйича ижобий натижа	Асосий воситаларни сотиш 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”	Даромадлар 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар”

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар бюджет маблағлари ҳисобидан қиммат қилинган бўлса, унинг қолдиқ қиймати ҳамда асосий воситани сотиш қийматининг қолдиқ қийматидан ортиқ қисмининг 50 фоизи тегишли бюджетга ўтказилиши зарур. Ушбу ҳолат бухгалтерияда қуйидаги кўринишида акс эттирилади:

⁶³ Муаллиф томонидан тузилган

Дт 201-“Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”;

Кт 160-“Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”.

Бюджет ташкилотларида инвентаризация натижасида аниқланган камомад бўйича моддий жавобгар шахсга юклатиладиган жавобгарлик суммаси (активнинг қайси молиялаштириш манбаси ҳисобидан кирим қилинганлигидан қатъий назар) ташкилотнинг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади.

Актив бюджет маблағари ҳисобидан кирим қилинган бўлса, унинг қолдиқ қиймати, тўлиқлигича тегишли бюджетга ўтказилади. Шунингдек, жавобгар шахсга юклатилган жавобгарлик суммаси активнинг баланс қийматидан кўп бўлса, ушбу фарқнинг 50 фоизи тегишли тартибда бюджетга ва қолган 50 фоизи эса, ташкилотнинг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларга ўтказилади. Асосий воситалар билан боғлиқ ҳолатни кўриб ўтамиз (2.1.10-жадвалга қаранг).

2.1.10-жадвал

Инвентаризация натижасида асосий воситалар бўйича аниқланган камомад ва унинг моддий жавобгар шахсга юклатилишини ҳисобда акс эттириш⁶⁴

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши	Асосий воситалар амортизацияси 02-“Асосий воситаларнинг эскириши” тегишли субсчёт	Асосий воситалар 01-“Асосий воситалар”ни ҳисобга олувчи субсчётлар
2	Асосий воситалар қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	Харажатлар 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар”	Асосий воситалар 01-“Асосий воситалар”ни ҳисобга олувчи субсчётлар
3	Айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	Ходимлардан ундириладиган маблағлар 170-“Камомадларга доир ҳисоб-китоблар”	Бюджетга тўловлар 160-“Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”

⁶⁴ Муаллиф томонидан тузилган

4	Айбдор шахсга юклатилган жавобгарлик суммаси асосий воситанинг қолдиқ қийматидан юқори бўлиши	Ходимлардан ундириладиган маблағлар 170-“Камомадларга доир ҳисоб-китоблар”	Даромадлар 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар”
5	Жавобгар шахсга асосий воситанинг қолдиқ қийматидан ортиқча юклатилган сумманинг 50 фоизини тегишли бюджетга ўтказишни ҳисобга олиш	Даромадлар 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар”	Бюджетга тўловлар 160-“Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”
6	Жавобгар шахсдан камомад суммасининг ундирилиши	Пул маблағлари 113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”	Ходимлардан ундириладиган маблағлар 170-“Камомадларга доир ҳисоб-китоблар”
7	Бюджетга ўтказмаларнинг амалга оширилиши	Бюджетга тўловлар 160-“Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”	Пул маблағлари 113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”

Ушбу жадвалдан кўриш мумкинки, ташкилотда асосий воситалар бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган бўлса, унинг қолдиқ қиймати албатта, тегишли бюджетга ўтказилиши зарур. Қолдиқ қийматдан ортиқча сумма ундирилса, ушбу сумманинг 50 фоизи бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадга ўтказилади. Алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, асосий восита билан боғлиқ камомад суммасининг ундирилиши бюджет ташкилотларида бошқа бюджетдан ташқари жамгармалар шахсий газна ҳисобварагига ўтказилади ва у орқали бюджет билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Мазкур ҳолатда бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати билан улар бўйича даромадлар ўртасида фаркланиш мавжудлигини кўриш мумкин.

Бюджет ташкилотлари мол етказиб берувчилар, пудратчилар, сугурта ташкилотлари, харидорлар ва бошқалар билан ўзаро муносабатларни тузилган шартномалар асосида амалга оширади. Ушбу жараёнда шартнома

шартларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ ҳолатда бюджет ташкилоти томонидан ундириладиган пеня ва жарималар ташкилотнинг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларига ўтказилади ҳамда қуйидагича ҳисобда акс эттирилади:

Дт 159-“Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”
(Ундириладиган маблағлар);

Кт 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” (Даромадлар).

Бюджет ташкилотларида инвентаризация натижасида ҳисобга олинмаган активларнинг кирим қилиниши бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларни вужудга келтиради ҳамда бу ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дт 01-“Асосий воситлар” номли счётининг тегишли субсчётилари;

Дт 03-“Номоддий активлар” номли счётининг тегишли субсчётилари;

Дт 06-“Бошқа товар-моддий захиралар” номли счётининг тегишли субсчётилари;

Дт 12-“Касса” номли счётининг тегишли субсчётилари;

Кт 273-“Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар”

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ташкилот фаолияти давомида турли кўриниш ва йўналишларда вужудга келади ҳамда активларнинг соф қийматининг ортишига олиб келади.

Умуман олганда, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан даромад(тушум)лар ҳисоби ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида тарзда ҳисоблаш усулига асосан харажатларга мутаносиб тарзда тан олинмиши ва ҳисоби юритилиши зарур. Бунинг учун бюджет ташкилотларининг фаолият йўналишлари бўйича бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича даромадларнинг вужудга келиш, уларни тан олиш мезонлари ва ҳисобини юритишнинг услубиётини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.


2.2.§ Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳисоби

Бюджет ташкилотлари фаолияти бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари сарфланишининг энг қуйи нуқтаси ҳисобланиб, уларда амалга ошириладиган харжатларнинг тўғри ташкил қилиниши, мақсадли ва манзиллилигини таъминлаш бевосита бюджет тизимининг пировард мақсади саналади. Негаки, бюджет ташкилотларида харажатларни тўғри ҳужжатлаштириш ва сметалар доирасида амалга ошириш, ахборот тизимлари воситасида харажатларни гуруҳлаш ва таснифлаш орқали улар тўғрисида жорий ва тезкор ахборотларни шакллантириш Давлат бюджети харажатлари тўғрисида ишончли, таҳлилий, жамланма маълумотларни шакллантириш орқали бюджет ижросига оид зарур қарорларни қабул қилишга хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларини молиялаштириш ва уларда харажатларнинг амалга оширилиши нечоғлиқ муҳим бўлганлиги сабабли ҳам, бюджет ижросининг газначилик тизими жорий этилди. Газначилик тизими Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими (ДМБАТ) воситасида бюджет ташкилотларини молиялаштиради ва Давлат бюджети харажатларининг касса ижросини амалга оширади. Шунингдек, давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ягона газна ҳисобварақда жамлайди. Газначилик нафақат, бюджет маблағлари, балки, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса харажатларини ҳам амалга оширади.

Бюджет ташкилотлари харажатларининг вужудга келиши, уларни ҳужжатлаштириш, молиялаштириш, ҳисобни юритиш ва харажатларга оид молиявий ҳисоботларни тузиш каби узвий кетма-кетликдаги жараёнларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, бунда, бюджет ташкилотлари ҳамда молия органи, газначилик иштирок этишини кўришимиз мумкин. Бюджет

ташкilotлари харажатлари билан боғлиқ жараёнлар кетма-кетлигини 2.2.1-расм орқали ифодалаш мумкин.




2.2.1-расм. Бюджет ташкilotлари харажатлари билан боғлиқ жараёнлар кетма-кетлиги⁶⁵

Бюджет ташкilotларида харажатлар бевосита активлар соф қийматининг камайиши (ёки уларнинг сарфланиши) ва мажбуриятларнинг ортиши (кўпайиши) натижасида вужудга келади ҳамда ҳужжатлаштириш орқали уларнинг асослилиги ва қонунийлиги таъминланади. Ўз навбатида, бюджет ташкilotларида содир бўлаётган харажатларни тизимлаштирилган ҳолда узлуксиз қайд этиб бориш мақсадида уларнинг ҳисоби юритилади ва фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш учун молиявий ҳисоботлар шакллантирилади. Молия органи ва ғазначилик томонидан бюджет ташкilotларининг харажатлари молиялаштирилиб, бюджет касса ижроси бўйича ҳисоб ишлари юритилади.

2.2.1 ва 2.2.2-расм маълумотларини умумлаштирган ҳолда изоҳлайдиган бўлсак, харажатлар ташкilotда вужудга келади ва

⁶⁵ Муаллиф томонидан тузилган

хужжатлаштирилади, уларнинг молиялаштирилиши эса, газначилик томонидан амалга оширилади. Харажатлар ташкилотнинг молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида тарзда харажатлар гуруҳлари бўйича ҳам бюджет ташкилотларида, ҳам газначиликда ҳисобга олинади.



2.2.2-расм. Бюджет ташкилотларида харажатларнинг иқтисодий тасниф асосида гуруҳланиши⁶⁶

Бюджет ташкилотларида харажатлар асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш, асосий восита, номоддий актив ва товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш, кўрсатилган иш ва хизматлар қиймати бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ижтимоий ажратмаларни ҳисоблаш натижасида вужудга келади. Ушбу харажатлар бевосита активлар соф қийматининг камайиши ва мажбуриятларнинг ҳосил бўлишини ҳисоблаш натижасида вужудга келади ҳамда фақатгина, бюджет ташкилотларининг ўзида ҳисоби юритилади. Ушбу

⁶⁶ Муаллиф томонидан тузилган

харажатлар бюджет ташкилотларининг ҳақиқий харажатлари, деб юритилади.

Мамлакатимизда бюджет ижросининг газначилик тизими амал қилганлиги ва ташкилотлар газначилик томонидан молиялаштирилиши боис, бюджет ташкилотларини молиялаштириш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, ҳисоб ишлари бир вақтнинг ўзида бюджет ташкилотларида ва газначиликда параллел тарзда юритилади. Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш ёки касса харажатлар сифатида ҳисобга олиш ва ҳисоботларни тузиш ишлари амалга оширилади. Мазкур харажат касса харажат сифатида эътироф этилади.

Демак, бюджет ташкилотларининг амалга ошириладиган харажатларини ҳақиқий (ҳисобланган) харажатлар ҳамда касса (смета доирасида молиялаштирилган) харажатларга ажратилган ҳолда ҳисоби юритилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳам худди шу тарзда ҳисоби юритилади. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар ташкилотларнинг ўзида ҳисобга олинади, касса харажатлар эса, бир вақтнинг ўзида бюджет ташкилотларида ҳамда газначиликда ҳисоби юритилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари сарфи норматив ҳуқуқий-ҳужжатларда белгиланган мақсадларда амалга оширилади. Ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича унинг ҳосил бўлиш манбаси билан биргаликда ушбу маблағларни сарфлаш йўналишлари ҳам белгиланган.

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича харажатлар. Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминоти учун тўланадиган тушумлар назарда тутилган бошқа бюджет маблағлари билан бирга мақсадли тартибда тарбияланувчиларни озиқ-овқат билан таъминлашни ҳамда муассасанинг моддий-техника базасини яхшилашга, авваламбор, санитария-гигиена

воситалари ва юмшоқ инвентарлар харид қилишга мақсадли тартибда йўналтирилиши белгиланган. Бунда, муассасанинг моддий-техника базасини яхшилашга йўналтириладиган маблағлар миқдори жами йил давомида оналар тўловидан тушган маблағларнинг 5 фоизидан ошмаслиги зарур.⁶⁷

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида болаларнинг ўқиши учун оналар томонидан олинадиган маблағлар биринчи навбатда, болалар мусиқа ва санъат мактабларини сақлаш харажатларига (иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий солиқ бундан мустасно) йўналтирилади. Тушумларнинг қолган қисми қуйидаги тартибда тақсимланиши белгиланган:

а) 40 фоизгача — мактаб педагог ходимлари умумий сонининг кўпи билан 50 фоизини қамраб олган ҳолда ўқитувчи ва концертмейстерлар базавий тариф ставкасининг 40 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик устамалар шаклида рағбатлантиришга, шунингдек, ўқувчилари халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда 1, 2, 3, 4-ўринларни эгаллаган ўқитувчи ва концертмейстерларга тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 10, 9, 8, 7 баробари ҳажмида, республика танловларида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаганлиги учун эса, тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6, 5, 4 баробари ҳажмида мукофотлашга;

б) 20 фоизгача — ўқувчи, ўқитувчи ва концертмейстерларни танловлар, фестиваллар, устоз сабоқлари ҳамда ижодий мактаблардаги машгулотларга бориши, шунингдек, ўқувчиларнинг театр, музей, концертларга ташрифи билан боғлиқ харажатларини тўлашга, мактабда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга;

в) қолган маблағлар — мавжуд кредиторлик қарзларини қоплашга ва моддий-техник базани мустаҳкамлашга (бино ва иншоотларни, мебель, мусиқа асбоблари ва жиҳозларни капитал ва жорий таъмирлашга, шунингдек,

⁶⁷ “Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида” ги низом (2016 йил 23 август, 2821-сон)

мебель, ускуналар, мусика асбоблари, ўқув қўлланмалари, адабиётлар ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олишга) йўналтирилади.⁶⁸

“Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналардан ундириладиган маблағларни қуйидагиларга йўналтириш белгиланган:

тўғарак фаолияти учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар, моддий бойликлар (мебель, асбоб-ускуна ва жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқалар) харид қилишга;

маданий оммавий тадбирларни ўтказиш ва уларда қатнашиш билан боғлиқ харажатларга;

ўқувчилари республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловлар ва фестивалларда 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган тўғарак раҳбарларини тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг беш, тўрт, уч баробари миқдорида моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.⁶⁹

Стационар даволаш-профилактика ташкилотларида даволанаётганлар таркибининг овқатланиши учун келиб тушган маблағлар тиббиёт муассасаларидаги овқатланиш нонушта, тушлик, тушликдан кейинги овқат ва кечки овқатланиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга сарфланади.⁷⁰

Бюджет ташкилотлари тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағларининг сарфланишини умумлаштирган ҳолда ифодаладиган бўлсак, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий солиқ, моддий-техник база, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа шу каби мақсадларда амалга оширилади. Буни қуйидаги 2.2.1-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

⁶⁸ “Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусика ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом (2009 йил 5 февраль, 1898-сон)

⁶⁹ “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (2011 йил 23 сентябрь, 2267-сон)

⁷⁰ “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2016 йил 5 февраль, Ўз.Р. ВМнинг 31-сон қарорига илова)

Бюджет ташкилотларида тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича харажатлар таркиби⁷¹

№	Ташкилот	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Иш берувчининг ажратмалари	Капитал қўйилмалар ва капитал таъмирлаш	Бошқа харажатлар
1	Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлари				тарбияланувчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш
					муассасанинг моддий-техника базасини яхшилаш
					санитария-гигиена воситалари ва юмшоқ инвентарлар харид қилиш
2	Муסיқа ва санъат мактаблари	хар ойлик устамалар шаклида рағбатлантириш	ижтимоий солиқ		биринчи навбатда, сақлаш харажатлари
					танловлар, ижодий машгулотлар, маданий тадбирлар учун сарфлар
					мавжуд кредиторлик қарзларини қоплашга ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш
3	“Баркамол авлод” болалар марказлари	кўрик-танловлар ва фестивалларда ўрин эгаллаган тўғарак раҳбарларини рағбатлантириш	ижтимоий солиқ		хом ашё ва материаллар, моддий бойликлар харид қилиш
					маданий оммавий тадбирларни ўтказиш
4	Стационар даволаш-профилактика ташкилотлари				овқатланиш харажатлари

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағларнинг сарфланиши барча ташкилотларда асосан, тўртинчи гуруҳ харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади.

⁷¹ Муаллиф томонидан тузилган

Муסיқа ва санъат мактаблари ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказларида тушган маблагларнинг бир қисми ҳар ойлик устамалар ва рағбатлантириш, ижтимоий солиқ харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади. Ушбу жараёнда белгиланган тартибнинг амал қилиши ва маблагларнинг белгиланган мақсадларда сарфланиши учун улар бўйича алоҳида ҳисоб ишлари юритилади.

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблагларнинг сарфланиши тўртинчи гуруҳ (озик-овқат маҳсулотлари, моддий-техник база, кредиторлик қарзлар ва бошқа шу қабилар) бўйича дастлаб, касса харажат (молиялаштириш) амалга оширилади, яъни товар-моддий захиралар харид қилинади, сўнгра, ушбу товар-моддий захираларнинг сарфи амалга оширилиб, ҳақиқий харажат сифатида ҳисобга олинади.

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича тушган маблаглар ҳисобидан ҳар ойлик устамалар ва рағбатлантириш ҳамда улар билан боғлиқ ижтимоий солиқ юзасидан дастлаб, ҳисоблаш амалга оширилади ва харажатлар бухгалтерия ҳисобида тан олинади. Сўнгра, улар билан боғлиқ вужудга келган мажбуриятларни молиялаштириш, яъни касса харажатлар амалга оширилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблаглари бўйича харажатлар. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан (шу жумладан, оширилган тўлов-контракт асосида) тушган маблаглар белгиланган тартибда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида қуйидагиларга сарфланади:

олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда контракт асосида таълим олаётган талабаларига (хорижий талабалардан ташқари) стипендиялар тўлашга;

олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, шунингдек, ижтимоий солиқлар бўйича харажатларни тўлашга;

олий таълим муассасаларида бино ва иншоотларни сақлаш ҳамда коммунал хизматлар бўйича харажатларни тўлашга;

мавжуд кредитор қарзларни тўлашга;

ўқув-лаборатория бинолари, талабалар турар жойлари ҳамда бошқа бино ва иншоотларни, асбоб-ускуналарни жорий ва капитал таъмирлашга, олий таълим муассасасининг ҳудудини ва атрофини ободонлаштиришга, шунингдек, қурилиш-тиклаш ишларига;

ўқув, илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар, мебеллар, ўқитишнинг техник воситалари, компьютер техникаси ва уларнинг эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмларини, керакли материалларни ва бошқаларни сотиб олиш ҳамда таъмирлашга;

олий таълим муассасаси Ахборот-ресурс маркази (кутубхона) фондини тўлдиришга;

олий таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришга (устама, мукофот) ва уларга моддий ёрдам кўрсатишга;

олий таълим муассасалари талабаларини ижтимоий муҳофаза қилиш доирасида бир йилда бир талабага энг кам иш ҳақининг олти баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла моддий ёрдам кўрсатишга;

олий таълим муассасаси фаолиятини амалга оширишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа харажатларни қоплашга.⁷²

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан (шу жумладан, оширилган тўлов-контракт асосида) тушган маблағлар юқорида келтириб ўтилган рўйхатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, смета доирасида барча харажатлар гуруҳларини молиялаштиришга сарфланиши мумкин.

⁷² “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431-сон)

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича харажатлар ҳам сметалар доирасида ҳақиқий харажатлар ва касса харажатларга ажратилган ҳолда алоҳида ҳисобга олинади. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ижтимоий солиқнинг ҳисобланиши, кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар бўйича мабуриятларнинг вужудга келиши, товар-моддий захираларнинг сарфланиши, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқариш ҳақиқий харажат сифатида қайд этилади.

Мажбуриятларнинг тўланиши, тузилган шартномалар асосида бўнак тўловларининг амалга оширилиши касса харажатлар кўринишида ҳисобга олинади. Касса харажатлар (молиялаштириш)ни амалга оширишда маблағлар биринчи навбатда, стипендия, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда энергия ресурслари ва коммунал хизматлар учун тўловни кетма-кетликда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар. Бюджет кодексига асосан Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш белгиланган:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш;

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари;

бюджет ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирлари учун фойдаланилади.

Бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва муддати ўтган кредиторлик қарз мавжуд бўлган тақдирда, Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари биринчи навбатда ушбу қарзларни тўлаш учун сарфланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик маблағларининг жами суммаси, агар, ҳомий томонидан бошқача қоида белгиланмаган бўлса, бюджет ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун сарфланади.⁷³

Бюджет ташкилотлари (тиббиёт ташкилотларидан ташқари)нинг ривожлантириш жамгармаси маблағлари сарфланиши бўйича алоҳида тартиб амал қилади. Ташкилотда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ва кредиторлик қарздорлик мавжуд бўлмаса, ёки ушбу қарзлар тўланган тақдирда товар(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни қоплангандан сўнг ривожлантириш жамгармаси маблағлари (ҳомийлик ёрдами, бегараз ёрдам миқдори бундан мустасно):

тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи моддий-техника базани мустаҳкамлашга;

кўпи билан 25 фоизи бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.⁷⁴

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик маблағларининг барча суммаси, агар, ҳомий билан алоҳида келишув белгиланмаган бўлса, бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

2.2.2-жадвал

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағларининг сарфланиш йўналишлари⁷⁵

Т/р	Кўрсаткичлар	Маблағларнинг сарфланиши
1	мавжуд вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ва кредиторлик қарздорликни тўлаш	маблағлар дастлаб, ушбу мақсадларда сарфланади
2	моддий-техника базани мустаҳкамлашга	тушган маблағларнинг камида 75 фоизи
3	ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришга	тушган маблағларнинг кўпи билан 25 фоизи
4	ҳомийлик маблағларининг сарфланиши	ҳомийлардан тушган маблағлар

⁷³ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон) 81-модда

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (1999 йил 3 сентябрь, 414-сон)

⁷⁵ Муаллиф томонидан тузилган

		тўлиғича келишув доирасида ёки моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади
--	--	--

Бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича харажатларни амалга оширишда 2.2.2-жадвалда келтирилган меъзонларга амал қилинишини таъминлаш, таҳлил қилиш ва назоратини амалга оширишда улар бўйича юритиладиган ҳисоб ишларига эҳтиёж сезилади. Шунингдек, бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамгармаси маблағларининг ҳисобини юритишда юқоридаги тартибларга риоя этилиши бухгалтерия хизмати бўлими томонидан таъминланиши зарур.

Ривожлантириш жамгармаси маблағларининг сарфланиши бўйича тиббиёт ташкилотларида бошқа бюджет ташкилотларидан фарқли ўлароқ, фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида тартиб белгиланган. Тиббиёт ташкилотларида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарз мавжуд бўлмаса ёки ушбу қарздорликлар тўланган тақдирда товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни қоплангандан сўнг, моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг қолган маблағлари (ҳомийлик ёрдами, бегараз ёрдамдан ташқари):

тушган барча маблағларнинг камида 50 фоизи моддий-техника базани мустаҳкамлашга;

кўпи билан 50 фоизи ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Тиббиёт ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик маблағларининг барча суммаси, агар, ҳомий билан алоҳида келишув белгиланмаган бўлса, тиббиёт ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Шу ўринда, алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сон Қарори билан давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва

фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳолатда қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

I. Амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология назорати хизмати ва бошқа муассасалар;

II. Умумий профилли стационар тиббиёт муассасалари ва бошқалар;

III. Ихтисослаштирилган стационар муассасалар;

IV. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари, ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари.⁷⁶

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлашда ташкилотларнинг ушбу гуруҳларга тегишлилигидан келиб чиққан ҳолда, моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базани ривожлантиришга харажатлар амалга оширилади (2.2.3-жадвалга қаранг).

2.2.3-жадвал

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари⁷⁷

Тиббиёт муассасалари гуруҳлари	Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг маблағларини сарфлаш йўналишлари	
	моддий рағбатлантиришга	моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муассасани модернизация қилиш ва таъмирлаш, шунингдек вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини ва кредиторлик қарзларни тўлашга
муассасаларнинг I гуруҳи	25%	75%
муассасаларнинг II гуруҳи	35%	65%
муассасаларнинг III гуруҳи	40%	60%
муассасаларнинг IV гуруҳи	50%	50%

Тиббиёт ташкилотларида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлашда 2.2.3-жадвалда келтирилган тартибга амал қилиш талаб этилади. Ўз навабатида, тиббиёт ташкилотларида моддий

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори (2005 йил 21 декабрь, 276-сон)

⁷⁷ Норматив ҳуқуқий-ҳужжат асосида муаллиф томонидан тузилган

рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси маблаглари бўйича (хақиқий ва касса) харажатларнинг ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларни тузишда белгиланган меъзонларга риоя этилганлигини таҳлил қилиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси ҳамда тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси маблаглари барча ташкилотларда биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи гуруҳ харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади. Яъни, ходимларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий солиқ харажатларини молиялаштириш, капитал қўйилма ва капитал таъмирлаш, моддий техник базани мустаҳкамлашга йўналтирилади. Ушбу жараёнда белгиланган тартибнинг амал қилиши ва маблагларнинг белгиланган мақсадларда сарфланиши учун улар бўйича алоҳида ҳисоб ишлари юритилади.

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси маблагларини шакллантиришда алоҳида хусусиятга эга бўлган манбаларидан бири бу, фаолият турига хос маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойда бўйича солиқ имтиёзини қўллаш натижасида ташкилот ихтиёрида қолдириладиган маблаглар ҳамда уларнинг сарфланишидир. Юқоридаги параграфда солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш натижасида ташкилот ихтиёрида қолдириладиган маблагларнинг ҳисоби кўриб ўтилди.

Бизга маълумки, солиқ имтиёзи уни қўллаш натижасида ташкилотда қолдириладиган маблаглардан мақсадли сарфлашни назарда тутди. Хусусан, бюджет ташкилотларида солиқ имтиёз натижасида бўшаб қолган маблаглар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига асосан моддий-техника базани мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтириш белгиланган.⁷⁸ Демак, белгиланган солиқ имтиёзлари ривожлантириш жамгармасининг

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (1999 йил 3 сентябрь, 414-сон)

маблагларига ўхшаш тарзда ва мақсадларда сарфланиши зарур. Шу билан бирга, солиқ имтиёзи натижасида бўшаб қолган маблаглардан қанчалик мақсадли фойдаланилаётганлиги тўғрисида ахборотларни шакллантириб бориш талаб этилади.

Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар. Бюджет ташкилотларида бошқа бюджетдан ташқари маблағлар асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ёки сотишдан олинган ижобий молиявий натижанинг тегишли қисми, аниқланган камомадлар бўйича ундириладиган маблаглар, мол етказиб берувчи, пудратчи ва харидорлар билан ҳисоб-китобларда вужудга келадиган ундириладиган пеня ва жарималар, инвентаризация натижасида ҳисобга олинмаган активларнинг кирим қилиниши ҳамда бошқа қонунчиликда тақиқланмаган ҳолатларда ҳосил бўлади. Ушбу маблагларнинг сарфланиши асосан, ташкилотнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадларида амалга оширилади.

Юқорида норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар асосида бюджет ташкилотларини ҳар бир бюджетдан ташқари маблагларининг сарфланиш йўналишлари ва мақсадларини алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқдик. Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблагларининг шаклланиш манбалари ва уларни сарфланиш йўналишлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Аммо, ушбу маблаглар бўйича харажатлар, уларни амалга ошириш, ҳисобини юритиш билан боғлиқ умумийлик мавжуд.

Яъни, барча бюджетдан ташқари маблагларнинг сарфланиши харажатларнинг иқтисодий таснифга асосан тўртта гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш берувчининг ажаратмалари, капитал қўйилмалар ва капитал таъмирлаш, бошқа харажатлар) асосида амалга оширилади.



2.2.3-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобини юритишнинг схематик кўриниши⁷⁹

⁷⁹ Муаллиф томонидан тузилган

Шу билан бирга, мазкур параграф бошланишида қайд этиб ўтилганидек, харажатлар ҳақиқий харажатлар ва касса харажатларга ажратилади. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га кўра, бюджет ташкилотларида ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажат (ҳақиқий харажат ва касса харажат) лар бошлангич ҳужжатлар асосида иккиёклама ёзув қоидасига амал қилган ҳолда ҳисоб регистрлари, ҳисоб шаклларида қайд қилинади ва ҳисоби алоҳида юритилади (2.2.3-расмга қаранг).

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳисобини юритишда ушбу маблағлар юзасидан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметалари ижросига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда, ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини ҳисобга олиш учун мўлжалланган 294-сон шакл “Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари”да харажатлар гуруҳларининг режалари, унинг касса ижроси ҳамда ҳақиқий харажатлар ҳисоби юритилади (2.2.4-жадвалга қаранг).

2.2.4-жадвал

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари⁸⁰

Ҳужжат рақами	Сана	Муомала мазмуни	Гуруҳлар бўйича жами	шу жумладан, харажат турлари бўйича												
				1-гуруҳ харажатлари жами	Иш ҳақи	Касаллик варақаси учун тўлов	Рағбатлангириш, моддий ёрдам	2-гуруҳ харажатлари жами	Ижтимоий солиқ	Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий	4-гуруҳ харажатлари жами	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	Асосий воситалар бўйича харажатлар	Ижтимоий нафақалар	Бошқа харажатлар	ва х.к.
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
Йиллик режа																
Чораклик режа																

⁸⁰ Норматив ҳуқуқий-ҳужжат асосида муаллиф томонидан тузилган

Ой давомидаги харажатлар																			
Йил бошидан харажатлар																			

Мазкур шаклда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижроси юзасидан касса ва ҳақиқий харажатлар алоҳида ҳисобга олинади. Бир вақтнинг ўзида, параллел тарзда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар бухгалтерия ўтказмалари воситасида ҳисоб регистрлари ва шаклларида ҳисобга олинади. Буни 2.2.5-жадвалдаги кўринишда бухгалтерия ўтказмалари орқали ифодалашимиз мумкин.

2.2.5-жадвал

Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳақиқий харажатларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши⁸¹

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
1	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисобланиши	Ҳақиқий харажатлар 241-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” 251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” 271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар”	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича мажбуриятлар 171-“Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар” Кт-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” 174-“Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар”
2	Ижтимоий ажратманинг ҳисобланиши		Ижтимоий солиқ бўйича мажбуриятлар 163-“Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар”
3	Товар моддий-захираларнинг омордан фойдаланиш учун берилиши		Товар моддий-захиралар 06-“Бошқа товар-моддий захиралар”
4	Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш		Асосий воситаларнинг эскириши 02-“Асосий воситаларнинг эскириши”
5	Қолдиқ қийматини ҳисобдан чиқарилиши		Асосий воситалар 01-“Асосий воситалар”
6	Кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар		Мажбуриятлар 150-“ Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” 159-“ Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”

2.2.5-жадвалда келтирилган бухгалтерия ўтказмалари бюджет ташкилотларининг барча бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳақиқий

⁸¹ Муаллиф томонидан шакллантирилган

харажатларни ҳисобда акс эттиришга ҳосдир. Мазкур ҳолатда фақат, харажатларнинг қайси молиялаштириш манбасидан амалга оширилишидан келиб чиқиб, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи счётлар фарқланади. Шу ўринда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харжатлар ҳисобининг ўзига хос жиҳати вужудга келади. Яъни, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи счётлар алоҳида, аммо, улар билан боғлиқ мажбуриятлар ва активларни ҳисобга олувчи счётлар умумий кўринишда белгиланган. Бу эса, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харжатлар юзасидан таҳлилий ахборотларни шакллантириш ҳамда ушбу харажатлар билан боғлиқ ҳолатда мажбуриятлар ва активларнинг қайси молиялаштириш манбасидан вужудга келганлигини акс эттиришда номутаносибликларни келтириб чиқаради.

Бюджет ташкилотларидаги ҳақиқий харажатларни вужудга келтирувчи мажбуриятлар қайси молиялаштириш манбаси билан боғлиқлиги ҳамда активлар қайси молиялаштириш манбалари ҳисобидан кириш қилинганлигини фарқлаш учун улар бўйича аналитик (таҳлилий) бухгалтерия ишчи счётларини очиш ва юритиш талаб этилади. Бунинг учун ташкилотнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда фаолият хусусиятидан келиб чиқиб, молиялаштириш манбаларини эътиборга олган ҳолда дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳамда активларни ҳисобга олувчи ишчи счётлар режаси шакллантириб тасдиқланиши зарур.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса харажатларга тўхталадиган бўлсак, 2.2.3-расмда келтирилгани каби мажбуриятларнинг ушбу маблағлар ҳисобидан тўланиши ҳамда аванс (бўнак)тўловларининг газначилик томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ жараёнлар, уларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобини юритиш каби жиҳатларни ўрганиш етарли. Мазкур ҳолатда яна бир ўзига хос хусусият кўзга ташланади-ки, касса харажатлар бир вақтнинг ўзида газначиликда ҳамда бюджет ташкилотларида бир хил қиймат шаклида, аммо, турли кўринишларда ҳисобга олинади.

Ғазначиликда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса харажатлар харажатларнинг иқтисодий таснифи асосида ҳамда бюджет газна ижроси ҳисобининг бухгалтерия счётлари орқали ҳисобда акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларида эса, касса харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар бўйича мажбуриятлар ва аванс (бўнак) тўловларининг амалга оширилиши натижасида кредиторлик мажбуриятларнинг камайиши ҳамда дебиторлик мажбуриятларининг вужудга келиши сифатида ҳисобга олинади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишда улар бўйича касса харажатларга алоқадор бирор бир ҳисоб объекти ёки кўрсаткич мавжуд эмас. Фақатгина, “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” билан тасдиқланган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар⁸²да харажатларни ифодалаш билан боғлиқ мазкур кўрсаткичларни кўриш мумкин.

Демак, Давлат бюджети газна ижроси тизимининг амал қилиши сабабли, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича мажбуриятларни тўлаш ва аванс (бўнак) тўловларининг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолатда пул маблағларининг сарфланишига алоқадор кўрсаткичларни газна ижроси кўрсаткичларига мослаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларда касса харажатлар кўрсаткичлари киритилган, деган хулоса келиб чиқади.


Аммо, услубий жиҳатдан бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳисобини юритишда касса харажатларига оид кўрсаткичларнинг шакллантирилмасдан ёки ҳисоби юритилмасдан туриб тўғридан-тўғри бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларда касса харажатлари кўрсаткичларини шакллантириш бюджетдан ташқари

⁸² “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар”. 2018 йил 26 декабрь, 2971-сон

маблаглар бўйича харажатлар ҳисоби билан боғлиқ услубий муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

2.3.8 Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблаглар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Бюджет ташкилотлари фаолиятини амалга оширишда ходимлар ва стипендия олувчилар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда бошқа турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китоблар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар билан боғлиқ ҳисоб-китобларни ташкил этади (2.3.1-расмга қаранг).



2.3.1-расм. Бюджет ташкилотларида дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг таркиби⁸³


Ташкилотнинг фаолияти давомида вужудга келадиган мажбуриятлар 2.3.1-расмда келтирилгани каби дебиторлик ёки кредиторлик мажбурият кўринишида ҳисобда акс эттирилади. Бунда, бюджет ташкилотини молиялаштириш манбалари билан боғлиқ ҳолатда вужудга келадиган дебиторлик ёки кредиторлик мажбуриятларни алоҳида таркибга ажратиш зарурияти вужудга келади. Яъни, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бюджет маблаглари ва бюджетдан ташқари маблаглар бўйича вужудга келиши ҳамда ҳисоб-китоб қилиниши талаб этилади. Шунингдек, бюджет

⁸³ Муаллиф томонидан тузилган

ташкiлотларининг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоблар бевосита даромалар ва харажатлар (ҳақиқий ва касса харажатлар) ҳамда пул маблағлари ҳаракати билан ҳам узвий боғлиқ саналади.

1.1-параграфда келтириб ўтилганидек, бюджет ташкiлотлари фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши йил сайин ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса, бюджет ташкiлотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби аҳамиятини ва зарурлигини янада оширади ҳамда ушбу йўналишда амалга ошириладиган ҳисоб ишларига алоҳида ургу беришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини алоҳида тадқиқ этиш зарурияти вужудга келади.

Бюджет ташкiлотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг амалда юритилиш ҳолатини кўриб ўтадиган бўлсак, биз буни 2.3.2-расм орқали ифодалашимиз мумкин.



2.3.2-расм. Бюджет ташкiлотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг ҳисоб-китоб қилиниши⁸⁴

⁸⁴ Муаллиф томонидан тузилган

Ушбу расм бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисоб-китобларнинг барча босқичларини ўзида ифодалайди. Хусусан,

(1) дебиторлик мажбуриятлар билан боғлиқ ҳолатда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларнинг вужудга келиши;

(2) пул маблағлари тушуми билан боғлиқ ҳолатда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларнинг вужудга келиши;

(3) дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиши натижасида пул маблағларининг келиб тушиши;

(4) кредиторлик мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолатда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатларнинг вужудга келиши;

(5) пул маблағларининг сарфланиши билан боғлиқ ҳолатда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатларнинг вужудга келиши;

(6) кредиторлик мажбуриятларининг тўланиши натижасида пул маблағларининг сарфланиши.

Даромадларнинг вужудга келиши билан боғлиқ жиҳатлар 2.1-параграфда ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича батафсил тадқиқ қилинди. Харажатларнинг пайдо бўлишига алоқадор масалалар эса, 2.2-параграфда кўриб ўтилди. Демак, шундан келиб чиқиб, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ҳисобини алоҳида тадқиқ этамиз.

2.3.1-жадвал

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни рўйхатга олиш⁸⁵

Т/р	Кўрсаткичлар (ҳисоб-китоблар)	Қолдиқ ой бошига		Айланма ой учун		Қолдиқ ой охирига	
		дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит
1							
2							
...							
	Жами						

⁸⁵ Норматив ҳуқуқий-ҳужжат асосида муаллиф томонидан тузилган

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни ўзаро фарқлаш учун бюджет ташкилотда 285-сон шакл “Айланма қайднома” юритилади (2.3.1-жадвалга қаранг).

Мазкур шакл ҳар бир дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари билан боғлиқ ҳисоб-китобларни қайд қилиб бориш учун мўлжалланган. Шунингдек, ҳам актив, ҳам пассив бухгалтерия ҳисоби счёти ҳисобланган ҳисоб-китоб жараёнларидаги дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилади. Ой бошидаги ва ой охиридаги дебетдаги қолдиқлар дебиторлик мажбуриятларни акс эттирса, ой боши ва ой охиридаги кредитдаги қолдиқлар кредиторлик мажбуриятларни англатади. Ой давомидаги дебет айланма дебиторлик мажбуриятларнинг кўпайиши ва кредиторлик мажбуриятларнинг камайишини, кредит айланма эса, дебиторлик мажбуриятларнинг камайиши ва кредиторлик мажбуриятларнинг кўпайишини англатади.

Демак, ушбу 285-сон шакл “Айланма қайднома” ташкилот бухгалтериясида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларга оид оператив ахборотларни шакллантириш, ҳисоб-китоблар билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни умумлаштиришга хизмат қилади. Шу сабабдан, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар бошлангич ҳужжатлар асосида бир вақтнинг ўзида ушбу “Айланма қайднома”да ҳамда ҳисоб шакллари ва ҳисоб регистрларида акс эттирилиши талаб этилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишда 285-сон шакл “Айланма қайднома” ҳар бир молиялаштириш манбаси бўйича алоҳида юритилиши ҳамда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича бухгалтерия ахборотларини шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ саналади. Чунки, ҳар иккала мажбуриятлар ҳам пул маблағлари билан боғлиқ ҳолатда уларнинг ҳисоб-китоби амалга оширилади. Дебиторлик мажбуриятларнинг ундирилиши

натijasida келиб тушган маблаглар кредиторлик мажбуриятларнинг тўланиши учун сарфланади. Мазкур жиҳатлар хар бир бюджетдан ташқари маблагларга хос саналади. 2.3.1 ва 2.3.2-расмлардаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда бюджетдан ташқари маблаглар бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг ҳисоб-китобини 2.3.3-расмдаги кўринишда ифодалаш мумкин.



2.3.3-расм. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблаглар юзасидан дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисобда акс эттирилиши⁸⁶

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблаглар юзасидан дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг навбатдаги ўзига хос хусусияти кўзга ташланади. Бунда, ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобга олиниши нуқтаи назардан алоҳида бухгалтерия сўётларига ажаратилган. Дебиторлик ва

⁸⁶ Муаллиф томонидан тузилган

кредиторлик мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар уларнинг турлари бўйича гуруҳлаштирилган, аммо, молиялаштириш манбалари бўйича ажратилмаган.

Бу эса, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишда таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантиришда қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу қийинчиликларни бартараф этиш учун бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни ҳисобга олувчи ишчи счётларни очиш 8-иловадаги каби тарзда амалга оширилмоқда. Мазкур ишчи счётлар билан боғлиқ бухгалтерия ўтказмаларини 2.3.2 ва 2.3.3-жадвалларда кўриб ўтамиз.

2.3.2-жадвал

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебиторлар билан ҳисоб-китобларни бухгалтерия счётларида акс эттириш⁸⁷

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси*	
		Дебет	Кредит
Мол етказиб берувчи, пудратчи ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар			
1	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга шартнома бўйича олдиндан тўловларнинг амалга оширилиши	150/1, 150/2, 150/3, 150/4, 150/5	232, 110, 111, 112, 113
2	Харидор ва буюртмачилардан маблағларнинг келиб тушиши	110, 111, 112, 113	156, 175, 152/4, 152/5
3	Сугурта бўйича аванс (бўнак) тўловларининг ҳисобда акс эттирилиши	155/1, 155/2, 155/3, 155/4, 155/5	232, 110, 111, 112, 113
4	Иш ва хизматлар бўйича аванс (бўнак) тўловларининг ҳисобда акс эттирилиши	150/1, 150/2, 150/3, 150/4, 150/5	232, 110, 111, 112, 113
Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар			
1	Бюджетга олдиндан ўтказилган тўловларнинг ҳисобда акс эттирилиши	160/1, 160/2, 160/3, 160/4, 160/5	232, 110, 111, 112, 113
2	Бюджетдан ташқари жамғармаларга олдиндан ўтказилган тўловларни ҳисобда акс эттирилиши	161/1, 161/2, 161/3, 161/4, 161/5	232, 110, 111, 112, 113
Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар			
1	Ҳисобдор шахсларга аванс (бўнак) тўловларининг амалга оширилиши	172/1, 172/2, 172/3, 172/4, 172/5	232, 110, 111, 112, 113
2	Ходимларга аванс (бўнак) тўловларининг амалга оширилиши	173/1, 173/2, 173/3, 173/4, 173/5	232, 110, 111, 112, 113

* Изоҳ: 8-иловага қаранг

⁸⁷ Мауллиф томонидан тузилган

2.3.2-жадвалда келтирилган бухгалтерия ўтказмалари бошлангич ҳужжатлар асосида ташкилотнинг ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида мемориал ордерларда ҳисобга олиш орқали гуруҳланади ҳамда бош китобда ахборотлар умумлаштирилади.

2.3.3-жадвал

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бухгалтерия сўтларида акс эттириш⁸⁸

Т/р	Бухгалтерия операцияси	Бухгалтерия ўтказмаси*	
		Дебет	Кредит
Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар			
1	Мол етказиб берувчи ва пудратчилардан мавжуд қарздорликнинг тўланиши	150/1, 150/2, 150/3, 150/4, 150/5	232, 110, 111, 112, 113
2	Харидор ва буюртмачилардан олдиндан тўловларнинг келиб тушиши	110, 111, 112, 113	156, 175, 152/4, 152/5
3	Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-фактураларнинг ҳисобга олиниши	231, 241, 251, 261, 271	150/1, 150/2, 150/3, 150/4, 150/5
4	Сугурта бўйича тўловларнинг ҳисобда акс этирилиши	231, 241, 251, 261, 271	155/1, 155/2, 155/3, 155/4, 155/5
5	Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича мажбуриятларнинг тўланиши	150/1, 150/2, 150/3, 150/4, 150/5	232, 110, 111, 112, 113
6	Сугурта бўйича тўловларнинг амалга оширилиши	155/1, 155/2, 155/3, 155/4, 155/5	232, 110, 111, 112, 113
Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар			
1	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисобланиши	231, 241, 251, 261, 271	173/1, 173/2, 173/3, 173/4, 173/5
2	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича даромад солигининг ушлаб қоллиниши	173/1, 173/2, 173/3, 173/4, 173/5	160/1, 160/2, 160/3, 160/4, 160/5
3	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ижтимоий солиқнинг ҳисобланиши	231, 241, 251, 261, 271	161/1, 161/2, 161/3, 161/4, 161/5
4	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадалларининг ҳисобланиши	160/1, 160/2, 160/3, 160/4, 160/5	162/1, 162/2, 162/3, 162/4, 162/5
5	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича касаба уюшмасига аъзолик бадалларининг ушлаб қоллиниши	173/1, 173/2, 173/3, 173/4, 173/5	179/1, 179/2, 179/3, 179/4, 179/5
6	Стипендия тўловларининг ҳисобланиши	231, 251, 261, 271	174/1, 174/3, 174/4, 174/5
7	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисобланган даромад солигининг тўланиши	160/1, 160/2, 160/3, 160/4, 160/5	232, 110, 111, 112, 113
8	Ҳисобланган ижтимоий солиқнинг тўланиши	161/1, 161/2, 161/3, 161/4, 161/5	232, 110, 111, 112, 113
9	Ҳисобланган шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадалларининг тўланиши	162/1, 162/2, 162/3, 162/4, 162/5	232, 110, 111, 112, 113
10	Касаба уюшмасига аъзолик бадалларининг тўланиши	179/1, 179/2, 179/3, 179/4, 179/5	232, 110, 111, 112, 113

⁸⁸ Мауллиф томонидан ишлаб чиқилган

11	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўтказилиши	173/1, 173/2, 173/3, 173/4, 173/5	232, 110, 111, 112, 113
12	Ҳисобланган стипендияларнинг тўланиши	174/1, 174/3, 174/4, 174/5	232, 111, 112, 113

* Изоҳ: 8-иловага қаранг

Мазкур жадвалда келтирилган бухгалтерия ўтказмалари ҳам бошлангич ҳужжатлар асосида ташкилотнинг ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида мемориал ордерларда ҳисобга олиш орқали гуруҳланади ҳамда бош китобда умумлаштирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси, унинг ҳисоби ҳамда пул маблағлари ҳаракатига оид молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари ҳам бевосита дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларга алоқадор саналади. Хусусан, бюджетдан ташқар маблағлар тушуми ҳисобидан даромадларнинг вужудга келиши ва дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиши ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар кўпайишига олиб келса, мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармаларга, ходимлар ва стипендия олувчиларга аванс (бўнак) тўловлари ва мажбуриятларнинг тўланиши ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағларни камайтиради. Ушбу ҳолатлар бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ижроси жараёнида вужудга келиб, жорий даврда узлуксиз тарзда 294-сон шакл “Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари”да ҳисобга олиб борилади ҳамда ҳисобот даври якунида умумлаштирилган ҳолда пул маблағлари ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларда акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш билан боғлиқ қуйидаги мунозарали ва муаммоли ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин:

дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар бир хил шаклда белгиланган. Яъни, 15-“Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”, 16-“Бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармалар билан ҳисоб-китоблар”, 17-“Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-

китоблар⁸⁹ни ҳисобга олувчи счётлар ҳам актив, ҳам пассив счётлар саналади.⁸⁹ Ушбу ҳолат бухгалтерия ҳисобида ортикча ҳисоб-китобларни ҳамда ҳисоб шакллари ва регистрлари кўрсаткичларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашни талаб этади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китобларга оид жорий ахборотларни шакллантиришда қийинчиликларни тугдирмоқда.

бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбалари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилганлиги учун дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида ҳисобга олиш учун ишчи счётлардан фойдаланилиши юқорида қайд этиб ўтилди. Бюджет ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида ушбу ҳолат мустақил амалга оширилади ва ишчи счётлар молиялаштириш манбалари бўйича хоҳлаган шаклда юритилади. Бу эса, вазирлик, идора ва кўмиталар тизимидаги ташкилотларнинг жорий даврдаги дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларга оид ахборотларини умумлаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

⁸⁹ “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)

III БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. § Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларни тузиш

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишдан мақсад фойдаланувчиларни бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар, пул маблағлари ҳаракати, ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборот беришдан иборат. Ушбу ахборот фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот шаклида тақдим этилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар, харажатлар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги даврий ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” (2018 йил 26 декабрда 2971-сон)да белгиланган шакл ва муддатларда тузиб тақдим этилади.

“Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар”га асосан бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари таркиби қуйидагилардан иборат:

Баланс (1-сон шакл);

Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот;

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот;

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.⁹⁰

Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси жараёнига таъсир қилган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилинишининг сабаблари (таҳлиллари) (агарда иқтисод қилинган бўлса), дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва вақти, йўл қўйилган муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича кўрилган чоралар, қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Шунингдек, ҳисобот даврида бюджет ташкилотларига бегараз ёрдам ва марказлашган тартибда келиб тушган моддий қийматликлар тўғрисидаги маълумотлар, камомади аниқланган ва ўғирланган пул маблағлари ва бошқа товар-моддий қимматликлар суммаси ва ҳисоботлар билан боғлиқ бўлган бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларини (жумладан, тугалланмаган қурилиш ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиқ берилади.

Тушунтириш хати ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг

⁹⁰ “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар”. 2018 йил 26 декабрь, 2971-сон

ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс) ҳамда молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ ҳолда режа-иқтисод бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ва ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланади.

Бюджет маблағлари олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (тегишли ҳудудий молия органларига) чорак (йил) учун Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)ни мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ҳолда тақдим қиладилар.

Молиявий ҳисобот шаклларидаги барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Бюджет ташкилотларида тегишли активлар, пассивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устидан чизиб қўйилади.

Молиявий ҳисоботлар шакллари “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқнома билан тасдиқланган “Бош журнал китоби” (308-сон шакл) ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади. Ҳар бир молиявий ҳисобот шаклининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

“Ташкилот” реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;

“Бўлим, кичик бўлим, боб” реквизитида ташкилотнинг бюджет таснифига мувофиқ ташкилий ва вазифа жиҳатидан бўлиниши (белгиланиши) кўрсатилади;


“Ҳисобот даври” реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак) кўрсатилади;

“Бюджет тури” реквизитида ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаи ва ташкилот тақдим этадиган ҳисобот бўйича бюджетлар даражаси кодлари кўрсатилади;

“Ўлчов бирлиги” реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

Юқорида кайд этиб ўтилган реквизитлар ва уларнинг расмийлаштирилиши барча ҳисобот шаклларига хосдир. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шаклларини тузиш, уларнинг кўрсаткичларини очиқ бериш билан боғлиқ жиҳатларни ҳар бир ҳисобот шакли кесимида кўриб ўтамиз.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот даври мобайнида ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида ҳаражатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, ҳомийликдан олинган маблағлар ҳаракатини акс эттириш лозим (3.1.1-расмга қаранг).



3.1.1-расм. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган маблағлар таркиби⁹¹

⁹¹ Муаллиф томонидан тузилган

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар;

ҳомийликдан олинган маблағларга доир дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини шахсий газна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўғрилигини текшириб чиқиши зарур.⁹²

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг “1. Йил бошидаги пул маблағи қолдиги” қаторида тегишли шахсий газна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) кўчирмаларга мувофиқ, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасининг ҳисобот йили 1 январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиги акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами” қаторида “2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар” ва “2.2 Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум” қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади. “2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар” қаторида “а”, “б”, “в”, “г” ва “д” қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

“а) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар” қаторида тежаб қолинган ва белгиланган

⁹² “Бюджет ҳисоби” номли 3-сон Бюджет ҳисоби стандарти (2019 йил 18 январь, 3124-сон)

тартибда бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамгармасига ўтказилган давлат бюджети маблағлари кўрсатилади.

“б) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан” каторида фаолият тури бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган жами тушумлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

“в) бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан” каторида вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

“г) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар” каторида қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа келиб тушган тушумлар кўрсатилади.

“д) ҳомийликдан олинган» каторида ҳомий ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

“3 Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” каторида 4-устун “Касса харажат”да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

Ҳисоботнинг “2.2 Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум” каторида ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” каторида “3.1 Касса харажатлари” ва “3.2 Қайтарилган қолдиқ” каторларининг йигиндиси кўрсатилади. “3.1 Касса харажатлари” каторида 4-устун “Касса харажатлари — жами”да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади. “3.2 Қайтарилган қолдиқ” каторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “4. Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиги” каторида “1. Йил бошида пул маблағи қолдиги” каторида акс эттирилган

сумма ва “2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами” қаторида акс эттирилган тушумлар йигиндисидан “3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

“Харажатлар ёйилмаси”да бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан олдин тиббиёт ташкилотлари:

тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий газна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини текшириб чиқиши зарур.

Ҳисоботнинг “1. Йил бошидаги пул маблағи қолдиғи” қаторида тегишли шахсий газна ҳисобварақларнинг (ҳисоб рақамларнинг) ҳисобот йилининг 1 январь санасидаги кўчирмаларига асосан тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси бўйича пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами” қаторида “2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар” ва “2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум” қаторларининг йигиндиси кўрсатилади. “2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар” қаторида

“а”, “б”, “в”, “г”, “д” ва “е” қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йигиндиси кўрсатилади.

“а) тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар” қаторида тиббиёт ташкилоти учун бюджетдан ажратиладиган умумий маблағларнинг (харажатлар сметасида назарда тутилган жами маблағларнинг) 5 фоизигача бўлган қисмининг тиббиёт ташкилотининг мазкур жамгармасига ўтказилган суммалари кўрсатилади.

“б) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан” қаторида тиббиёт ташкилотининг пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлари кўрсатилади.

“в) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар” қаторида қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилган жамгармага ўтказилган тежаб қолинган маблағлар суммаси кўрсатилади.

“г) тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан” қаторида тиббиёт ташкилотлари вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадларини акс эттиради.

“д) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилладиган маблағлар” қаторида тиббиёт ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа келиб тушган тушумлар кўрсатилади.

“е) ҳомийликдан олинган” қаторида ҳомий ва донор ташкилотлардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

Ҳисоботнинг “2.2 Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум” қаторида ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

Мазкур ҳисоботнинг “3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” қаторида “3.1 Касса харажатлари” ва 3.2 “Қайтарилган қолдиқ” қаторларининг йигиндиси кўрсатилади. “3.1 Касса харажатлари”

каторида 4-устун “Касса харажатлари — жами”да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади. “3.2 Қайтарилган қолдик” қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “4. Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиги” қаторида “1. Йил бошида пул маблағи қолдиги” қаторида акс эттирилган сумма ва “2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами” қаторида акс эттирилган тушумлар йигиндисидан “3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

“Харажатлар ёйилмаси”да кўрсатилган жамгарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таълим ташкилотларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт бўйича тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.



3.1.2-расм. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тузишда бажариладиган ишлар⁹³

⁹³ Муаллиф томонидан тузилган

Таълим ташкилотлари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлиги; аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлиги; тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри акс эттирилганлигини текшириб чиқиш зарур.

Ҳисоботнинг “2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами” қаторида “2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар” ва “2.2 Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум” қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади. “2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар” қаторида “а”, “б”, ва “в” қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади. “2.2 Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум” қаторида ўтган молия йилида келиб тушишиш лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” қаторида “3.1 Касса харажатлари” ва “3.2 Қайтарилган қолдиқ” қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади. “3.1 Касса харажатлари” қаторида 4-устун “Касса харажатлари — жами”да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади. “3.2 Қайтарилган қолдиқ” қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортикча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Мазкур ҳисоботнинг “4. Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиги” қаторида “1. Йил бошида пул маблағи қолдиги” қаторида акс эттирилган сумма ва “2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами” қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан “3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

“Харажатлар ёйилмаси”да тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида

келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар харакати тўғрисидаги ҳисобот. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар харакати тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларининг харакати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Пенсия жамгармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;

ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;

мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар (музыка ва санъат мактаблари);

ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисобкитоблардан тушадиган тушумлар;

мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари;

умумтаълим ташкилотларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;

капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

тургун даволаш-профилактика ташкилотларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;

тақсимланиши назарда тутилган тушумлар;

бошқа таълим ташкилотларида (шу жумладан, баркамол авлод марказлари) болалар таъминоти учун ота-оналар тўлайдиган тўловлар;

бошқа маблағлар бўйича депозитлар;

грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситалари;

кредит ва ссудалар.⁹⁴

Ҳисоботни тузишдан олдин бюджет ташкилотлари қуйидагиларни текшириши керак:

ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий газна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

Ҳисоботнинг “Йил бошидаги маблағ қолдиги” устунни бўйича бюджет ташкилотлари ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобот йилининг 1 январь санасига бўлган мавжуд қолдиқ маблағларни акс эттирадилар.

Ҳисоботнинг “Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)” устунда ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда ҳисобот даврида бюджет ташкилотининг шахсий газна ҳисобварағига (ҳисоб рақамига) келиб тушган тушумлар акс эттирилади.

Ушбу ҳисоботнинг “Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум” устунда ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблағлар (+, -)” устунда бошқа бюджет ташкилотида тақсимланиши учун ўзаро ҳисоб-китоблар асосида тақсимланган маблағларни келиб тушиши ёки бошқа бюджет ташкилотига ўтказиб берилиши акс эттирилади. “Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблағлар (+, -)” устунда “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари” субсчётининг дебитидаги маблағ ижобий сон билан,

⁹⁴ “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар”. 2018 йил 26 декабрь, 2971-сон

аксинча ушбу субсчётнинг кредитидаги маблаг эса салбий сон билан акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “Ҳисобот даври охиридаги пул маблаг қолдиғи” устунида “Йил бошида маблаг қолдиғи”, “Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)”, “Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум” ва “Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблаглар (+, -)” устунларининг йигиндисидан “Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” устунидаги суммалар айирилгандаги натижа акс эттирилади.

Ҳисоботнинг “Транзит, депозит ҳисобварақлар ва бошқа жойлаштирилган маблаглар қолдиғи” қаторида ташкилотлар томонидан транзит, депозит ҳисобварақлар ва бошқа жойлаштирилган маблаглар акс эттирилади.

“Харажатлар ёйилмаси”да мазкур бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатларни иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблагларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттиради.

3.2.§ Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш

Бюджет ташкилотлари томонидан тузилган молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда молия органларига тақдим этилади. Қуйи молия органлари бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳаракати тўғрисидаги жамланма ҳисоботларни юқори турувчи молия органларига тақдим этиш муддатлари ҳам белагиланади.

Бюджет ижроси ва ҳисобининг дастурий мажмуасига уланган бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тегишли молия органлари ёки бюджет

маблағларини тақсимловчига тақдим қиладилар.⁹⁵ Дастурий мажмуа орқали электрон шаклда топширилган молиявий ҳисоботлар бир нусхада қозғоғга чоп этилиб, ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Бунда, ушбу имзоланган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотда белгиланган тартибда сақланади.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати жамланма молиявий ҳисоботларни дастурий мажмуа орқали ваколатли ходимлари томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тегишли молия органларига тақдим этади.

Жамланма молиявий ҳисоботлар бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва сақланади. Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати жамланма молиявий ҳисоботлар у ташкил этилган ташкилот раҳбари ҳамда марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматининг бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ва ташкилотда белгиланган тартибда сақланади.


Бюджет ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, молиявий ҳисоботларни тегишли молия органларига қозғоғ шаклида имзоланган ҳолда бир нусхада тақдим этади. Бунда, ушбу имзоланган молиявий ҳисоботларнинг бир нусхаси ҳисобот берувчи ташкилотда белгиланган тартибда сақланади. Бюджет ташкилотларининг муҳрларисиз ҳамда кўрсатилган ваколатли шахсларнинг имзоларисиз ушбу ҳисоботлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларни норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ белгиланган муддатларда тегишли молия органларига тақдим этадилар. Бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий

⁹⁵ “Бюджет ҳисоби” номли 3-сон Бюджет ҳисоби стандарти (2019 йил 18 январь, 3124-сон)

хисоботлари асосида чораклик ва йиллик жамланма молиявий ҳисоботларни тузиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш уларнинг тегишли молиялаштириш органлари ёки бюджет маблағларини тақсимловчиларга тақдим этилади ва ушбу ҳисоботлар жамланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади (3.2.1-расмга қаранг).



3.2.1-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг тақдим этилиши⁹⁶

Бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботлар асосида чораклик ва йиллик жамланма молиявий ҳисоботларни тузиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Тасарруфдаги ташкилотлар учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўзи Ўзбекистон

⁹⁶ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан тузилган

Республикаси Молия вазирлигига жамланма молиявий ҳисоботларни тақдим этадиган муддатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бюджет маблагларини тақсимловчиларнинг жамланма молиявий ҳисоботлари бюджет маблагларини тақсимловчининг раҳбари ёки у ваколат берган шахс ва бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблаглар ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларни молия бошқармасига белгилаган муддатларда, аммо, Молия вазирлиги белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан тақдим этади.

Туман ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблаглар ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларни молия органларига молиявий ҳисоботларни улар белгилаган муддатларда, аммо юқори турувчи молия бошқармаси томонидан белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан тақдим этади.

Электрон ҳужжат шаклида тақдим этилган бюджетдан ташқари маблаглар ҳаракатига оид молиявий ҳисоботлар бюджет ташкилотлари раҳбарларининг ёки улар ваколат берган шахсларнинг ва бош бухгалтерларининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳаракатига оид молиявий ҳисоботлар бошлангич ҳисоб ҳужжатлар билан асосланиши зарур. Бошлангич ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёки бюджетдан ташқари маблаглар ҳаракатига оид молиявий ҳисобот маълумотларининг бошлангич ҳисоб ҳужжатлари ва бюджет ҳисоби маълумотларидан фарқланиши, молиявий ҳисоботларда хўжалик жараёнлари ва маблагларнинг тўлиқ акс эттирилмаганлиги молиявий ҳисоботни тузиш тартибини бузиш сифатида қаралади ҳамда тегишли тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Молиялаштирилиши (ҳаражатларининг тўланиши) йил давомида бир бюджетдан бошқасига ўтказилган ёки бир вазирлик (идора) тасарруфидан бошқасига ўтказилган ташкилотларда ўтказиш санасига молиявий ҳисобот

(йиллик ҳисобот шакллари ҳажмида) тузилади ҳамда у илгариги ва ҳозирги юқори турувчи идораларга тақдим этилади. Келгусида ҳисобот фақат янги юқори турувчи вазирликка (идорага) тақдим этилади.

Бюджет ташкилотлари учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддат ишламайдиган кунга тўғри келган тақдирда, кейинги иш кунинда тақдим этилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботлар белгиланган муддатда топширилмаган тақдирда, тегишли молия органлари бюджет ташкилотлари раҳбарларини ёзма равишда ёки дастурий мажмуа орқали электрон шаклда огоҳлантирган ҳолда Давлат бюджетидан харажатларни молиялаштириш (тўлаш)ни чеклашлари, зарур ҳолларда тўхтатиб қўйишлари мумкин. Бунда, молиявий ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этувчи бюджет ташкилотлари ҳисоботларни топшириш муддатидан камида 5 кун олдин дастурий мажмуа орқали уларни тақдим этиш муддатлари яқинлашгани ҳамда молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этилмаган кундан бошлаб тўловларни амалга оширишга автоматик чекловлар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Алоҳида ҳолларда, тегишли молия органларига молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этишга имкониятлар чекланганлиги ёки маълум бир асосланган сабаблар кўрсатилган ҳолда бюджет ташкилоти раҳбарининг ёзма равишдаги мурожаатига асосан ҳисоботларни топшириш муддати кўпи билан 5 иш кунига кечиктирилиши мумкин. Бунда, ҳисоботларни ўз вақтида топширишга ташкилотларни ҳисобчилари ёки раҳбарининг масъулиятсизлиги сабаб бўлган ҳолатлар асосли, деб қабул қилинмайди.

Молиявий ҳисоботларда ўчириш ва устига ёзишларга йўл қўйилмайди. Ҳисоботларда хатолар тузатилган тақдирда тегишли ўзгартиришлар қилинади (электрон протоколлар юритилади), уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлайдилар. Молиявий ҳисоботларга киритилган барча

тузатишлар ҳақида уларни юқори турувчи ташкилот томонидан текшириш ва тасдиқлашда мазкур молиявий ҳисоботлар тақдим этилган барча жойларга (идораларга) мажбурий тартибда хабар қилиниши шарт.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини тақсимловчилар ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини қабул қиладилар, кўриб чиқадилар ҳамда тасдиқлайдилар (конун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса).

Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органлари ўтган йилги молия яқунларини чиқаришда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ўз тасарруфидаги ташкилотларининг йиллик молиявий ҳисоботларини кўриб чиқишда иштирок этишлари мумкин. Молиявий ҳисоботларда номувофиқликлар ва ноаниқликлар мавжуд бўлганда, молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари ўз эътироз ва таклифларини тегишли ташкилотларга улар қабул қилинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан хабар қилади.

3.3.§ Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича молиявий ҳисоботлар таҳлили

Бюджет тизимида бюджет ташкилотларининг молиялаштирилиши, тасдиқланган бюджетларнинг ижроси, ташкилотларнинг молиявий ҳолати, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, бюджет ижросига ахборотларнинг ошқоралиги ва ишончилиги устувор масалалардан саналади ҳамда шу мақсадда бюджет ҳисоби юритилдаи ҳамда молиявий ҳисобот шакллари тузиб тақдим этилади. Бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган молиявий ҳисобот шакллари, уларни тузиш ва тақдим этишга оид масалалар юқоридаги параграфларда кўриб ўтилди. Ўз-ўзидан шакллантирилган ва тақдим этилган молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида бюджет ташкилотининг мавжуд молиявий ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш, прогноз маълумотларни шакллантириш орқали молиявий қарорлар қабул қилинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатига бўйича молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш ташкилотнинг фаолият хусусиятидан келиб чиқиб бюджетдан молиялаштириш ҳолатини ва бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш имкониятларини аниқлаш, бир вақтнинг ўзида, маблағларнинг шакллантирилиши билан уларнинг мақсадли сарфланишига эришиш йўналишлари изланади. Тадқиқот объекти ҳисобланган давлат таълим ва тиббиёт ташкилотлари ижтимоий соҳага тегишли ташкилотлар бўлганлиги ҳамда ушбу соҳани молиялаштириш давлат бюджетининг катта қисмини ташкил қилганлиги боис уларда бюджетдан ташқари маблағларнинг шакллантирилиши ва сарфланишини таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

Таълим ташкилоти ҳисобланган Тошкент молия институтининг молиявий ҳисоботларини таҳлил қиладиган бўлсак, молиялаштиришнинг асосий учта йўналиши мавжуд. Булар, бюджетдан молиялаштириш, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ва ривожлантириш жамгармаси маблағларидан иборат (3.3.1-жадвалга қаранг).

3.3.1-жадвал

Олий таълим муассасасини молиялаштириш манбалари (млн. сўм)⁹⁷

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Бюджетдан молиялаштириш	3285,2	3039,3	3433,9	6753,8	11277,1
Тўлов-контракт шакли маблағлари	35130,4	42164,0	47134,5	68848,3	105567,8
Ривожлантириш жамгармаси маблағлари	2663,4	1889,2	1713,2	2821,2	4430,1
<i>Товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан</i>	513,4	595,8	411,7	577,3	348,9
<i>Ижарадан тушум</i>	86,9	71,1	89,9	104,1	69,6
<i>Ҳомийлик маблағлари</i>	1016,2				
<i>Иқтисод қилинган бюджет маблағлари</i>		24,8	24,8		2957,3
<i>Бошқа тушумлар</i>	1046,9	1197,5	1186,8	2139,8	1054,3
ЖАМИ	41079,0	47092,5	52281,6	78423,3	121275,0

⁹⁷ Тадқиқот объектининг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Мазкур молиялаштириш манбаларини вужудга келиши ва уларнинг сарфланишини таъминлаш бевосита уларга оид даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини алоҳида тарзда таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Даромадлар бўйича кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ўсиш тенденциясини кўриш мумкин (3.3.1-расмга қаранг).



3.3.1-расм. Олий таълим муассасасида бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши (млн. сўм)

2016-2020 йилларда олий таълим муассасасини молиялаштириш ҳажми йил сайин ўсиб борган. Хусусан, 2016 йилда 41079 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 121275 млн. сўмни ташкил қилган ёки 2020 йилда молиялаштириш ҳажми 2016 йилга нисбатан деярли 3 баробарга ортган. Бунда, молиялаштириш ҳажмининг ортиши асосан ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадларнинг ўсиши билан узвий боғлиқ. Чунки, ушбу молиялаштириш манбаси бўйича даромадлар 2016 йилда 35130,4 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб мазкур кўрсаткич 105567,8 млн. сўм (ёки 2016 йилга нисбатан 3 баробарга юқори)ни ташкил этган.

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадларнинг ўсиши бевосита таълим муассасасида таҳсил олаётган талабалар контингентининг ортиши ҳамда оширилган тўлов-контракт шакли

асосида таҳсил олиш тизимида енгилликларнинг берилиши билан боғлиқ. Шунингдек, Олий таълим муассасасини молиялаштириш ҳажмининг кўпайганлиги бевосита даромадларнинг таркибий ўзгаришига боғлиқ ҳисобланади (3.3.2-расмга қаранг).




3.3.2-расм. Олий таълим муассасасини молиялаштириш манбаларининг таркибий ўзгариши (фоизда)⁹⁸

Расм маълумотларидан тушуниш мумкинки, 2016-2020 йиллар давомида олий таълим муассасасини молиялаштириш манбалари таркибида бюджетдан молиялаштиришнинг улуши камайиб борган. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадларнинг умумий молиялаштиришдаги улуши бир маромда ўсиб борган. Ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича даромадларнинг умумий молиялаштириш ҳажмидаги улуши сўнгги 4 йил давомида ўсиш ҳолатида бўлган.

Олий таълим муассасаси ривожлантириш жамгармаси даромадларининг таркибини ўрганадиган бўлсак, улар бўйича умумий ҳолатда ўсиш даражаси мавжуд. Аммо, даромадларнинг таркибий тузилиши нуқтаи назаридан 2016-2020 йилларда турлича ҳолат кузатилган (3.3.3-расмга қаранг).

⁹⁸ Тадқиқот объектининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



3.3.3-расм. Олий таълим муассасасида ривожлантириш жамғармаси даромадларининг таркибий тузилиши(фоизда)⁹⁹

Олий таълим муассасасида фаолият турига хос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқаришдан олинган даромад, ижарадан тушум ҳамда бошқа тушумлар доимий тусга эга бўлиб, улар бўйича кўрсаткичларнинг тебраниши кузатилган. Ҳомийлик маблағлари ва иқтисод қилинган бюджет маблағлари бўйича даромадлар эса, вақтинчалик тусга эга даромад кўринишида бўлган. Ривожлантириш жамғармаси таркибида товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришдан даромад ва бошқа даромадлар салмоқли ўринга эга. Иқтисод қилинган бюджет маблағлари ҳисобидан тушумлар 2020 йилда 66, 8 фоизни ташкил қилган бўлсада, ушбу даромад тури ҳар доим ҳам кузатилавермайди.

Олий таълим муассасасини молиялаштириш манбалари даромадларидан келиб чиқиб улар бўйича харажатларнинг амалга оширилади. Харажатлар ва уларнинг амалга оширилиши иқтисодий жихатдан барча молиялаштириш манбалари бўйича бир хил шаклда амал қилади. Аммо, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланишида уларнинг сарфланиш йўналишлари ва мақсадлари аниқ белгиланганлиги боис, ҳисоб ишларининг юритилиши ва молиявий ҳисоботларни тузиб тақдим этиш ҳам шу нуқтаи назардан ёндашилади.

⁹⁹ Тадқиқот объектининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Яъни, бюджет ташкилотларида харажатлар харажатларнинг иқтисодий таснифи асосида тўртта гуруҳ (I-гуруҳ: иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, II-гуруҳ: иш берувчининг ажратмалари, III-гуруҳ: капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар, IV-гуруҳ: бошқа харажатлар)га ажратилган ҳолда амалга оширилади ва ҳисоби юритилади. Бюджет ташкилотларининг молиялаштириш манбалари бўйича даврий молиявий ҳисоботларни тузишда ҳам ушбу таснифга амалга қилинади. Демак, олий таълим муассасаларини молиялаштириш ҳолати, тасдиқланган режа асосида харажатларнинг амалга оширилиши, маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳолати ушбу харажат гуруҳлари бўйича таҳлил қилишни талаб этади (3.3.2-жадвалга қarang).

3.3.2-жадвал


Олий таълим муассасасини молиялаштириш манбалари бўйича харажатлар ва уларнинг таркиби (млн. сўм)¹⁰⁰

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Бюджетдан молиялаштириш	5329,0	5228,4	6182,1	13888,6	11885,5
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	2823,1	2604,3	3157,8	5826,4	5062,3
<i>шундан, стипендия</i>	<i>1508,2</i>	<i>1447,1</i>	<i>2166,7</i>	<i>3471,9</i>	<i>4226,2</i>
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	328,1	287,4	247,0	585,3	100,9
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар					
IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	2177,8	2336,7	2777,3	7476,9	6722,3
Тўлов-контракт шакли маблағлари	31954,9	36620,4	41787,9	51480,6	50227,2
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	24846,8	27642,0	32808,4	36275,8	36452,2
<i>шундан, стипендия</i>	<i>13734,4</i>	<i>15383,6</i>	<i>17655,2</i>	<i>14511,6</i>	<i>5819,6</i>
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	2732,2	2961,4	3691,3	5394,0	3668,2
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар		216,3			196,4
IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	4375,9	5800,7	5288,3	9810,8	9910,4
Ривожлантириш жамғармаси маблағлари	2295,7	1529,9	1706,3	2808,8	1507,0
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	236,4	343,9	340,3	472,3	552,8
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	57,5	81,0	81,3	117,0	65,6
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар				0,5	11,4

¹⁰⁰ Тадқиқот объектнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	2001,8	1105,0	1284,7	2219,0	877,2
Жами молиялаштириш	39579,6	43378,7	49676,3	68178,0	63619,7
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	27906,3	30590,2	36306,5	42574,5	42067,3
<i>шундан, стипендия</i>	<i>15242,6</i>	<i>16830,7</i>	<i>19821,9</i>	<i>17983,5</i>	<i>10045,8</i>
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	3117,8	3329,8	4019,6	6096,3	3834,7
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар		216,3		0,5	207,8
IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	8555,5	9242,4	9350,3	19506,7	17509,9

Жадвал маълумотлари асосида харажатлар ҳажми 2016-2020 йиллар давомида барча харажат гуруҳлари бўйича ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин. Аммо, ташкилотда амалга оширилган жами харажатларда таркибида молиялаштириш манбалари бўйича харажатларнинг улуши ўзгарганлигини кўриш мумкин (3.3.4-расмга қаранг).



3.3.4-расм. Олий таълим муассасасини молиялаштириш манбалари бўйича амалга оширилган харажатларнинг даврий ўзгариши (фоизда)¹⁰¹

Расм маълумотларига асосан, 2016-2020 йиллар давомида амалга оширилган жами харажатлардаги улуш бўйича тўлов-контракт шакли маблағлари харажатлар асосий ўринда эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар 2016 йилда жами

¹⁰¹ Тадқиқот объектнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

харажатлардаги улуши 80,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 78,9 фоизни ташкил қилган ва ушбу кўрсаткич сўнгги беш давомида сезиларли даражада ўзгармаган. Аммо, ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши йил сайин пасайиб борган ҳамда бюджетдан молиялаштириш бўйича харажатларнинг улуши ўсиб борганлигини кўриш мумкин.

3.3.2-жадвалдаги маълумотларда I-гуруҳ: иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (шу жамладан, стипендия), II-гуруҳ: иш берувчининг ажратмалари, IV-гуруҳ: бошқа харажатлар барча молиялаштириш манбалари бўйича амалга оширилганлигини кўриш мумкин. III-гуруҳ: капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар бўйича харажатлар эса, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича 2017 йилда 216,3 млн. сўм ва 2020 йилда 196,4 млн. сўм, ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича эса, 2019 йилда 0,5 млн. сўм ва 2020 йилда 11,4 млн. сўмни ташкил қилган.

2020 йилда олий таълим муассасасида жами 63619,7 млн. сўмлик харажатлар амалга оширилган бўлиб, бунинг 11885,5 млн. сўми бюджетдан молиялаштириш, 50227,2 млн. сўм қисми ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ва 1507 млн. сўмлик қисми ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Ушбу молиялаштириш манбаларидан 10045,8 млн. сўмлик стипендия тўловлари билан боғлиқ харажатлар амалга оширилган ҳамда бунинг 4226,2 млн. сўми бюджет маблағлари ва 5819,6 млн. сўмлик қисми эса, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларига ҳисобидан амалга оширилган. Стипендия тўловлари билан боғлиқ харажатлар жами харажатларнинг 15,8 фоизини, бюджет харажатларининг 35,6 фоизини, тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича 11,6 фоизини ташкил қилган. Амалга оширилган харажатларни молиялаштириш манбалари ва харажатлар гуруҳлари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, олий таълим муассасасида харажатларнинг асосан қайси

мақсадларда амалга оширилганлигини аниқ кўришимиз мумкин (3.3.3-жадвалга қаранг).

3.3.3-жадвал

Олий таълим муассасасида молиялаштириш манбалари бўйича амалга оширилган харажатларнинг таркибий тузилиши (фоизда)¹⁰²

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Бюджет маблағлари бўйича					
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	53,0	49,8	51,1	42,0	42,6
<i>шу жумладан, стипендия</i>	28,3	27,7	35,0	25,0	35,6
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	6,2	5,5	4,0	4,2	0,8
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар					
IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	40,9	44,7	44,9	53,8	56,6
Жами	100	100	100	100	100
Тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича					
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	77,8	75,5	78,5	70,5	72,6
<i>шу жумладан, стипендия</i>	43,0	42,0	42,2	28,2	11,6
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	8,6	8,1	8,8	10,5	7,3
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар		0,6			0,4
IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	13,7	15,8	12,7	19,1	19,7
Жами	100	100	100	100	100
Ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича					
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	10,3	22,5	19,9	16,8	36,7
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	2,5	5,3	4,8	4,2	4,4
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар					0,8
IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	87,2	72,2	75,3	79,0	58,2
Жами	100	100	100	100	100
Барча молиялаштириш манбалари бўйича жами					
I-гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	70,5	70,5	73,1	62,4	66,1
<i>шу жумладан, стипендия</i>	38,5	38,8	39,9	26,4	15,8
II-гуруҳ Иш берувчининг ажратмалари	7,9	7,7	8,1	8,9	6,0
III-гуруҳ Капитал таъмирлаш ва капитал қўйилмалар		0,5			0,3
IV-гуруҳ Бошқа харажатлар	21,6	21,3	18,8	28,6	27,5
Жами	100	100	100	100	100

¹⁰² Тадқиқот объектнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилинганда бюджетдан молиялаштириш билан боғлиқ харажатларнинг катта қисмини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шу жумладан стипендия ҳамда бошқа харжатлар ташкил қилган. Хусусан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (шу жумладан, стипендия) 2016 йилда 53 фоиз (28,3 фоиз), 2017 йилда 49,8 фоиз (27,7 фоиз), 2018 йилда 51,1 фоиз (35 фоиз), 2019 йилда 42 фоиз (25 фоиз), 2020 йилда 42,6 фоиз (35,6 фоиз)ни ташкил қилган. Бошқа харажатлар эса, шунга мос равишда 2016 йилда 40,9 фоиз, 2017 йилда 44,7 фоиз, 2018 йилда 44,9 фоиз, 2019 йилда 53,8 фоиз, 2020 йилда 56,6 фоизни ташкил қилган. Бундан кўринадики, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш берувчининг ажратмалари бўйича харажатлар бюджетдан молиялаштириш бўйича жами харажатлардаги улуши сўнгги беш йил давомида камайиб борган. Бошқа харажатлар эса, ушбу даврда бюджетдан молиялаштириш бўйича жами харажатлардаги улуши ўсиб борган.

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича жами амалга оширилган харажатлар таркибида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар билан боғлиқ харажатлар асосий улушни ташкил қилган. Жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (шу жумладан, стипендия) 2016 йилда 77,8 фоиз (43 фоиз), 2017 йилда 75,5 фоиз (42 фоиз), 2018 йилда 78,5 фоиз (42,2 фоиз), 2019 йилда 70,5 фоиз (28,2 фоиз), 2020 йилда 72,6 фоиз (11,6 фоиз)ни ташкил қилган. Сўнгги беш йил давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар билан боғлиқ харажатларни ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича амалга оширилган харажатлардаги улуши сезиларли даражада ўзгармаган бўлсада, аммо, стипендия тўловлари билан боғлиқ харажатлар йил сайин кескин пасайиб борган. Тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан амалга оширилган жами харажатлар таркибида бошқа харажатларнинг улуши ортиб борган. Хусусан, 2016 йилда 13,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 19,7 фоизни ташкил қилган.

Олий таълим муассасасида ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар таркибини ўрганилганда бошқа харжатларнинг ушбу маблағлар бўйича жами харажатлардаги улуши пасайиб борган бўлсада асосий ўринни эгаллаган. Хусусан, бошқа харажатларнинг ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар таркибидаги улуши 2016 йилда 87,2 фоиз, 2017 йилда 72,2 фоиз, 2018 йилда 75,3 фоиз, 2019 йилда 79 фоиз, 2020 йилда 58,2 фоизни ташкил қилган. Ушбу даврда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш берувчининг ажаратмалари мос равишда 2016 йилда 12,8 фоиз, 2017 йилда 27,8, 2018 йилда 24,7 фоиз, 2019 йилда 21 фоиз, 2020 йилда 41 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сон Қарорига асосан ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан маблағларнинг камида 75 фоизи моддий-техника базани мустаҳкамлашга ҳамда кўпи билан 25 фоизи ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланиши белгиланган.¹⁰³

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, олий таълим муассасасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш берувчининг ажаратмалари 2017 йилда 27,8 фоиз ва 2020 йилда эса, 41 фоизни, ташкилотнинг моддий харажатлари 2017 йилда 72,2 фоиз ва 2020 йилда эса, 59 фоизни ташкил қилган. Ушбу ҳолатни юқоридаги зикир этилган қарор талабининг бузилиши сифатида эътироф этиш мумкин.

3.3.3-жадвал асосида Олий таълим муассасаси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан қилинган харажатларни умумлаштирган ҳолда таҳлил қилинса, қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин (3.3.5-расмга қаранг).

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сон Қарори



3.3.5-расм. Олий таълим муассасаси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар таркибининг даврий ўзгариши (фоизда)¹⁰⁴

2016-2020 йиллар давомида олий таълим муассасасида амалга оширилган харажатлар таркибида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нисбатан камайиш тенденциясига эга бўлсада, асосий ўринни эгаллаганлигини кўриш мумкин. Ушбу харажат 2016-2017 йилда 70,5 фоиз, 2018 йилда 73,1 фоиз, 2019 йилда 62,4 фоиз, 2020 йилда 66,1 фоизни ташкил қилган. Иш берувчининг ажратмалари биринчи гуруҳ харажатларга мос равишда иш берувчининг ажратмалари ҳам жами харажатлардаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлган. Бошқа харажатлар 2016-2020 йилларда жами харажатлардаги улуши ортиб борган. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 21,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 27,5 фоизни ташкил қилган.

Ушбу кўрсаткичлар орқали олий таълим муассасасида дастлабки уч йил давомида жорий харажатларни молиялаштириш бирламчи ҳисобланган бўлса, кейинги икки йил давомида эса, моддий техник базанинг яхшиланиши билан боғлиқ харажатларнинг кўпайганлигини кўриш мумкин.

Олий таълим муассасасининг 2016-2020 йил давомидаги даромадлари ва харажатлари асосида ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича молиявий натижаларини аниқлаймиз ҳамда ташкилотнинг умумий молиявий фаолияти натижаларига баҳо берамих (3.3.4-жадвалга қаранг).

¹⁰⁴ Тадқиқот объектининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

3.3.4-жадвал

Олий таълим муассасасининг молиявий натижалари ва уларнинг даврий ўзгариши (млн. сўм)¹⁰⁵

Йиллар	Бюджетдан молиялаштириш			Тўлов-контракт шакли маблағлари			Ривожлантириш жамғармаси маблағлари			Барча молиялаштириш манбалари бўйича		
	касса харажат	харажат	молиявий натижа	даромад	харажат	молиявий натижа	даромад	харажат	молиявий натижа	даромад	харажат	молиявий натижа
2016	3285,2	5329,0	-2043,8	35130,4	31954,9	3175,5	2663,4	2295,7	367,7	41079,0	39579,6	1499,4
2017	3039,3	5228,4	-2189,1	42164,0	36620,4	5543,6	1889,2	1529,9	359,3	47092,5	43378,7	3713,8
2018	3433,9	6182,1	-2748,2	47134,5	41787,9	5346,6	1713,2	1706,3	6,9	52281,6	49676,3	2605,3
2019	6753,8	13888,6	-7134,8	68848,3	51480,6	17367,7	2821,2	2808,8	12,4	78423,3	68178,0	10245,3
2020	11277,1	11885,5	-608,4	105567,8	50227,2	55340,6	4430,1	1507	2923,1	121275,0	63619,7	57655,3

Жадвал маълумотлари таҳлили олий таълим муассасасини бюджетдан молиялаштириш билан боғлиқ касса ва ҳақиқий харажатлари ўртасидаги фарқ, яъни молиявий натижа 2016-2020 йиллар давомида салбий бўлиб келганлигини кўрсатмоқда. Ўқитишнинг тўлов контракт шакли маблағлари ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ (молиявий натижа) эса, ушбу даврда ижобий натижа билан яқунланган. Ташкилотнинг умумий молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ ҳолатда ижобий натижа билан яқунланган.

¹⁰⁵ Тадқиқот объектининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Мазкур олий таълим муассасасида сўнгги беш йил давомида молиявий натижаларнинг яхшиланиб бораётганлигини жадвал маълумот асосида кўриш мумкин. Хусусан, 2016 йилда 1499,4 млн. сўм, 2017 йилда 3713,8 млн. сўм, 2018 йилда 2605,3 млн. сўм, 2019 йилда 10245,3 млн. сўм ва 2020 йилда молиявий натижа 57655,3 млн. сўм билан ижобий яқунланган. Бунда, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблаглари катта таъсир қилган бўлса, ривожлантириш жамгармаси маблаглари бўйича фаолиятнинг сезиларли бўлмасида, ўрни мавжуд.

Олий таълим муассасасининг молиявий-хўжалик фаолиятига бюджетдан ташқари маблаглар 2016-2020 йиллар давомида тўғридан-тўғри фақатгина ижобий таъсир қилиб, молиявий натижанинг ижобий бўлишига хизмат қилган. Демак, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблаглари молиявий-хўжалик фаолиятига фақатгина, ижобий таъсир қилади, деб хулоса қилиш мумкин.

IV БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

4.1. § Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ҳисоби услубиётини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори билан бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасини шакллантириш, “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарори билан тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармасини шакллантириш белгиланган. Шунингдек, “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамгармаси тўғрисида”ги 2006 йил 14 январдаги 1537-сон низом билан тиббиёт муассасаларининг ушбу жамгарма маблағларини шакллантириш тартиби тасдиқланган.

“Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 2016 йил 23 августдаги 2821-сон низом билан мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш меъёрлари белгиланган. “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги 2013 йил 26 февралдаги 2431-сон низом асосида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича шартномани расмийлаштириш, тўлов миқдори ва унинг амалга оширилади.

Ушбу бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларнинг режасини тузиш “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 2014 йил 15 декабрдаги 2634-

сон низом билан тартибга солинади. Шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тузилган режанинг бажарилиши ёки унинг ижро этилиши, уларни ҳужжатлаштириш бевосита мазкур қайд қилинган низом доирасида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари манбалардан ҳосил бўлган тушумларини таъминлаш уларнинг ҳисобини юритиш орқали амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги жорий ва жамланма ахборотларни шакллантириш мақсадидаги ҳисоб ишлари даромад (тушум), улар билан боғлиқ дебиторлик мажбуриятларни алоҳида қайд этиб бориш “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқномага асосан бевосита муассасанинг ўзида амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг бюджет ташқари маблағлари бўйича даромад(тушум)лари ҳисоби амалда қуйидаги тарзда юритилмоқда (4.1.1-жадвалга қаранг).

4.1.1-жадвал

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларнинг ҳисобга олиниши¹⁰⁶

№	Муомала мазмуни	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари			
1.	Ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар тушуми	112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”	232-“Бюджетдан молиялаштириш”
2.	Фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар	200-“Маҳсулот (иш, хизмат) лар реализацияси”	262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”
3.	Ташкилот балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми	159-“Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”	262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”
4.	Ҳомийликдан олинган маблағлар	Активларни ҳисобга олувчи счётлар тегишлиси	262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”

¹⁰⁶ “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) асосида муаллиф томонидан тузилган

Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари			
1.	Тиббиёт муассасига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар	112-“Бюджет ташкило-тини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”	232-“Бюджетдан молиялаштириш”
2.	Ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар тушуми	112-“Бюджет ташкило-тини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”	232-“Бюджетдан молиялаштириш”
3.	Фаолият ихтисослиги бўйича товар (иш, хизмат) ларни реализация қилишдан олинган даромадлар	200-“Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси”	262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”
4.	Муассаса балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми	159-“Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”	262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”
5.	Ҳомийликдан олинган маблағлар	Активларни ҳисобга олувчи счётлар тегишлиси	262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”
Таълим ва тиббиёт муассасаларида ундириладиган тўловлар ҳисобидан маблағларни шакллантириш			
1.	Ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларининг куни узайтирилган гуруҳларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида сақлаб турилганлиги учун тўловлар	156-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар”	242-“Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари”
2.	Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олганлик учун тўлов	175-“Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар”	252-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар”
3.	Стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун тўлов	156-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар”	242-“Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари”

Жадвалдан кўриш мумкинки, барча бюджет ташкилотларида ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар тушуми, тиббиёт муассасига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳамда ҳомийлик сифатида ташкилотнинг ШФҲга ўтказиб бериладиган маблағлар уларнинг ҳаракати билан боглиқ ҳолатда даромад

сифатида ҳисобга олинмоқда. Бошқа ҳолатларда эса, бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ даромадларни ҳисобга олиш дебиторлик мажбуриятларни келтириб чиқариб, улар бўйича газначиликдаги ШФХга тушумини ҳисобга олишни талаб этади (4.1.2-жадвалга қаранг).

4.1.2-жадвал

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ШФХга тушуми¹⁰⁷

№	Муомала мазмуни	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари тушуми			
1.	Етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун харидорлардан келиб тушган маблағлар	112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”	152-“Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”
2.	Ижарадан тушум	112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”	159-“Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”
Таълим ва тиббиёт муассасаларида ундирилаётган тўловлар ҳисобидан маблағлар тушуми			
1.	Ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларининг куни узайтирилган гуруҳларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида сақлаб турилганлиги учун тўловлардан тушум	110-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар”	156-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар”
2.	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олганлик учун тўлов	111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар”	175-“Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар”
3.	Стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун тўлов	110-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар”	156-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар”

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий газна ҳисобварақлари (ШФХ) газначилик томонидан юритилади. Бюджет ижроси касса усулида амалга оширилишидан келиб чиққан ҳолда, давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳаракати билан

¹⁰⁷ “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) асосида муаллиф томонидан тузилган

боглиқ тушумлар даромад сифатида ҳисобга олинмоқда (4.1.3-жадвалга қаранг).

4.1.3-жадвал

Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларини ҳисобга олиш¹⁰⁸

№	Муомала мазмуни	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар			
1.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлари	019-“Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари”	049-“Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари тушумлари”

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад(тушум)ларнинг ҳисобини юритиш билан боглиқ жорий ва жамланма ахборотлар батафсил шакллантириб борилмоқда.

Бугунги кунда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ҳисобини юритиш билан боглиқ ҳал этилиши зарур бўлган қуйидаги мунозарали ҳолатлар мавжуд:

Биринчидан, бюджет тизими, унинг таркибий тузилиши, бюджет даромадлари ва уларнинг ижросига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилганда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари бюджет тизими бюджетларининг таркибий қисми сифатида эътироф этилган¹⁰⁹. Шунингдек, бюджет тизимида кассанинг ягоналиги принципига асосан, бюджет тизими бюджетларининг барча даромадлари Ягона газна ҳисобварагига киритилиши ва уларнинг харажатларини тўлаш ушбу ҳисобварақдан амалга оширилиши белгиланган.¹¹⁰ Бундан келиб чиқадики, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бюджет тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, бюджет тизимининг

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 3-модда. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонун.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 15-модда. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонун.

бошқа бюджетларга ўхшаш Ягона газна ҳисобварақда жамланади. Аммо, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари таркибига кўшилган ҳолатдаги молиявий ахборотлар мавжуд эмас.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлари ташкилотларнинг ўзида бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методи асосида, давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида эса, касса методи асосида ҳисобга олинади. Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ҳолатда, яъни, касса усулида юритилиши бюджет тизимининг таркибий қисми ҳисобланган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобга олинган ёки улар бўйича тушуми кутилаётган маблағлар тўғрисида ахборотларни шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Бошқа сўз билан ифодалаганда, ахборот технологиялари ривожланган бир шароитда, бюджет ташкилотларида ҳисобот даврида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳақиқатда қанча миқдорда даромадлар шаклланаётганлигини аниқлаб олишнинг имконияти яратилмаган.

Иккинчидан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад ва тушумларини ҳисобда акс эттиришнинг аниқ мезонлари белгиланмаган. “Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ҳисоби” номли 2.1. параграфда кўриб ўтилганидек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад ва тушумларини ўзаро бир-биридан фарқлаш ҳамда уларни ҳисобга олиш мезонлари аниқ белгиланмаган. Бу ҳолат, бюджет ташкилотларида даромад ва тушумларни ҳисобда акс эттиришда турлича ёндашувларини келтириб чиқаради. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад ва тушумлари тўғрисида ишончли ҳамда тизимли ахборотларни шакллантиришга тўсқинлик қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг

бюджетдан ташқари маблағ манбаларини шакллантиришга қаратилган амалий ҳаракатларни чеклайди.

Учинчидан, таълим муассасалари фаолият хусусиятидан келиб чиқиб, ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган даромадларни тан олишнинг меъзонлари аниқ белгиланмаган. Таълим муассасалари фаолияти ўқув йили билан боғлиқ амалга оширилади. Аммо, уларни молиялаштириш ва молия-хўжалик фаолиятини юритиш, ҳисоб ишларини олиб бориш молия йили билан узвий боғлиқ. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловларни амалга ошириш даврийлиги турлича бўлиши ҳамда маблағларнинг келиб тушиш вақтидан қатъий назар, даромадларни бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методига асосан ҳисобга олиб бориш зарур. Лекин, таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли бўйича даромадлар шахсий газна ҳисобварақларга келиб тушган даромад сифатида ҳисобга олинмоқда. Бу эса, бухгалтерия ҳисоби принципларига зид ҳолатдир.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларини ҳисобга олишда даромадлар ва харажатларнинг ўзаро мувофиқлиги таъминлигига умуман амал қилинмаяпти. Ваҳоланки, даромадларни тан олиш учун ушбу даромадлар билан боғлиқ харажатлар аниқланган ва ҳисобга олинган бўлиши зарур. Шу билан бирга, даромадлар вужудга келиши ёки шахсий газна ҳисоб варақларига келиб тушиши билан эмас, балки, ушбу даромадлар босқичма-босқич (ойма-ой) даромад сифатида эътироф этилиши ва ҳисобга олиниши услубий жиҳатдан тўғри ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби таъминлигига асосан, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадларни тан олиш, улар билан боғлиқ харажатларни аниқ ўлчаш ва ишончли баҳолаш юзасидан услубий муаммоларнинг ечимини бериш зарур.

Тўртинчидан, бюджет ташкилотларида вақтинча фойдаланилмаётган асосий воситаларни ижарага бериш, ижара тўловлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ижарадан тушумлар ва уларнинг сарфланиш йўналишлари, ижарадан тушган маблағларни ҳисобини юритиш бўйича

норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, асосий воситалар ижарасидан тушумларни ҳисобга олишда мунозарали ҳолатлар мавжуд. Жумладан,

1. “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра, “Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охириг белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даврлар (ҳар чоракда, ҳар ойда ва шу қаби) бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан тўланади. Тўлов ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорак, ой ва шу қабилар) учун юз фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.”¹¹¹, деб белгиланган. Бундан кўринадики, бюджет ташкилотларининг шахсий газна ҳисобварақларига асосий воситаларни ижарага беришдан тушум олдиндан келиб тушади. Бу эса, ижара бўйича аванс сифатида олиндиған тушумларни бухгалтерия ҳисобида муддати кечиктирилган даромад сифатида ҳисобга олиш зарурлигини келтириб чиқаради.

“Ижара” номли 6-сон Бюджет ҳисоби стандартига кўра, “Оператив ижара бўйича олинувчи даромад ижара муддати давомида тўғри чизиқли усулда ҳисобга олинади”, дея қайд этилган. Яъни, асосий воситалар ижараси бўйича тушумларнинг келиб тушиш даврийлигидан қатъий назар, тушумлар тегишлилиги бўйича ўз вақтида даромад сифатида тан олинishi керак. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ижарасидан тушумларни даромад сифатида тан олиш ва ҳисобда юритиш мумкин. Аммо, ижара бўйича олдиндан келиб тушадиган тушумларни ҳисобда акс эттириш юзасидан аниқ кўрсатма ёки услубий асослар белгиланмаган. Бюджет ташкилотлари амалиётида олдиндан тўловларни ижарачидан олинган бўнак сифатида кредитор мажбурият кўринишида ҳисобга олиш кузатилмоқда.

2. “Ижара” номли 6-сон Бюджет ҳисоби стандартига асосан, асосий воситалар ижараси стандарт мақсадларига кўра, молиявий ва оператив

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон Қарори билан тасдиқланган “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом. <https://www.lex.uz/acts/1465016>

ижарага ажратилган. Аммо, бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини ижарага беришни тартибга солувчи “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низомда асосий воситалар ижараси умумий кўринишда қайд этилган. Яъни, асосий воситалар бўйича ижара оператив ижара ёки молияий ижарага ажратилмаган. Ушбу ҳолат бюджет ташкилотларида вақтинча фойдаланилмаётган асосий воситаларни ижарага беришни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат билан ижарадан тушган маблағлар ҳисобини юритиш тартибини белгилаб берувчи “Ижара” номли 6-сон Бюджет ҳисоби стандартининг талаблари ўзаро мос келмаётганлигидан далолат беради.

3. Бюджет ташкилотларида вақтинча фойдаланилмаётган асосий воситалар оператив ижара шартномаси асосида ижара (бир йилгача муддат)га берилади. Оператив ижарада, асосий воситага эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча хавф-хатарлар ижарачида эмас, балки, балансида сақловчида бўлади. Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ижарачининг балансида ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари ижарага берилган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, ижарага берилган асосий воситалар бўйича тушумнинг 40 фоизи бюджет ташкилотлари ихтиёрига келиб тушади. Бунда, бюджет ташкилотларининг вақтинча фойдаланилмаётган асосий воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ самарадорлик ҳолати эътиборга олинмаган.

Бюджет ташкилоти балансида бўлган вақтинча фойдаланилмаётган асосий воситаларни ижарага бериш натижасида ташкилот ихтиёрига келиб тушаётган тушум билан ушбу асосий воситаларни сақлашга сарф этилаётган харажатларнинг ўзаро мувофиқлиги ўрганилмаяпти. Ижарага берилган асосий воситаларни сақлаш учун сарф этилган маблағлар миқдорини аниқлашнинг имкони йўқ. Бу эса, ўз навбатида, бюджет маблағларининг

ортикча сарфланиши ёки давлат активларининг мақсадсиз фойдаланилишига олиб келмокда.

Юқорида кайд этилган муаммоли ва мунозарали ҳолатларни баратараф этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари Бюджет кодексига асосан бюджет тизими бюджетлари таркибий қисми ҳисобланганлиги учун бюджет ижросига оид жамланма ҳисоботларни шакллантириш ёки консолидациялашган бюджет ҳисоботини тузишда бунинг эътиборга олиш зарур. Шунингдек, 1.1-параграфда келтирилган “Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари молиялаштириш ҳажмининг ўзгариш динамикаси” номли 1.1.4-расм ва “Бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар улуш(фоиз)ининг даврий ўзгариши” номли 1.1.1-жадвал маълумотларига асосланадиган бўлсак, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг Давлат бюджетдаги улуши йил сайин ўсиб бораётганлиги кузатилган. Ушбу ҳолатлар ўз навбатида, бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли фойдаланиш, уларнинг ижросига оид ахборотларнинг ошқоралигини таъминлаш учун ҳам бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармаларига оид даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини консолидациялашган бюджет ҳисоботи таркибида акс эттириш зарур.

Иккинчидан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари бюджет тизими таркибига кирганлиги сабабли, ушбу маблағлар бўйича даромадлар ҳисобини юритиш фақатгина, бюджет ташкилотларида амалга оширилмасдан балки, молия органи ва газначиликда ҳам юритишни ташкил этиш зарур. Бунинг учун эса, бюджет ташкилотларида бўлгани каби молия органлари ва газначилик бўлинмаларида ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини гуруҳлаштириш ва улар бўйича ҳисобланган даромадларга оид ягона ҳисобварақлардан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бюджет

ташкilotларининг бюджетдан ташқари маблағларининг амалдаги таркиби ва турларидан келиб чиқиб, улар бўйича даромадларни ҳисобга олишнинг ягона ҳисобварақларини қуйидаги таркибда шакллантириш таклиф этилади (4.1.4-жадвалга қаранг).

4.1.4-жадвал

Бюджет ташкilotларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадларини ҳисобга олувчи ягона ҳисобварақлар таркиби¹¹²

Даромадлар	Даромадлар таркиби
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар	Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Бюджет ташкilotлари томонидан ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим олганлиги учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар
	Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар
Бюджет ташкilotларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари	Бюджет ташкilotларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари
	Тиббиёт ташкilotларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари
Бюджет ташкilotларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобланган даромадлари	Ташкilotда ходимларнинг овқатланиш бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар
	Стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганларнинг овқатланиши учун тўловлари бўйича тушумлар
	Ажратмалар ҳисобига шаклландиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича ҳисобланган даромадлар
	Бюджет ташкilotларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари

¹¹² Муаллиф томонидан тузилган

Ушбу ягона ҳисобварақлар таркиби молия органи, газначилик ва бюджет ташкилотлари учун умумий ҳисобланиб, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш имконини беради. Шунини алоҳида қайд этиш зарурки, бир вақтнинг ўзида фақатгина, даромадлар эмас, балки, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва улар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ҳам таркибини шакллантириш назарда тутилади.

Натижада, молия органлари ва газначилик бўлинмаларида газна ижроси тизимига қамраб олинган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларнинг турлари тўғрисида оператив жорий ва жамланма бухгалтерия маълумотлари шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, бутун бир газначилик тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича тушуми кутилаётган даромадлар тўғрисида ахборотлар шакллантирилиши таъминланади. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг газна ижросига оид ахборотлар Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштиришга эришилади.

Учинчидан, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тўловлар ўқув йили давомида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган. Аммо, ўқув йили давомида таълим бериш билан боглиқ харажатлар узлуксиз тарзда ойма-ой амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига кўра, барча даражадаги бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижросини амалга ошириш бюджетларнинг баланслилиги ва ўзаро боглиқлиги принципига асосланилиши белгиланган. Яъни, бюджет тизими бюджетларида назарда тутилган харажатлар ҳажми уларнинг даромадлари ва тақчилликни қоплаш манбалари йигиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши керак.¹¹³

¹¹³ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 10-модда. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонун.

Бундан келиб чиқадики, бюджет тизимининг таркибий қисми ҳисобланган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг харажатлари ҳажми уларнинг даромадлари ва йил бошидаги маблағлар қолдиги йигиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши керак. Шунинг учун, маблағларнинг келиб тушишидан қатъий назар, даромадларни харажатларнинг ойма-ой амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда ҳисобга олиш зарур. Демак, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадларни пул маблағларининг келиб тушиш даврийлигидан қатъий назар, таълим хизмати кўрсатиб борилиши билан боғлиқ ҳолатда тан олиш ва ҳисобда акс эттириш бўйича услубий асосларни яратиш зарур.

Тўртинчидан, бюджет ташкилатларида вақтинчалик фойдаланилмаётган асосий воситаларни ижарага бериш ва ундан тушган маблағлар ҳисобини юритиш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда “Ижара” номли 6-сон Бюджет ҳисоби стандарти талабларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасига асосий воситалар ижараси бўйича бўнак тўловларини муддати кечиктирилган даромадлар сифатида ҳисобга олиш бўйича қўшимча киритиш зарур. Бунинг натижасида асосий воситаларни ижараси бўйича олдиндан олинган маблағлар бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида олинган бўнак сифатидаги дебиторлар ёки пул маблағи келиб тушган вақтдаги даромад сифатида эмас, балки, “Ижара” номли 6-сон Бюджет ҳисоби стандартига асосан ижара бўйича муддати кечиктирилган даромад тегишли даврда даромад сифатида ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилади. Ўз навбатида, ташкилотнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги ҳам таъминланади.

2. “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низомда вақтинча фойдаланилмаётган асосий воситалар ижарасини молиявий ва оператив ижарага ажратган ҳолда келтириш зарур. Чунки, “Ижара” номли 6-

сон Бюджет ҳисоби стандартида асосий воситалар ижараси стандарт мақсадларига кўра, молиявий ва оператив ижарага ажратилган. Шунингдек, молиявий ва оператив ижаранинг ўзига хос фарқли жиҳатлари кўп. Молиявий ижарада ижара объекти билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишлари, эгалик ҳуқуқи, хавф-хатарлар, даромадлар ва харажатларни тан олиш оператив ижарадан кескин фарқ қилади. Оператив ижара шартномасида назарда тутилган ижара тўловлари, мулкдан тўғри фойдаланиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш каби масалалар ўрин олади.

3. Бюджет ташкилотларининг вақтинчалик бўш турган асосий воситаларини ижарага беришда ижарага беришнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини таъминлаш зарур. Бунинг учун бюджет ташкилотларининг ижарага берилган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда ижарадан тушган маблағларнинг ўзаро мувофиқлиги (камида тенг бўлиши) талаб этилади. Бу талаб, бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ва давлат активларининг мақсадсиз фойдаланишининг олдини олади.

4.2. § Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳисоби услубиётини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори, “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарори билан бюджет ташкилотини шакллантирилган ривожлантириш жамгармаси маблағлари, тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари белгилаб берилган.

“Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги 2013 йил 26 февралдаги 2431-сон низом асосида олий ва ўрта

махсус таълим муассасаларида тўлов-контракт шаклидн тушган маблағларнинг сарфланиш белгиланган.¹¹⁴

“Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 2014 йил 15 декабрдаги 2634-сон низом билан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш ва тасдиқлаш, кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ижросини амалга ошириш меъёрлари белгиланган.

Норматив ҳуқуқий-ҳужжатларнинг талаблари асосида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини мустақил тузиб тасдиқлаган ҳолда молия органлари (республика бюджетидан молиялаштирилувчи ташкилотлар бюджет маблағларини тақсимловчи органлар)га тақдим этади. Бунда, ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатларни режалаштиришда молия йили бошидаги мавжуд маблағ қолдиги ҳамда ушбу маблағлар бўйича тушуми кутилаётган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб харажатлар режалаштирилади. Келтирилган ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар белгиланган мақсадларда сарфи амалга оширилади.

Қайд этиб ўтилган норматив ҳужжатларда белгиланган тартибларни ўрганадиган бўлсак, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини тасарруф қилиш ва улардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ айрим мунозарали ҳолатлар кўзга ташланади.

Биринчидан, таҳлил қиладиган бўлсак, жорий даврда бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметаларининг харажатлар қисмида маълум бир мақсад учун белгиланган сарфланмай қолган маблағ, келгуси молия йилига қолдиқ сифатида ўтади ва ўз навбатида,

¹¹⁴ “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги 2013 йил 26 февралдаги 2431-сон низом

келгуси молия йилида бошқа харажат моддалари бўйича режалаштирилиб уни сарфланиши амалга оширилади. Ушбу ҳолат бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни молия йили давомида белгиланган мақсадларда сарфлашни таъминлашга тўсқинлик қилади. Бюджет ташкилотлари томонидан сунъий равишда молия йили давомида бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган мақсадларда сарфланишини тўхтатиб туриш ва келгуси молия йилида бошқа мўлжалланган мақсадларга сарфлашга замин яратиши мумкин. Биргина мисол билан ифодалайдиган бўлсак, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича молия йили давомида ходимларни моддий рағбатлантириш ва ҳар ойлик устамалар бериш учун режалаштирилган маблағларни сарфини камайтириб ёки чеклаб ушбу маблағларни келгуси молия йилида моддий техник базани ривожлантиришга сарфлаш ноўрин ҳисобланади.

Иккинчидан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ўз номи билан муассаса ихтиёрида бўлган маблағлар ҳисобланиб, қонунчилик асосида тасарруф этилиши ва сметаларда белгиланган ҳолатда мақсадли сарфланиши зарур. Шу билан бирга, бюджет ташкилоти фаолиятида молия йили давомида мазкур маблағлар ҳисобидан сметаларда назарда тутилмаган ҳолда қўшимча маблағ манбалари вужудга келиши мумкин. Бизнингча, ташкилотлар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида илмий ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағларнинг янги манбаларини ҳосил қилиш ва уларнинг ҳажмини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун тасдиқланган сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтириш мумкинлигини назарда тутиш зарур.

Учинчидан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳисобини ҳам ўрганадиган бўлсак, бунда ҳам, юқоридаги ҳолатга дуч келамиз. Бюджет ташкилотларини бюджетдан

ташқари маблағларининг ШФХдан сарфланиши давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида харажат сифатида ҳисобда акс эттирилади (4.2.1-жадвалга қаранг).

4.2.1-жадвал

Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатларини ҳисобга олиш¹¹⁵

№	Муомала мазмуни	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар			
2.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлари	029-“Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлари”	019-“Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари”

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳақиқий харажатлар ва касса харажатларга ажратилган ҳолда ҳисобга олинади. Бунда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида ҳисобга олинган харажатлар билан касса харажатлар бир хил маънони беради. Яъни, бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблағларнинг ШФХдан сарфланиши касса харажат сифатида давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими ва бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ахборот тизимида ҳисобга олинмоқда. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобланган харажатлар ҳақиқий харажатлар сифатида бевосита бюджет ташкилотининг ўзида ҳисобга олинмоқда (4.2.2-жадвалга қаранг).

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи асосида муаллиф томонидан тузилган

**Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича
ҳисобланган харажатлари**

№	Муомала мазмуни	Бухгалтерия ўтказмаси	
		Дебет	Кредит
Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлари			
1.	Бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобидан шакллантирилган маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлари	241-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”	02-“Асосий воситаларнинг эскириши”, 06-“Бошқа товар-моддий захиралар”, 15-“Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”, 16-“Бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармалар билан ҳисоб-китоблар”, 17-“Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар”
2.	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича ҳисобланган харажатлар	251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”	
3.	Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлар	261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”	
4.	Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобланган харажатлар	271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар”	

Бу мазкур ҳолат, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича қўйилган харажатлари ёки ҳисобланган харажатларига оид ҳисобот давридаги жорий ва жамланма ахборотларни шакллантиришга тўсқинлик қилади. Фақатгина, бюджет ташкилотларининг чоралик ва йиллик ҳисоботларини умумлаштириш орқали мазкур ахборотларни шакллантириш

мумкин. Бу эса, ягона газна ҳисобварагига камраб олинган ҳамда давлат бюджетининг деярли йигирма фоизига тўғри келадиган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича узилишлар эҳтимолини келтириб чиқаради.

Юқоридаги кузатувлар ва таҳлиллар бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ва уларнинг ҳисобини юритиш бюджет тизими учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини кўрсатмоқда. Бюджет тизимидаги ислохотларни амалга оширишда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳисоби услубиётини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини келгуси йил учун сметаларни тузишда қайта тақсимламасдан кейинги молия йилида олдин белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш тартибини белгилаш зарур.

Натижада, бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблағларни молия йили давомида даромад ва харажатлар сметаларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланишлари таъминлади. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда кредиторлик мажбуриятларнинг ортиб кетмаслиги таъминланади.

Иккинчидан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари бўйича тасдиқланган сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтиришга рухсат беришни белгилаш зарур. Бунинг натижасида бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан сметалар бўйича амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида кўпайтириш, фаолият учун зарур бўлган

харажатларни қисқа муддатда амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларни тасарруф қилиш ва бошқариш бўйича имконияти янада кенгайтирилади.

Учинчидан, молия органлари ва газначилик бўлинмаларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлар бўйича ягона ҳисобварақлардан фойдаланиш орқали уларнинг ҳисобини юритишни жорий этиш зарур. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ҳисоби фақатгина, бюджет ташкилотларида юритилмасдан, балки, молия органлари ва газначилик бўлинмаларида ҳам юритилиши ушбу маблағларнинг турлари бўйича кутилаётган жорий давр молиявий мажбуриятларига оид тезкор бухгалтерия ахборотларини шакллантиришга хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари билан боғлиқ жорий даврдаги молиявий мажбуриятлари ва ҳисобланган ҳақиқий харажатлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда маблағларни самарали бошқариш имконияти яратилади.

4.3.§ Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг ахборот имкониятлари таҳлили ва уларни ошириш йўллари

Молиявий ҳисоботлар ҳисобни юритишнинг бош мақсади ҳисобланган ахборотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш учун шакллантирилади. Молиявий ҳисоботларнинг мақсади ташкилотнинг молиявий аҳволи, унинг фаолияти ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилиши учун зарур ҳисобланади. Молиявий ҳисобот молия-хўжалик муомалаларини хусусият ва мазмун жиҳатдан гуруҳларга тизимли бирлаштириш натижаси саналанади. Ахборотларни умумлаштириш ва гуруҳлаш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган

ахборотни тақдим этишдир. Чунки, молиявий ҳисоботлар белгиланган шаклда ва изоҳларда берилади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, ташкилотнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби субъектининг фаолияти тўғрисида ташқи фойдаланувчиларга қатъий шаклда ва умумқабул қилинган принцип (тамойил)лар асосида тузиб тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига кўра, молиявий ҳисоботлар вақт нуктаи назаридан узлуксиз бухгалтерия ҳисоби ахборотлари асосида, ўтган молиявий ҳисобот даврларининг кўрсаткичлари билан узвий боғлиқликда шакллантирилиши зарур. Шунингдек, молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг ишончли бўлиши, ахборотдан фойдаланувчилар учун жуда муҳим саналади. Молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичлар ўзаро ва бошқа даврлардаги кўрсаткичлар қиёсланувчан, яъни таққослаш имконини бериши муҳим жиҳат саналади.

Молиявий ҳисоботларда келтириладиган ахборотлар фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши лозим. Молиявий ҳисоботда ахборотнинг очиб берилмаслиги ёки нотўғри кўрсатилиши сабабли фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши мумкин бўлган ахборот муҳим ҳисобланади.¹¹⁶ Шулардан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботлардаги ахборотлар ва уларни таҳлил қилиш орқали фойдаланувчиларни молиявий ахборотлар билан таъминлаш имкониятини ўрганиш зарурияти вужудга келади.

Тадқиқот мавзуси доирасида ўрганиладиган бўлса, бюджет ташкилотларининг ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлари билан боғлиқ алоҳида молиявий ҳисобот шакли тузиб тақдим этилиши юқоридаги параграфларда кўриб ўтилди. Лекин, ушбу ҳисоботлардан қандай молиявий ахборотларни олиш имкони мавжудлиги, шунингдек, ушбу молиявий

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи» 2019 йил 18 январь, 3124-сон

ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинмади. Молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини таҳлил қиладиган бўлсак, албатта, баланс марказий ўринни эгаллайди. Бошқа молиявий ҳисоботлар ва маълумотлар баланснинг кўрсаткичларини батафсил ёритиш ҳамда асослаш учун хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларида молиялаштириш манбалари турлари ва уларнинг ҳажмларидан қатъий назар ягона баланс шакллантирилади. Балансда биз бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига оид қуйидаги ахборотларни олиш имкониятига эгамиз (4.3.1-жадвалга қarang).

Балансда ҳисобот йили бошига ташкилотнинг маблағлари ва унинг манбалари ҳолати келтирилиб, уларнинг ҳисобот даври давомидаги ўзгаришлари натижасида ҳисобот даври охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Мазкур ахборотлар ташкилот айнан ҳисобот даври бошидаги ҳолати билан ҳисобот даври охиридаги ҳолатни таққослаш орқали таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, маблағлар ва унинг манбалалари билан боғлиқ ўзгаришлар ташкилот миқёсида комплекс таҳлил қилиш, мол-мулкларнинг ҳолати, молиявий активларнинг мавжуд қолдиқлари, мавжуд дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар, молиявий натижаларни ҳолатини узвий алоқадорликда таҳлил қилиш мумкин. Балансда келтирилган ахборотлар маблағлар ва уларнинг манбаларини ҳисобот даври давомида юз берган таркибий ўзгаришларни ҳам таҳлил қилиш имконини беради.

Бюджет ташкилотида молиялаштириш манбалари таркиби ва ҳажмидан қатъий назар ягона баланс тузилганлиги учун баланс маълумотларини таҳлил қилиш орқали ташкилотнинг молиявий ҳолатига умумий баҳо бериш мумкин.

4.3.1-жадвал

Бюджет ташкилоти бухгалтерия баланси таркибида бюджетдан ташқари маблағларга оид ахборотларнинг ёритилиши ва уларнинг таҳлили¹¹⁷

T/p	Баланс кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
АКТИВЛАР			
1.	Номолиявий активлар	Асосий воситалар	Ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кирим қилинган номолиявий активлари, уларнинг таркиби, йил боши ва йил (чорак) охиридаги қолдиги каби ахборотлар очиб берилади. Мазкур ахборотлар орқали номолиявий активлар таркибининг даврий ўзгариши, улардан фойдаланиш ҳолати, ҳисобот даври давомидаги номолиявий активлар қийматининг ўзгариши, ҳисобот даври давомидаги номолиявий активларга амалга оширилган қўйилмалар ҳажмини таҳлил қилиш мумкин.
2.		Ноинлаб чиқариш активлари	
3.		Товар-моддий захиралар	
4.		Номолиявий активларга қўйилмалар	
5.	Молиявий активлар	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар	Мақтабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар марказида болалар таъминоти ва таълим олиши учун, стационар даволаш-профилактика ташкилотида даволанувчиларнинг овқатланиш учун келиб тушган пул маблағларининг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу кўрсаткичлар воситасида пул маблағларининг даврий ҳаракати таҳлил қилиш мумкин.
6.		Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар	Таълим муассасасида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағларининг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур кўрсаткичлар воситасида ушбу пул маблағларининг даврий ҳаракати ва ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
7.		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси ҳамда тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси пул маблағларига оид йил боши ва йил (чорак) охирига ахборотлар келтирилиб, ушбу ахборотлар воситасида жамғарма пул маблағларининг даврий ўзгариши таҳлил қилиш мумкин.
8.		Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар	Ташкилотнинг бошқа бюджетдан ташқари пул маблағлари билан боғлиқ йил боши ва йил (чорак) охирига ахборотлар келтирилиб, ушбу ахборотлар воситасида мазкур турдаги пул маблағларининг ҳисобот давридаги ўзгаришини кўриш мумкин.
9.		Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар	Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши ёки тегишли ҳисобварақларга ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари оид йил боши ва йил (чорак) охири ҳолатига ёритилиб, ушбу пул маблағларининг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
10.		Валюта ҳисобвараги	Ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳисобидан сотиб олинган чет эл валютасининг оид йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги акс эттирилади ҳамда уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
11.		Бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағлари	Ташкилотнинг оид йил боши ва йил (чорак) охирига бошқа пул маблағлари қолдиги тўғрисидаги ахборотлар берилиб, уларни ҳисобот давридаги ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
12.		Миллий валютадаги нақд пул маблағлари	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ ташкилот кассасидаги миллий валютадаги пул маблағлари тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборот берилиб, уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
13.		Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ ташкилот кассасидаги хорижий валютадаги пул маблағлари тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборот берилиб, уларнинг ўзгаришини даврий таҳлил қилиш мумкин.
14.		Аккредитивлар	Мол етказиб берувчи талаби билан очилган аккредитивларни йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот берилиб, уларнинг ҳисобот давридаги ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
15.		Депозитга қўйилган пул маблағлари	Депозитга қўйилган бюджетдан ташқари пул маблағларининг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги берилиб,

¹¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган

			уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
16.	Дебиторлар	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга ўтказилган аванс (бўнак) тўловларининг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
17.		Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	Харидор ва буюртмачиларга етказиб берилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар қиймати билан боғлиқ олинadиган маблағлар тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборотлар акс эттирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
18.		Сугурта бўйича тўловлар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сугурта ташкилотларига ўтказилган аванс (бўнак) тўловлари ёки сугурта ташкилотларидан ундириладиган маблағлар тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
19.		Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар	Мақтабгача таълим ташкилотлари ва мақтаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар марказида болалар таъминоти ва таълим олиши учун, стационар даволаш-профилактика ташкилотида даволанувчиларнинг овқатланиш учун олинadиган маблағлар тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
20.		Бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бошқа турли дебиторларга ўтказилган аванс (бўнак) тўловларининг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
21.		Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бюджетга ўтказилган аванс (бўнак) тўловларининг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
22.		Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўтказилган аванс (бўнак) тўловларининг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
23.		Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан олинadиган маблағларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
24.		Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар	Бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўтказилган аванс (бўнак) тўловларининг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
25.		Камомадларга доир ҳисоб-китоблар	Камомадга йўл қўйган ходимлардан ундириладиган маблағларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
26.		Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар	Хизмат сафари билан боғлиқ ҳисобдор шахсга берилган аванс (бўнак)лар бўйича ҳисоб-китобларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
27.		Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича ундириладиган маблағларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
28.		Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар	Ходимларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан берилган бошқа аванс (бўнак)ларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
ПАССИВЛАР			
29.	Кредиторлар	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
30.		Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	Харидор ва буюртмачилардан келиб тушган аванс (бўнак) бўловлари билан боғлиқ кредиторлик мажбуриятлар тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборотлар акс эттирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
31.		Сугурта бўйича тўловлар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сугурта ташкилотларига ўтказиладиган тўловлар тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.

32.		Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар	Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик келиб тушган, қайтарилиши ёки тегишли ҳисобварақларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар тўғрисидаги оид йил боши ва йил (чорак) охири ҳолатидаги ахборотларни ёритиб, ушбу пул маблағларининг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
33.		Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар	Мақтабгача таълим ташкилотлари ва мақтаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилотидида қайтариладиган пул маблағлари тўғрисида йил боши ва йил (чорак) охирига ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
34.		Бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бошқа турли дебиторларга ўтказилган аванс (бўнак) тўловларининг йил боши ва йил (чорак) охирига ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
35.		Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бюджетга ўтказиладиган тўловларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
36.		Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўтказилган тўловларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
37.		Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар	Бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўтказиладиган тўловларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
38.		Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар	Ходимларга ҳисобланган ижтимоий нафақалар бўйича кредиторлик мажбуриятларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
39.		Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар	Ҳисобдор шахсларнинг аванс (бўнак) ҳисоботлари асосида ундириладиган тўловларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
40.		Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар	Ходимларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобланган меҳнат ҳақи бўйича қарздорликнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
41.		Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар	Талабалар ва докторантларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобланган стипендия бўйича қарздорликнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
42.		Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар	Талабаларнинг таълим муассасаси олдидаги бошқа қарздорликлари бўйича йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
43.		Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар	Ходимларнинг ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинадиган бошқа тўловлар бўйича қарздорликлари бўйича йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
44.		Депонентланган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар	Депонентланган тўловлар бўйича қарздорликлари бўйича йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
45.		Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар	Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар бўйича йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборот келтирилиб, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш мумкин.
46.	Молиявий натижалар	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган харажатлар	Мақтабгача таълим ташкилотлари ва мақтаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилотидида амалга оширилган харажатларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур кўрсаткичлар воситасида ушбу харажатларни таҳлил қилиш мумкин.
47.		Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари	Мақтабгача таълим ташкилотлари ва мақтаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилотидида ҳисобланган даромадларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур кўрсаткичлар воситасида ушбу даромадларни таҳлил қилиш мумкин.
48.		Тўловларнинг махсус турларига	Мақтабгача таълим ташкилотлари ва мақтаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар

	доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа	маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилотида жорий даврдаги молиявий натижанинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Уларни даромад ва харажатларни ўзаро таққослаш орқали таҳлил қилиш мумкин.
49.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	Таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилди. Ушбу кўрсаткичлар воситасида харажатларни таҳлил қилиш мумкин.
50.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар	Таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича ҳисобланган даромадларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилди. Мазкур кўрсаткичлар воситасида даромадларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
51.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа	Таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича жорий даврдаги молиявий натижанинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Даромад ва харажатларни ўзаро таққослаш орқали уларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
52.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	Ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси ҳамда тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилди. Ушбу кўрсаткичлар воситасида харажатларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
53.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар	Ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси ҳамда тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Мазкур кўрсаткичлар воситасида даромадларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
54.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа	Ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси ҳамда тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий даврдаги молиявий натижанинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Даромад ва харажатларни ўзаро таққослаш орқали уларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
55.	Бошқа даромадлар бўйича харажатлар	Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлари бўйича амалга оширилган харажатларнинг йил боши ва йил (чорак) охирига қолдиги тўғрисида ахборотлар берилди. Ушбу кўрсаткичлар воситасида харажатларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
56.	Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар	Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлари бўйича ҳисобланган даромадларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Мазкур кўрсаткичлар воситасида даромадларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
57.	Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар	Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулкларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги қиймати тўғрисида ахборотлар берилди. Булар орқали инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулкларнинг қиймати, уларнинг ҳисобдан чиқарилишини даврий таҳлил қилиш мумкин.
58.	Бошқа даромадлар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа	Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлари бўйича жорий даврдаги молиявий натижанинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Даромад ва харажатларни ўзаро таққослаш орқали уларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
59.	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа	Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилоти молия-хўжалик фаолияти натижаларининг йил боши ва йил (чорак) охиридаги умумий ҳолати тўғрисида ахборотлар берилди. Ушбу кўрсаткичлар воситасида уларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
60.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молия-хўжалик фаолияти натижаларининг йил

	тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа	боши ва йил (чорак) охиридаги умумий ҳолати тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу кўрсаткичлар воситасида уларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
61.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа	Ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси ҳамда тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича молия-хўжалик фаолияти натижаларининг йил боши ва йил (чорак) охиридаги умумий ҳолати тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу кўрсаткичлар воситасида уларнинг даврий ўзгариши ва нисбатини таҳлил қилиш мумкин.
62.	Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа	Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлари бўйича молия-хўжалик фаолияти натижаларининг йил боши ва йил (чорак) охиридаги умумий ҳолати тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу кўрсаткичлар воситасида уларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
63.	Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар	Бюджет ташкилотига солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларнинг йил боши ва йил (чорак) охиридаги қиймати тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур кўрсаткичлар орқали берилган имтиёзлар ва имтиёз натижасида бўшаб қолган маблағларнинг ишгилиш ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Баланс кўрсаткичлари ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида умумлаштирилган ёки жамланма ахборотни берсада, унинг кўрсаткичларини батафсил очиб бериш учун бошқа молиявий ҳисобот шаклларида фойдаланилади. Тадқиқот мавзуйимиз бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи услубиётини такомиллаштиришга қаратилганлиги сабабли нафақат, балансни балки, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тузиладиган ҳисоботлар ва уларнинг ахборот имкониятлари таҳлилин кўриб ўтаемиз.

Хусусан, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғарамаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда асосан иккита йўналишдаги ахборотлар келтирилади. Яъни, ривожлантириш жамғарамаси маблағлари бўйича даромадлар ҳамда ушбу маблағлар билан боғлиқ харажатлар. Фойдаланувчи ушбу ҳисобот шакли орқали жамғарманинг пул маблағлари қолдиклари ва уларнинг ҳаракати, даромадларнинг таркибий тузилиши ва даврий ўзгариши, амалга оширилган харажатларнинг таркиби ва уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш имконига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида белгиланган талабларнинг бажарилганлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади (4.3.2-жадвалга қаранг).

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таркибида ахборотларнинг ёритилиши ва уларнинг таҳлили¹¹⁸

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Йил бошига пул маблағи қолдиги	Ривожлантириш жамғармаси пул маблағларининг йил бошидаги қолдиги	1 январь ҳолатига ривожлантириш жамғармаси пул маблағларининг шахсий газна ҳисобварақдаги қолдиги тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ўтган ҳисобот даври ва жорий ҳисобот давридаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Ҳисобот даврида тушган даромад	Ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар	Харажатлар сметалари бўйича тежалган бюджет маблағларининг ҳисобот чораги якунида ривожлантириш жамғармаси шахсий газна ҳисобварақига ўтказилган пул маблағлари тўғрисида ахборотлар келтирилади. Ушбу ахборотлар молия йилида иқтисод қилинган бюджет маблағлари миқдорини даврий ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилишда фойдаланилади.
3.		Фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан	Ташкилот фаолиятини амалга оширишда ихтисосликка мос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш натижасида олинган даромад тўғрисида ахборотлар келтирилиб, улар орқали ишлаб чиқариш фаолияти натижалари ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилиш мумкин.
4.		Бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан	Бўш турган мол-мулкларни ижарага бериш натижасида ташкилотга келиб тушадиган даромадлар тўғрисида ахборот беради. Ушбу кўрсаткич орқали ҳисобот даври давомида ижарадан олинган даромадларнинг даврий ўзгариши ҳамда ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилишда фойдаланилади.
5.		Белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар	Ташкилотга солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича берилган солиқ имтиёзлари, иккиламчи ҳом-ашёларни реализация қилишдан тушумлар тўғрисида ахборот берилади. Ушбу ахборотлар орқали ҳисобот даври давомида даромадларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
6.		Ҳомийликдан олинган	Ҳисобот даври давомида ҳомийлардан олинган маблағлар бўйича даромадлар тўғрисида ахборотлар келтирилади. Улардан даврий ўзгаришларини ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.
7.	Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум	Бошқа ҳисоб рақамлардан кўчирилган маблағлар тушуми	Ташкилотнинг бошқа ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобрақамига қайтарилиши билан боғлиқ ахборотлар келтирилиб, улар орқали ҳисобот даври давомида тушумларни таҳлил қилиш мумкин.
8.	Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами	Касса харажатлари	Мазкур молиялаштириш манбаси ҳисобидан ҳисобот даври давомида амалга оширилган касса харажатлар тўғрисида умумий ахборот берилади. Ушбу ахборотларни пул маблағлари сарфининг даврий ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланилади.
9.		Қайтарилган қолдиқ	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кассага қайтарилиб қилинган пул маблағларининг сарфланмай қолган қолдигининг ҳисоб рақамига қайтарилиши бўйича ахборотлар келтирилади. Мазкур ахборотлардан уларга оид ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин
10.	Ҳисобот даври	Ривожлантириш жамғармаси пул	Ҳисоботни топшириш санасидаги ривожлантириш жамғармаси пул маблағларининг шахсий газна

¹¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган

	охирига пул маблағи қолдиги	маблағларининг ҳисобот даври охиридаги қолдиги	ҳисобварақдаги қолдиги тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ҳисобот даври давомидаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
11.	Харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Ҳисобот даври давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
12.		Иш ҳақиға қўшимчалар	Ижтимоий солиқ ва иш берувчининг ажратмалари бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган харажатлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақиға қўшимчалар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
13.		Капитал қўйилмалар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали капитал қўйилмаларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
14.		Бошқа харажатлар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бошқа харажатлар (коммунал тўловлар, асосий воситалар бўйича харажатлар, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар)нинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали бошқа харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда мавжуд қарздорликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот каби тузилишга эга бўлиб, ушбу ҳисоботдан фойдаланиш билан боғлиқ ахборотлар ҳам ўхшашдир. Фойдаланувчи Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ўрғаниш ва таҳлил қилиш орқали “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисида”ғи низом талабларининг бажарилиш ҳолатини таҳлил қилиш имконияти мавжуд.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари билан боғлиқ ҳолатда ҳисоботда маблағларнинг қолдиқлари, ҳисобот даври давомидаги даромадлар ва харажатлар ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги

ахборотлар келтирилади. Ушбу ахборотлар орқали таълим муассасасининг ҳисобот даври билан боғлиқ пул маблағлари ҳаракатини, ушбу даврдаги ҳисобга олинган даромадлар таркибини, амалга оширилган харажатлар ҳажми ва таркибини таҳлил қилиш мумкин (4.3.3-жадвалга қаранг).

4.3.3-жадвал

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таркибида ахборотларнинг ёритилиши ва уларнинг таҳлили¹¹⁹

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Йил бошига пул маблағи қолдиги	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг йил бошидаги қолдиги	1 январь ҳолатига ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг шахсий газна ҳисобварақдаги қолдиги тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ўтган ҳисобот даври ва жорий ҳисобот давридаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар	01.03.20__ йилга ўтувчи контракт суммаси (20__-20__ ўқув йили учун)	20__-20__ ўқув йили учун 01.03.20__ га қадар келиб тушган пул маблағлари тўғрисидаги ахборотлар берилади. Ушбу ахборотлар воситасида таълим муассасасида молия йилининг дастлабки яримида 20__-20__ ўқув йили учун тушган маблағларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.
3.		жорий ўқув йили учун тушган контракт суммаси (20__-20__ ўқув йили учун)	Жорий ўқув йил учун келиб тушган пул маблағлари тўғрисидаги ахборотлар берилади. Ушбу ахборотлар воситасида таълим муассасасида сентябр ойидан бошлаб молия йили якунига қадар 20__-20__ ўқув йили учун тушган маблағларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.
4.		бошқа тушумлар	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг депозитга қўйилиши натижасида олинган даромадлар тўғрисида ахборот берилади. Мазкур ахборот воситасида ҳисобот даври давомидаги олинган даромадлар ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
5.	Ўтган йил қолдиги ҳисобидан тушган тушум	Бошқа ҳисоб ва рақамлардан кўчирилган маблағлар тушуми	Ташкилотнинг бошқа ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобрақамга қайтарилиши билан боғлиқ ахборотлар келтирилиб, улар орқали ҳисобот даври давомида тушумларни таҳлил қилиш мумкин.
6.	Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами	Касса харажати	Мазкур молиялаштириш манбаси ҳисобидан ҳисобот даври давомида амалга оширилган касса харажатлар тўғрисида умумий ахборот берилади. Ушбу ахборотларни пул маблағлари сарфининг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш ва маблағлар қолдигини аниқлашда фойдаланилади.
7.		Қайтарилган қолдиқ	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан кассага кирим қилинган пул маблағларининг сарфланмай қолган қолдигининг ҳисоб рақамга қайтарилиши бўйича ахборотлар келтирилади. Мазкур ахборотлардан уларга оид ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин
8.	Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиги	Ривожлантириш жамгармаси пул маблағларининг ҳисобот даври охиридаги қолдиги	Ҳисоботни топшириш санасидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг шахсий газна ҳисобварақдаги қолдиги тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ҳисобот даври давомидаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.

¹¹⁹ Муаллиф томонидан тузилган

9.	Харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Ҳисобот даври давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
10.		Иш ҳақиға қўшимчалар	Ижтимоий солиқ ва иш берувчининг ажратмалари бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган харажатлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақиға қўшимчалар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
11.		Капитал (қурилиш) қўйилмалар	Ўқитишнинг тўлов-контаракт шакли маблағлари ҳисобидан капитал (қурилиш) қўйилмаларнинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали капитал (қурилиш) қўйилмаларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
12.		Бошқа харажатлар	Ўқитишнинг тўлов-контаракт шакли маблағлари ҳисобидан бошқа харажатлар (коммунал тўловлар, асосий воситалар бўйича харажатлар, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар)нинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали бошқа харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда мавжуд қарздорликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари тўғрисидаги ҳисоботда Пенсия жамгармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари тушуми ва уларнинг сарфланиши, мактабгача таълим муассасалари, муסיқа ва санъат мактаблари, мактаб-интернатлар ва лицейларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар ва улар бўйича харажатлар, ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар ва улар бўйича харажатлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари даромадлари ва харажатлари, умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар ва уларнинг ўтказиб берилиши, тургун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар ва уларнинг сарфланиши каби ахборот оичиб берилади. Ушбу ахборотлар билан пул маблағлари ҳаракати, тушумлар ва улар билан боғлиқ харажат(сарф)ларни таркибий тузилиши, даврий ўзгариши, мавжуд ҳолати каби жиҳатларни таҳлил қилиш мумкин (4.3.4-жадвалға қаранг)

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таркибида ахборотларнинг ёритилиши ва уларнинг таҳлили¹²⁰

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Пенсия жамгармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари	Ташкилотда ишловчи пенсия ва нафақа олувчилар учун Пенсия жамгармасидан келиб тушган маблағлар тўғрисида ахборот берилади. Ушбу ахборот ҳисобот давридаги маблағлар тушумини таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.
2.	Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар	Ота-оналар томонидан болалар таъминоти учун ҳисобот даври давомида тўлаган маблағлари тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу ахборот мазкур тўловлардан тушумларни даврий таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.
3.	Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (музыка ва санъат мактаблари)	Ота-оналар томонидан болалар таъминоти учун ҳисобот даври давомида тўлаган маблағлари тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу ахборот мазкур тўловлардан тушумларни даврий таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.
4.	Ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар	Ташкилотда ишлаётган ходимларнинг овқатланганлиги бўйича ҳисобот даври давомида тўлаган маблағлари тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу ахборот мазкур тўловлардан тушумларни даврий таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.
5.	Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар	Ота-оналар томонидан болалар таъминоти учун ҳисобот даври давомида тўлаган маблағлари тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу ахборот мазкур тўловлардан тушумларни даврий таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.
6.	Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари	Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармаларига келиб тушган маблағлар тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу ахборот мазкур тўловлардан тушумларни даврий таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.
7.	Умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар	Ўқувчиларнинг умумтаълим муассасаларида дарсликлардан фойдаланганлиги учун ижара тўловидан тушган маблағлар тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу ахборот мазкур тушумларни даврий таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.
8.	Тургун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар	Тургун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан ҳисобот даври давомида овқатланиш учун тўлаган маблағлари тўғрисида ахборотлар берилади. Ушбу ахборот мазкур тўловлардан тушумларни даврий таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган	Ҳисобот даври давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида ҳисобот

¹²⁰ Муаллиф томонидан тузилган

		тўловлар	давридаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича молиялаштириш манбалари юзасидан харажатларни таҳлил қилиш мумкин.
2.		Иш ҳақига қўшимчалар	Ижтимоий солиқ ва иш берувчининг ажратмалари бўйича харажатлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида ҳисобот давридаги иш ҳақига қўшимчалар бўйича молиялаштириш манбалари юзасидан харажатларни таҳлил қилиш мумкин.
3.		Бошқа харажатлар	Бошқа харажатлар (коммунал тўловлар, асосий воситалар бўйича харажатлар, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар)нинг ҳисобот давридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилиш орқали бошқа харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда мавжуд қарздорликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами	Бюджет ташкилотидagi бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича амалга молиялаштириш манбалари юзасидан амалга оширилган жами касса харажатлар тўғрисида ахборот берилади. Ушбу ахборот ҳар бир молиялаштириш манбаси бўйича харажатларни даврий ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Касса харажати	Бюджет ташкилотидagi бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича амалга молиялаштириш манбалари юзасидан амалга оширилган касса харажатлар тўғрисида ахборот берилади. Ушбу ахборот ҳар бир молиялаштириш манбаси бўйича харажатларни даврий ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланилади.
3.	Қайтарилган қолдиқ	Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича амалга оширилган касса харажатларнинг тикланиши ёки пул маблағларининг қатъитрилиши тўғрисида ахборотлар келтирилади. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилишда ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.
4.	Бошқа ҳисоб рақамларга кўчирилган маблағлар	Бошқа бюджетдан ташқари маблағларнинг бошқа бир ҳисоб рақамларга кўчирилишига оид ахборотлар берилади. Уларни ахборотларини даврий таҳлил қилиш мумкин.
5.	Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиги	Бошқа бюджетдан ташқари маблағларнинг манбалари бўйича ҳисоб рақамдаги ҳисобот даври охиридаги қолдиқлар тўғрисида ахборотлар келтирилади. Уларни таркибий тузилишини даврий таҳлил қилиш мумкин.
6.	Ҳисобот даврида транзит ҳисобварақларда қолган қолдиқ	Бошқа бюджетдан ташқари маблағларнинг транзит ҳисоб рақамларига ўтказилиши бўйича ахборотлар келтирилади. Улар орқали транзит ҳисоб рақамлардаги маблағларни таҳлил қилиш мумкин.

Бюджет ташкилотлари жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи таркибида бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ ҳисобот даври давомида ҳисобланган даромадлар ва харажатларнинг таркиби ҳамда улар бўйича молиявий натижалар тўғрисида ахборотлар келтирилади. Ушбу ахборотларни таҳлил қилиш натижасида

хар бир бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ даромад, харажат ва молиявий натижаларнинг даврий ўзгаришини кузатиш мумкин. Шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларнинг ташкилот фаолияти молиявий натижаларига таъсирини таҳлил қилиш, ҳар бир молиялаштириш манбалари ва умумий фаолият молиявий натижаларини баҳолаш имконини беради (4.3.5-жадвалга қаранг).

4.3.5-жадвал

Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот таркибида бюджетдан ташқари маблағлар тўғрисидаги ахборотларнинг ёритилиши ва уларнинг таҳлили¹²¹

T/p	Ҳисобот кўрсаткичлари	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
Даромадлар		
1.	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар	Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилотида ҳисобот даврида ҳисобга олинган даромадлар ва келиб тушган тушумлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар даромад (тушум)ларнинг даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар	Таълим муассасасида ҳисобот даврида ўқитиш билан боғлиқ ҳисобга олинган даромадлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар даромад (тушум)ларнинг даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
3.	Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамгармаси даромадлари	Бюджет ташкилотининг ҳисобот даврида ривожлантириш жамгармаси бўйича ҳисобга олинган даромадлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар даромадларнинг таркибий тузилиши, даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
4.	Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси даромадлари	Тиббиёт ташкилотининг ҳисобот даврида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси бўйича ҳисобга олинган даромадлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар даромадларнинг таркибий тузилиши, даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
5.	Бошқа даромадлар	Ҳисобот даври давомидаги бошқа бюджетдан ташқари даромадлар таркиби тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар мазкур даромадларнинг таркибий тузилиши, даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
6.	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар	Ҳисобот даври давомида ташкилога берилган солиқ ва мажбурий тўловлар тўғрисида ахборотлар келтирилади. Уларни таҳлил қилиш орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
Харажатлар		
7.	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга	Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилотида ҳисобот даврида амалга

¹²¹ Муаллиф томонидан тузилган

	оширилган харажатлар	оширилган харажатлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
8.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	Таълим муассасасида ҳисобот даврида ўқитиш билан боғлиқ ҳисобга олинган харажатлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
9.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	Бюджет ташкилотининг ҳисобот даврида ривожлантириш жамгармаси бўйича ҳисобга олинган харажатлари тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар харажатларнинг таркибий тузилиши, даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
10.	Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	Тиббиёт ташкилотининг ҳисобот даврида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси бўйича ҳисобга олинган харажатлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар харажатларнинг таркибий тузилиши, даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
11.	Бошқа даромадлар бўйича харажатлар	Ҳисобот даври давомидаги бошқа бюджетдан ташқари даромадлар бўйича харажатлар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар мазкур харажатларнинг таркибий тузилиши, даврий ўзгариши ҳамда молиявий натижани таҳлил қилишда фойдаланилади.
Жорий йилга молиявий натижа		
12.	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижа	Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлари, мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази, стационар даволаш-профилактика ташкилотида ҳисобот давридаги молиявий натижалар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар молиявий натижаларнинг ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланилади.
13.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа	Таълим муассасасида ҳисобот даврида ўқитиш билан боғлиқ молиявий натижалар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар молиявий натижаларнинг ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланилади.
14.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа	Бюджет ташкилотининг ҳисобот даврида ривожлантириш жамгармаси бўйича молиявий натижалар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар молиявий натижаларнинг натижасини таҳлил қилишда фойдаланилади.
15.	Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси бўйича жорий йилга молиявий натижа	Тиббиёт ташкилотининг ҳисобот даврида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси бўйича молиявий натижалар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар молиявий натижаларнинг даврий ўзгариши ҳамда ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланилади.
16.	Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижа	Ҳисобот даври давомидаги бошқа бюджетдан ташқари даромадлар бўйича молиявий натижалар тўғрисида ахборот келтирилади. Ушбу ахборотлар мазкур даромад бўйича молиявий натижаларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
17.	Бюджетга ва давлат мақсадли жамгармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар	Ҳисобот даври давомида ташкилога берилган солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бўшаб қолган маблағлар ва уларнинг сарфланиш натижаси ҳақида ахборотлар келтирилади. Уларни таҳлил қилиш орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёزلардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Бюджет ташкилотлари томонидан тузиб тақдим этадиган молиявий ҳисоботларда бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлиқ пул маблағлари ҳаракати, даромадлар, харажатлар ва молиявий натижаларга оид жамланма ахборотларни олиш мумкин экан. Шу билан бирга бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати, улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибий тузилиши ҳамда даврий ўзгариши, молиявий натижаларнинг ҳолати ва уларнинг ўзгариши, бюджет ташкилоти фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашдаги ўрни, молиялаштириш ҳажмларининг ўзгариши, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг ҳолати каби таҳлилий амалга ўтказиш мумкин.

Юқорида қайд этилганги каби ахборот имкониятлари ва уларнинг таҳлил боғлиқ ижобий жиҳатлар билан бирга айрим мунозарали ҳамда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам мавжуд. Жумладан,

биринчидан, бюджет ташкилотларининг барча бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатига оид ҳисоботларда даромад ёки тушумларга оид кўрсаткичлар келтирилган. Ҳисоботларнинг номланиши ва кўрсаткичларнинг шакллантирилишида ушбу даромад ёки тушумлар фақатгина, ташкилотнинг ҳисоб рақамига тушган пул маблағлари тушуми нуқтаи назаридан ҳосил қилинмоқда. Ушбу ҳолат ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобга олинган ёки ҳисобланган даромадлари тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини бермайди. Ҳисобот давридаги ҳақиқатда ҳисобга олинган даромадлар ва харажатларни таққослаш орқали ташкилотнинг ҳақиқатдаги молиявий ҳолатини аниқлашга тўсқинлик қилади;

иккинчидан, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармаси, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда ушбу маблағлар билан боғлиқ харажатлар икки кўринишда берилган, яъни касса харажатлар ва ҳақиқий харажатлар. Касса харажатлар билан боғлиқ кўрсаткичларни пул маблағлари ҳаракатини

ифодалаш ва таҳлил қилишда фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш мумкин. Аммо, ҳақиқий харажатларни фақатгина, режага нисбатан ижроси ҳамда касса харажатлар билан таққослаш орқали дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида таҳлил қилиш мумкин. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотда ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар тўғрисида ахборот шакллантириб қўйилган. Демак, ушбу кўрсаткични фойдаланувчи учун фойдали ахборот сифатида қайд этиб бўлмайди;

учинчидан, жорий йилга молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборотларига тўхталадиган бўлсак, ушбу ҳисоботда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича келтирилган даромадлар ва харажатлар бевосита ушбу маблағлар юзасидан ҳақиқатда ҳисобланган даромад ва харажатларга асосланганлигини кўриш мумкин. Демак, мазкур ҳисобот ахборотидан фойдаланувчи ўз-ўзидан ҳисобланган даромадлар тўғрисидаги кўрсаткичларни билиш ёки улар тўғрисида ахборот олиш истаги вужудга келади. Афсуски, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати билан боғлиқ бирор бир ҳисоботда ҳисобланган даромадларга оид ахборотлар келтирилмаган.

Бизнингча, ушбу мунозарали ҳолатни бартараф этиш учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги даврий ҳисоботларда ҳисобланган даромадларга оид кўрсаткичларни киритиш зарур. Бу орқали, фойдаланувчилар учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳаркатида оид батафсил ва фойдали ахборотлар шакллантирилади. Шу билан бирга бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобланган харажатлар кўрсаткичларини таҳлил қилиш имконияти вужудга келади.

ХУЛОСА

Бюджет тизимида амалга оширилаётган ҳозирги ислохотлар босқичида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг замонавий технологияларини жорий қилиш, бюджет ижросига оид ҳисоботларни тузишда ахборотларнинг очиклигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур чора-тадбирларнинг ижобий натижаси ўлароқ бюджет тизимининг таркибий қисми ҳисобланган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобини юритиш ва уларга оид молиявий ахборотларни шакллантириш билан боғлиқ катор ижобий ўзгаришлар рўёбга чиқарилди. Булар каторида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

бюджет ташкилотларининг ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий газна ҳисобварақлар очилиб, барча пул маблағлари ҳаракати газначиликка қамраб олинди;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришнинг услубий асослари шакллантирилди;

бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ахборот тизими яратилиб, бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати, уларга оид даромад (тушум)лар ва харажатлар ҳисоби ушбу тизимда ҳисобга олинishi жорий этилди;

бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши ортиб бориши натижасида улар билан боғлиқ дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда ҳисобот маълумотларини алоҳида шакллантириш таъминланди.

Қайд этиб ўтилган мазкур ижобий жиҳатлар бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботида оид норматив ҳуқуқий-ҳужжатларда ўз аксини топиб амалиётда қўлланиб келинмоқда. Бюджет тизимида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг услубиётини чуқур тадқиқ

этиш заруриятини келтириб чиқариб олиб борилган изланишлар натижасида муҳим хулосалар шакллантирилди.

Бюджет тизимида солиқ юкини камайтириш, бюджет харажатларини оптималлаштириш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетидан молиялаштирилувчи бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш муҳим йўналишлардан бири саналади. Шу билан бирга, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар турлари ва уларнинг улушини кўпайтириш бюджет ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини таъминлашга хизмат килади.

Бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб бюджетдан ташқари маблағлар шакллантирилади. Ўз навбатида, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишда ҳам ушбу хусусиятларни инобатга олган ҳолда уларнинг ҳисоби ташкил этилади ва юритилади, бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар шакллантирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ жиҳатлар, кўрсаткичлар, жараёнлар, муносабатлар, ҳодисалар, ўзига хос бўлган томонлар ўрганилиши натижасида бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ҳисоби билан боғлиқ умумийлик мавжудлиги кузатилди. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини назарий асосларининг муаллифлик талқини шакллантирилди. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, объектлари, субъектлари, усуллари назарий жиҳатдан асосланди. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг таркиби, уларни тузиш ва тақдим этиш тартибини ўрганиш натижасида ҳисоботлардаги ахборотларнинг фойдаланувчилар учун муҳимлиги ва уларни таҳлил қилиш имкониятлари назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби амалиётида даромадлар уларнинг турлари бўйича таркибланади ва ҳисоби юритилади. Бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ёки тушумлар шакллантирилади. Даромадларнинг шаклланиши ва ҳисобини юритиш уларнинг тан олинishi ҳамда вужудга келиши билан боғлиқ жараёнларни ўзида ифодалайди. Тушумлар эса, бевосита маблағларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳолатда тан олинади ва ҳисобга акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш уларни иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш ва таркиблаштириш орқали амалга оширилади. Харажатларнинг вужудга келиши, уларни тан олиш ва ҳисобини юритиш ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ саналиб, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ҳақиқий харажатлар ва касса харажатларга ажратилган ҳолда ҳисоби юритилади. Маблағларни сарфлаш бўйича йўналишлар ва меъёрларнинг белгиланиши бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар юзасидан таҳлилий ҳисоб ишларини юритишни талаб этади.

Бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишда ташкилотни молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, таҳлилий ҳисоб ишлари амалга оширилади. Ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар тўғрисида ахборотларни шакллантиришда ташкилот фаолият хусусияти эътиборга олинади.

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар фойдаланувчилар учун асосий ахборот манбаи ҳисобланиб, улардаги кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлиги ва ишончилиги энг муҳим масалалардан биридир. Шу сабабдан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларга қўйиладиган умумий талаблар мавжуд. Ҳисоботларни тузиб тадқиқ этиш молия органи томонидан тартибга солинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштиришга қаратилган асосий илмий тақлиф ва амалий тавсияларни келтириб ўтамиз.

Бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини келгуси йил учун сметаларни тузишда қайта тақсимламасдан кейинги молия йилида олдин белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида бюджетдан ташқари маблағларни молия йили давомида даромад ва харажатлар сметаларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланишларини таъминлайди.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари бўйича сметалар доирасида амалга ошириладиган харажатларни уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти мавжуд бўлса, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан кўпайтиришга рухсат беришни белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан сметалар бўйича амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида кўпайтириш, фаолият учун зарур бўлган харажатларни қисқа муддатда амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари бюджет тизими таркибига кирганлиги сабабли, ушбу маблағлар бўйича даромадлар ҳисобини юритиш фақатгина, бюджет ташкилотларида амалга оширилмасдан балки, молия органи ва газначиликда ҳам юритишни ташкил этиш зарур. Бунинг учун эса, бюджет ташкилотларида бўлгани каби молия органлари ва газначилик бўлинмаларида ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини гуруҳлаштириш ва улар бўйича ҳисобланган даромадларга оид ягона ҳисобварақлардан фойдаланишни йўлга қўйиш

Бюджет тизимининг таркибий қисми ҳисобланган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармаларининг харажатлари ҳажми уларнинг даромадлари ва йил бошидаги маблағлар қолдиги

Йигиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Шу боисдан, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича даромадларни пул маблағларининг келиб тушиш даврийлигидан қатъий назар, таълим хизмати кўрсатиб борилиши билан боғлиқ ҳолатда тан олиш ва ҳисобда акс эттиришни белгилаш зарур.

“Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда “Ижара” номли 6-сон Бюджет ҳисоби стандарти талабларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасига асосий воситалар ижараси бўйича бўнак тўловларини муддати кечиктирилган даромадлар сифатида ҳисобга олиш бўйича қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ. Бу асосий воситаларни ижараси бўйича олдиндан келиб тушган маблағлар бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида олинган бўнак сифати эмас, балки ижара бўйича муддати кечиктирилган даромадларни тегишли даврда даромад сифатида ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилишига эришилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги даврий ҳисоботларда ҳисобланган даромадларга оид кўрсаткичларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бу фойдаланувчилар учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳаркатида оид батафсил ва фойдали ахборотлар шакллантириш имконини беради.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари Бюджет кодексига асосан бюджет тизими бюджетлари таркибий қисми ҳисобланганлиги учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига оид даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини консолидациялашган бюджет ҳисоботи таркибида акс эттириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга эга бўлган нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон) Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони (2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизминини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибинини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (1999 йил 3 сентябрь, 414-сон)

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори (2005 йил 21 декабрь, 276-сон)

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон Қарори билан тасдиқланган “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом

11. “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамгармаси тўғрисида”ги низом (2006 йил 14 январь, 1537-сон)

12. “Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом (2009 йил 5 февраль, 1898-сон)

13. “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўз.Р. ВМнинг 2009 йил 8 апрель, 102-сон қарорига илова)

14. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)

15. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (2011 йил 23 сентябрь, 2267-сон)

16. “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2013 йил 26 февраль, 2431-сон)

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи

18. “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 2014 йил 15 декабрдаги 2634-сон низом

19. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2016 йил 5 февраль, Ўз.Р. ВМнинг 31-сон қарорига илова)

20. “Мақтабгача таълим муассасалари ва мақтаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (2016 йил 23 август, 2821-сон)

21. “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” (2018 йил 26 декабрь, 2971-сон)

II. Монография, ўқув адабиётлари ва авторефератлар

22. Болтинова О., Петрова И. Бюджетный контроль. Учебное пособие для магистратуры. Юр.Норма. 2020

23. Van Helden, G.Jan, Ron Hodges Public Sector Accounting and Budgeting for Non-Specialists 2016th Edition. USA. — 256 p.

24. Жуклинец И.И. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М.: Издательство Юрайт, 2016. С.504

25. Ibragimov K.Sh., Byudjet hisoboti. Darslik – T.: “Iqtisod-Moliya” 2019. – 540 b.

26. Измоденов А.К. Бюджетный контроль. Учебник. Уральский государственный экономический университет, 2014

27. International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April.

28. Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби: Дарслик. Т.: Шарқ. 2004. 230-б.

29. Коренкова С.И. Бюджетный учет и отчетност. Учебное пособие для вузов. –М.: Издательство Юрайт, 2019. С.195

30. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent: “O’zbekiston” NMIU, 2017. - 488 b.

31. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak. - Toshkent: “O’zbekiston” NMIU, 2017. - 104 b.

32. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. - Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. - 56 b.

33. Mirziyoyev Sh.M. Qonunustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. - Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017.-48 b.

34. Mehmonov S. va Ubaydullayev D. Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi. Darslik. – T.: "Sano - standart". 2013. 454 b.

35. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari hisobi. O'quv qo'llanma. – T.: "Iqtisod -Moliya" 2018. 192 b.

36. Опарина С.И., Кришталева Т.И., Гурко А.И. Бюджетный учет и отчетност. Учебник и практикум для бакалавриата и магистратури. -М.: Издательство Юрайт, 2016. С.347

37. Supplemental Guidance: Public Sector Definition Release Date: Dec. 2011. The Institute of Internal Auditors (IIA).

38. Фуқаролар учун бюджет 2021 йил лойиҳа. Тошкент 2020.

39. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet hisobi. Darslik. – T.: "IQTISOD MOLIYA" 2018. 428 b.

40. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik – T.: "Iqtisod-Moliya" 2019. –329 b.

41. Tuychiyev A.J., Ibragimov K.Sh., Byudjet hisoboti. O'quv qo'llanma – T.: "Iqtisod-Moliya" 2018. –254 b.

42. Hamdamov B.K. va Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O'quv qo'llanma. "IQTISOD MOLIYA". – T.: 2018. 318 b.

III. Интернет сайтлари

43. <http://www.president.uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти

44. <http://www.gov.uz> Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали

45. <http://www.uza.uz> Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги расмий веб-сайти
46. <http://www.mf.uz> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий веб-сайти
47. <http://www.lex.uz> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси
48. <https://ach.gov.uz/uz> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси расмий веб-сайти
49. <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси веб-сайти
50. <https://data.gov.uz/> Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали
51. <https://openbudget.uz/> Ўзбекистон Республикаси очиқ бюджет портали
52. <https://www.intosai.org/> Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти
53. <https://www.ifac.org/> Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси
54. <https://www.ipsasb.org/> Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича кенгаш
55. <https://www.imf.org> Халқаро валюта жамгармаси
56. <https://global.theiia.org> Халқаро ички аудиторлар институти

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган бюджет ташкилотлари сони тўғрисида МАЪЛУМОТ¹²²

1 январь ҳолатига

Бюджет ташкилотлари	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	-	-	228	2 758	6 036
Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	15 696	15 691	15 104	13 240	10 551
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	1 748	1 728	1 666	1 646	1 579
Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар	4 801	4 751	1 644	1 621	1 691

2-илова

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ)даги тарбияланувчилар сони тўғрисида маълумот¹²³

№	Мактабгача таълим ташкилотлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1	Давлат мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ)	621700	678259	717046	846469	1046354
2	Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари	12352	12716	15806	27916	69083

¹²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 19 апрелдаги № 01/4-01-19-574-сонли маълумотномаси

¹²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 19 апрелдаги № 01/4-01-19-574-сонли маълумотномаси

3-илова

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган умумтаълим ташкилотларидаги
ўқувчилар сони тўғрисида маълумот¹²⁴**

№	Умумтаълим ташкилотлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
1	Давлат умумтаълим ташкилотларида	4666618	4819665	5262817	5837083	6147156	6260915
2	Нодавлат умумтаълим ташкилотларида	4067	5309	8444	13769	21042	26970

4-илова

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларида
тахсил олаётган талабалар сони тўғрисида маълумот¹²⁵**

